

Исоқтой Жуманов

БАДИИЙ СЎЗ МАҲОРАТИ

**5A150301 – Актёрлик санъати (турлари бўйича),
5A150401 – Режиссёрлик (турлари бўйича) магистратура
мутахассисликлари учун ўқув қўлланма**

Тошкент – 2014

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
Ўзбекистон Давлат Санъат ва маданият институти

“Саҳна нутқи” кафедраси

БАДИИЙ СЎЗ МАҲОРАТИ

5A150301 – Актёрлик санъати (турлари бўйича),
5A150401 – Режиссёрлик (турлари бўйича) магистратура
мутахассисликлари учун ўқув қўлланма

Мухаррир: филология фанлари номзоди, доцент Р.О.Жомонов

Такризчилар: пед. ф.н., профессор А.Носирова
доцент в.б. М.Ҳожиматова
филол.ф.н., доцент Р.Жуманиёзов

Тошкент - 2014

Аннотация

Мазкур ўқув қўлланма санъат ва маданият йўналишидаги магистратура бўлимларида “Бадиий сўз маҳорати”нинг назарий, амалий ва ижодий хусусиятларини камраб олиб, адабий ва публицистик матнлардаги тарбиявий-эстетик таъсирчанликни оширишга, нутқий фаолиятимизнинг мазмунли ва таъсирчанлиги, аниқ, равлон ва бетакрор бўлишидаги услубий ёндашишларга қаратилган. Ўқув қўлланмада фаолияти сўз санъати билан боғлиқ турли йўналишдаги ижодкор мутахассисларнинг тасаввур олами, фикр ва мақсад бирлиги, унинг хоҳиш-иродасини ифодаловчи сўзининг қудрати ва таъсирчанлигини ошириш кўзда тутилган. Сўзнинг бадиий етуклиги, равлонлиги, мукамаллигини таъминловчи машқлар, вазифалар ва йўриқлар мажмуаси жамланган назарий ва амалий машғулотлар тизими тақдим қилинган.

Аннотация

Учебное пособие «Мастерство художественного слова» рекомендовано для студентов отделения магистратуры ВОУ культуры и искусства. Воспитание профессиональных кадров в сфере искусства театра, кино, радио и телевидение является чрезвычайно важной задачей. Необходимость расширения эстетического пространства различными видами искусства, в том числе художественного слова, в творческой практике и в теории, остро стоит необходимость идейного и духовного воспитания современной молодежи. Оно открывает новые возможности для реализации своего специфического начала. Различные тексты по жанру, содержанию, смыслу, преобразованные действием, пластически-пространственным решением, через художественное слово обнаруживают выходы сокровенному, неведомому, неожиданному смысловому акценту.

Метафоричность и лаконизм поэтических фраз и художественно- публицистические тексты, специфический ритм прозы великих писателей и поэтов, смысловая насыщенность, заставили искать соответственно новые выразительные средства в решении сценического пространства, лаконизм, соотношение словесной партитуры в единую образно – стилевую систему.

Annotation

Textbook "Art Expertise word" recommended for the students of graduate higher education institution of culture and art. Education professionals in the field of art theater, film, radio and television is an extremely important task. The need to expand the aesthetic space different kinds of art, including artistic expression, creative practice and in theory, an acute need for ideological and spiritual education of the youth of today. It opens up new opportunities to realize their spetsificheskogo nachala. Different texts by genre, content, meaning, converted action, plastic and spatial solution, through artistic expression detected outputs to the hidden, the unknown, the unexpected semantic accent. Metaphorical and poetic phrases and laconic artistic and journalistic texts, the specific rhythm of prose of the great writers and poets, semantic saturation, forced to search for new expressive respectively srestva solution of stage space, laconic, relations verbal score a single figurative stylistic system.

*Инсонни, унинг маънавий оламини
кашиф этадиган яна бир қудратли
восита борки, у ҳам бўлса сўз
санъати, бадиий адабиётдир.*

И.А. Каримов

К и р и ш

Инсон ва инсониятнинг ибтидо ва абадият оралиғида не-не беназир хусусиятларни содир қилишга қодир олий аҳд, эзгу тилак, мақсад, хоҳиш-ирода, фикр, мақсад, муносабатларимизни ифодаловчи сўз санъатининг тенгсиз қудрати, миллатни бирлаштирувчи, уни тараққиётга, комилликка, юксакликка чорловчи, руҳлантирувчи, имкониятлари кенг ва терандир.

Магистратура бўлимларида “Бадиий сўз маҳорати” нутқ техникаси ва сўз устида ишлашнинг юқори босқичдаги янги ва мураккаблаштирилган тизимларидан ҳисобланиб, назарий ва амалий малакага эришиш вазифалари белгиланган. Фаолиятлари сўз санъати, бадиий сўз маҳорати, ижрочилик санъати, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот жараёнлари билан боғлиқ турли йўналишларда “Бадиий сўз маҳорати” фанининг илк босқичида нутқ техникаси ва сўз устида ишлашнинг барча жараёнларини мустаҳкамлиши зарурлигини истисно қилиб бўлмайди.

Тилимизнинг бой ва беқёс хазинасини асрашга, бойитишга қаратилган оқилона ва одилона муносабат тараққиётимизнинг улуғвор жараёнларига хизмат қилади. Миллий ғояларимизнинг ҳаётбахш фалсафаси тилимизга, сўз санъатимизга янада қамровли вазифаларни юклайди. Бадиий сўзимизнинг нурли манзаралари, унинг театр, кино, телевидение ва радиодаги тарбиявий қудрати, миллий маданиятимиз ва маънавиятимиз олдидаги вазифалари катта. “Саҳна нутқи” “Бадиий сўз маҳорати”нинг нуфузи, ҳаётий фаолиятимизга дахлдорлиги, долзарб муаммоларнинг оламшумул жараёнлари сабабли тобора кенгайиб бормоқда.

Бу эса ҳамма ижодий жараёнлар каби чуқур эътибор, кунт, ижодий изланишлар, машқлар, вазифалар ва йўриқлар мажмуасини яратиш ва амалга оширишни талаб қилади. Мамлакатимизнинг ижтимоий ва илмий-техник тараққиёти, жамиятимизнинг маънавий салоҳияти ривожланаётган жараёнда ҳар бир шахс ўз касбий маҳорати, фикри, мақсадлари баробарида ўзининг нутқи ва бадиий сўздаги ифодавий имкониятларини мустаҳкамлаши зарур. Бундай имкониятларни яратадиган изланишлар, таҳлиллар олиб борилиши олий таълим тизимидаги устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган, ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамокдамиз. Негаки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур. Президентимизнинг ҳар томонлама чуқур ва аниқ, тарихий, замонавий ҳаётий далиллари билан мустаҳкамланган теран фикрларини, назаримизда, энг ўткир ва қудратли таъсир воситаси бўлган жонли сўзимизга, тилимизга юклатилган вазифалар тизими деб ўйлаймиз

Мамлакатимиз ривожланишининг яна бир муҳим шарти – замонавий иқтисодиёт, фан, маданият, техника, технология ривожига асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимига амал қилишдир. Олий таълимнинг ижодий йўналишидаги талабалар азалдан мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, ва ижро маҳоратини санъат даражасида ошириб боришга қаратилган. Аммо ижодий йўналишларнинг ҳам кўпқирралилиги, ранг-баранглиги, бетакрор ва беқиёслигига эришиш учун таълимнинг интерфаол услублари (инновацион, педагогик ва ахборот технологиялари)дан фойдаланиб таълим самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда.

Замонавий педагогик технологиялар талабаларнинг мустақил ишлашида, уларнинг фаолликларини оширишда имкониятлари катта. Бунда

таълимнинг бугунги вазифаси талабаларни ахборот муҳити шароитида мустақил фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборат.

Инновация (ингл. innovation) – янгилик яратиш, янгилик демакдир. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда интерфаол услублардан фойдаланилади. Интерфаол (“inter”- ўзаро, “act” - ҳаракат қилмоқ”) ким биландир суҳбат, мулоқот тартибида бўлишини англатади. Яъни ўқитишнинг интерфаол услублари – билиш ва коммуникатив фаолиятини ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўлади. Услубнинг ўзига хослиги шундаки, талаба дарс давомида мустақил, фаол фикрга, ижод қилишга, изланишига йўналтирилади, талабанинг ўқув жараёнида доимий фанга қизиқиши таъминланади, ҳар бир масалага қизиқиши, ижодий ёндашиши кучаяди, устоз ва шогирднинг ҳамкорлигидаги фаолият доимий тарзда мустаҳкамланади.

Педагогик технология аниқ кетма-кетликдаги жараён бўлиб, у талаба ва педагогнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва қафолатланган, натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир. Бундай кўптармоқли ва масъулиятли вазифаларнинг бўлғуси мутахассисларга сингдирилишида, ифода воситаларимизнинг энг ўткир қуроли бўлган тилимизнинг ҳар томонлама таъсирчан бўлиши комил шахс тарбиясининг асосий омилларидан биридир. Бадиий сўз мазмундорлиги, таъсирчанлиги, ифодавий мукамаллигига эришиш, адабий тилимиз хазинасини асраш керак. Мазкур қўлланма бўлғуси мутахассисларнинг амалий-ижодий жараёнларда бадиий сўз ижрочилиги учун танланадиган бадиий матнларни танлаш, таҳлил ва талқин хусусиятлари ҳамда унинг юксак бадиий ижро даражасига эришишнинг ижодий услубий асосларини ўрганиш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

Мустақиллигимиз ўзининг улуғвор мазмуни, янги қирралари, тенгсиз қиммати билан қалбимиз ва тафаккуримиздан чуқур ўрин олмоқда. Она тилимиз, давлат тили мақомида ўзининг бор сехри, ҳаётбахш қудратини намоён қилиб, олий аҳд, истак ва интилишларимиз, фикр-туйғуларимизни англатишимизда асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

I боб. Бадий сўз маҳоратида бадий тафаккур ва сўз ижрочилиги

1.1. Театр, кино, эстрада, радио ва телевидениеда бадий сўз маҳорати

Театр, кино, эстрада, радио ва телевидениеда бадий сўз маҳорати бугунги кунда янада кенг қамровли вазифалари ва мақсадлари билан ижтимоий ҳаётимиз, санъат, маданият ва маънавиятимизнинг асосий ифодавий воситаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бўлғуси мутахассисларнинг мустаҳкам амалий, ижодий, ижровий имкониятларини назарий ва амалий мустаҳкамлашга бўлган эҳтиёж ва эътиборнинг ошиб бораётгани бугунги ҳаёт ва замон руҳи билан чамбарчас боғлиқ. Бу ўз-ўзидан содир бўладиган жараён эмас. Театр, кино, эстрада, радио ва телевидениеда бадий сўз маҳорати ижодий, маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот жараёнларининг доимий ва узлуксиз уйғунликда амалга ошириладиган муҳим ижтимоий вазифалардан биридир.

Театр, кино, эстрада, радио ва телевидениеда бадий сўз маҳоратидаги кузатувлар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўз санъатининг ҳаётбахш қудрати ва ҳикматига эришиш истеъдод, меҳр, эътиқод, ирода, қунт, сабр-бардош, интилувчанлик билан амалга ошириладиган ижодий жараёнлар маҳсулидир. Бадий сўз маҳоратининг ҳаётбахш, ибратли манзараларини ҳис этиш ва яратиш завқи, фаолияти сўз санъати билан боғлиқ ҳар бир ижодкор, устоз ва шогирд учун, орийат ва ғурур тимсоли бўлиб қолиши зарур.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтнинг “Саҳна нутқи” кафедраси театр, кино, радио ва телевидение санъатининг етакчи ва илғор намуналарига таяниб, ўзининг изчил услубиятини ривожлантириш йўлида амалий ва назарий манба яратишга эришди. Бугунги кунда театр, кино, эстрада, радио ва телевидение санъатида самарали ижод қилаётган, аллақачонлар томошабинлар қалби ва эътиборидан мустаҳкам ўрин

эгаллаган, давлат унвонлари ва мукофотларига сазовор бўлган актёрлар ва режиссёрларнинг ўқув аудиториялари ва турли тадбирларда талаба сифатида ижро этган шеърлари, масаллари, адабий парчалари, ғазал ва монологлари, диплом ишларидаги яратган образлари ҳамда уларнинг сўз хатти-ҳаракати, бадиий сўз маҳоратидаги ижро хусусиятлари ҳам бадиий сўз маҳоратининг илдизлари бакувват эканлигини билдиради.

Фаолияти сўз санъати билан боғлиқ турли йўналишдаги ижодкор мутахассисларнинг тасаввур олами, фикр, мақсад бирлиги, унинг хоҳиш-иродасини ифодаловчи сўзининг қудрати билан боғлиқдир. Унинг таъсирчанлигини ошириш, бадиий етуқлиги, равонлиги, мукамаллигини таъминлаш сўз санъатининг устувор вазифаларидан саналади.

Кафедранинг шаклланиши ва ривожланиши, ўзбек адабий тили, сахна нутқи ва соф адабий талаффузимизга эришишдай масъулиятли вазифа зиммасига юклатилган профессор-ўқитувчиларнинг бутун фаолияти мобайнида ёш авлоднинг жонли, равон, таъсирчан сўз санъатини, услубий, амалий ижро санъатида шакллантиришга йўналтиришга катта ҳисса қўшганларини эсга оламиз. Бадиий сўз санъати ҳамда нутқ маданиятинининг назарий, услубий ва амалий асосларини ўзлаштириш, аслида, актёрлик, режиссёрлик ва бошқа йўналишларда сўз санъатини эгаллаётган ёш мутахассисларнинг иқтидори, бадиий тафаккури, унинг билимларига таянади ва ҳамкорлигига асосланади.

Кафедра ўзининг илк қадамидан то шу бугунги кунгача бўлган даврда изланиш, юксалиш жараёнларининг турли босқичларини бошидан кечирди. Кафедрада самарали фаолият кўрсатган устозларнинг ҳар бири билан ”Сахна нутқи”, “Бадиий сўз маҳорати” фанларининг, нутқ техникаси ва сўз устида ишлашнинг турли тамойиллари ва жараёнлари ҳақида доимий мулоқотда бўлганимиз, ўз қарашларимизни ҳимоя қилиб, баҳс ва мунозарага киришганимиз ҳам ушбу қўлланманинг яралишида маълум даражада из қолдирган.



Театр, кино, радио, телевидениемизнинг кечаси, бугуни ва эртасини белгилай оладиган ўзбек саҳна нутқи мактаби пойдеворини яратган, кафедрага асос солган, забардаст устозлар Назира Алиева, Лола Хўжаева, Абдурахмон Сайфуддиновлар театр, кино, радио ва телевидениеда ўз ўрнини топган етук малакали мутахассислар тарбиясига улкан ҳисса қўшдилар Лола Хўжаева, Маҳкам Исроилов, Сотимхон Иномхўжаев, Ирина Соломоновна Гринберг, Иноятилла Пўлатов, Келдивой Узоқов, Адиба Носирова, Содикжон Носиров, Гўзал Ҳоликуловалар томонидан номзодлик диссертациялари муваффақиятли ёқланди. Зухра Олимжонова, Розия Усмонова, Ольга Суздальцева, Ўктам Нурмуҳаммедова, Аҳмаджон Тўлаганов, Хатира Жулдикораева, Башорат Бобоназарова, Келдивой Узоқов, Муҳаммаджон Исмонов, Виктор Ратушний, Зинел Абдулакимов, Афтед Муродова, Махсума Ҳожиматова, Рамзиддин Қодиров, Шокир Юсуповлар билан кафедрада изланувчан устозларнинг етакчи жамоаси шаклланди. 1985 йилгача кафедрага профессор Лола Хўжаева, 1985 йилдан 1988 йилгача А.Сайфуддинов, 1988 йилдан 1997 йилгача Иноятилла Пўлатов, 1997 йилдан

2012 йилгача эса Исоқтой Жуманов, 2012 йилдан бошлаб М. Ҳожиматова раҳбарлик қилмоқда. Кафедрада ўқув қўлланмалар, дарсликлар, услубий қўлланмалар яратилишига жиддий эътибор қаратилади. С.Имонхўжаев биринчи марта кафедра учун ниҳоятда зарур бўлган “Бадий ўқиш асослари”, “Ифодали ўқиш асослари”, “Ўтмиш шарқ нотиклиги”, Л.Хўжаева билан бирга “Бадий сўз санъати” ўқув қўлланмалари билан ўзбек тилида яратилган ўқув адабиётларига асос солди. И.Пўлатовнинг “Саҳна нутқи”, А.Сайфуддиновнинг “Хрестоматия”, И.Жумановнинг “Қўғирчоқлар сўзлайди”, М.Исроиловнинг “Бадий ўқиш” “Монологлар устида ишлаш”, “Абитуриентларга ёрдам”, “Психологик паузанинг нутқдаги аҳамияти”. , А.Носированинг “Жонли сўз санъати”, “Саҳна нутқи” дарслиги, Б. Бобоназарованинг “Саҳна нутқи”, З.Олимжонова, А.Тўлагановнинг “Саҳна нутқи”, А.Тўлагановнинг “Шеърый асарлар ижро маҳорати”, З.Олимжонованинг “Саҳна нутқи хрестоматияси”, Г.Ҳолиқулованинг “Саҳна нутқи”, Х.Жулдиқораеванинг “Саҳна тили билимдони”, “Саҳна нутқи талаффуз техникаси”, Ў.Нурмуҳаммедова “Қўғирчоқ театрида саҳнавий нутқ” “Саҳна нутқи”, М.Ҳожиматованинг шу қўлланма асосида яратган “Саҳна нутқи техникаси ва ижрочилик маҳорати” мультимедияси, И.Жумановнинг “Саҳна нутқи” А.Тўлагановнинг “Саҳна нутқи” дарслиги, М.Ҳожиматованинг “Саҳна нутқи” ўқув қўлланмасининг қайта тўлдирилган нашри ва “Саҳна нутқи хрестоматияси” асосида машғулотлар олиб борилади.

2012 йилда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг ташкил қилиниши билан институт раҳбарияти кафедранинг истиқболи ва келажагини таъминлаш учун кафедрага театр, телевидение ва радиода самарали ижод қилаётган мутахассислар ҳамда институт магистратура бўлимини битирган ёшлар билан мустаҳкамланишига эътибор қаратилди. Ф.Қурбонова, Ш.Юсупов, Б.Магдиев, Б.Жалолова, С.Икромов, С.Ҳайбатовалар ўқув жараёнига жалб қилинди. Магистратура бўлимини битириб “Саҳна нутқи” фанига қизиқиш билан қараган У.Ибрагимова, Д.Жуманова, Ф.Саидова, Ш.Қодиров, Ш.Одиловалар устоз-шогирд тизимида

тажрибали устозлар билан ҳамкорликда фаолият юритмоқдалар. Улар тажрибали устозларга эргашиб талабаларга сахна нутқи техникаси, адабий ижро маҳорати ва микрофон билан ишлашнинг сир-асрорларини ўргатиб келмоқдалар. Улар ҳам кафедра олдида турган, бугунги куннинг долзарб вазифалари ва уларнинг ечимини топишга салмоқли улуш қўшмоқдалар. Кафедрада янги адабиётлар яратишга эътибор янада кучайтирилаётгани, халқ ижодиёти йўналишлари бўйича янги “Бошловчилик маҳорати” фанининг ўтилиши, бугунги кунда сўз санъати ва унинг маънавий, маърифий, ғоявий ва тарбиявий масъулиятини янада оширади. Ўзбекистонда сўз санъати ва нутқ маданиятини замон талаблари асосида, жаҳон андозаларидан кам бўлмаган даражада ривожлантиришдек масъулиятли вазифа зиммасига юклатилган “Сахна нутқи” кафедраси Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ижодкор шахс тарбияси муносиб улуш қўшиб, театр, кино, радио ва телевидениенияда ижод қила оладиган мутахассислар ва уларнинг ижро маҳоратининг такомиллашиши, нутқий имкониятларини мустаҳкамлашга чуқур эътибор қаратади.



Табиийки, бакалавриат тизимида ишлаб чиқилган ҳамда тавсия қилинаётган барча назарий ва амалий -ижодий жараёнлар, кўникмалар, сахна

нутқи техникаси ва ижро маҳоратини такомиллаштириш учун яратилган машқлар, махсус тузилган матнлар тўпламлари ва уларнинг такрорланиши, мустаҳкамланиши ҳамда мукаммаллаштирилиши ҳар бир ижодкор шахснинг, кенг қамровли вазифаларидан бири бўлиб, ўз ўрнида бадиий сўз маҳоратининг ижодий ижро ранг-баранглигини ўзлаштиришига имконият яратади. Мақсадимиз – фаолияти сўз санъати билан боғлиқ турли йўналишдаги ижодкор мутахассисларнинг тасаввур олами, фикр, мақсад бирлиги, унинг хоҳиш-иродасини ифодаловчи сўзининг қудрати ва таъсирчанлигини оширишга, бадиий етуклиги, равонлиги, мукамаллигига эришишнинг назарий ва амалий асосларига эътибор қаратишдир. Магистрантларда ижодий баркамоллик ва турфа ижодий хусусиятларнинг шаклланиши, даврнинг тезкор фикрловчи, ўткир сўз, билимли ва ижодкор шахс даражасида сўз сеҳри, сўз қудратидан баҳраманд бўла оловчи ҳамда ўз томошабини, тингловчиларининг қалбини забт эта оладиган ижодкорга айланиши учун доимий изланувчанлик, ҳар бир талабага хос ва мос тарздаги ижодий шакл ва мазмун устида бош қотириш лозим бўлади.

“Бадиий сўз маҳорати” доирасида қайд этилаётган фикрлар назарий билимларни мустаҳкамлашб, амалий ижро кўникмаларига жалб қила олиши, бадиий ижро жараёнларига йўналтира олиши ва ўзининг келажак ижодий ва педагогик фаолиятида татбиқ қила олиши зурур. Бу нарса, аввало, магистрантларнинг бадиий сўзга бўлган қизиқиши ва эътибори, изланиши, интилиши билан боғлиқдир. Ўқув қўлланма учун белгиланган мавзуларда “бадиий сўз”нинг ҳаётий, касбий ва ижодий жараёнлардаги ўрни, аҳамияти, қудрати ва услубий қиммати шу мақсадларнинг доимийлиги, изчиллигига қаратилгандир.



Ёш ижодкор маънавиятининг бойишида унинг тасаввур оламининг ранг-баранглиги, билими, дунёқараши бойлиги имконият қадар бадий адабиёт, санъат асарларидан бохабарлиги билан боғлиқдир.

Етук ижодкор бўлишнинг асосий шартларидан бири – ижодий фантазиянинг бой, бетакрор намуналари бўлмиш жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан, тасвирий санъат, мусиқа, театр, кино, телевидениеда яратилган энг етук сара ижод намуналарини чуқур ўрганганидир. Ёш ижодкорларнинг тасаввури, талаффуз маҳорати, тасаввур олами такомиллашиши учун кўплаб турли мураккаблаштирилган машқлар билан мунтазам шуғулланиш талаб қилинади.


Танланган асар пишиқ, катта истеъдод ва маҳорат билан ёзилган, тасвирлар мукамал, воқеалар қизиқарли, тасвирлар пишиқ бўлиши зарур. Асарнинг инсоний қадриятларга монандлиги, ҳар бир ижрочи ва тинловчининг дарду дунёсига таъсир кучи, ижروحининг тасаввури,

муносабати, иродасини уйғота олиш хусусияти ва бошқа жиҳатлардан етук бўлишининг ҳам аҳамияти катта. Аммо асар аввало уни танлаётган ижроичига манзур бўла олмаса ҳамда унда замона руҳи, миллий ғоялар ва истиқлол мафкуриси акс этмаса ўз-ўзидан бўшлиқ пайдо бўлиши: зўрма-зўракилик, сунъийлик тўлақонли талқин ҳамда ижро маҳоратига халал бериши аниқ. Ҳар бир ижодкор аввало ўзи туғилиб ўсган юртнинг еру тупроғи, мусаффо хавоси, суви, тоғу тоши, боғу роғлари, халқининг бахт-саодати, тинчлиги, фаровон ҳаёти учун фидокорлик қилаётган инсонларда ҳақиқий меҳр, уларга эргашиш эҳтиёжини ҳис этмас экан, унинг ижоди ва ижросида одамларга таъсир қилувчи, ишонтирувчи, хайратларга солувчи кучни топиш қийин кечади. Бадиий адабиётимизда тараннум этилган тарихий қадриятларимиз, анъаналаримиз, юксалиш ва тараққиёт шукуҳи билан улғаяётган одамларда ҳақиқий фахр, меҳр, кадр уйғота олган борлиқни ҳис эта билиш, бугунги кунимиз учун бир дақиқа ҳам ўйлашдан, курашдан тўхтамаган буюк инсонлар, алломаларимиз, мутафаккирларимиз ҳақида яратилган асарларга мурожаат қилиш лозимлигини тўлароқ ҳис этмоқдамиз.

Катта истеъдод билан яратилган, бадиий пишиқ ва етук, воқеалари таъсирли, муаллифнинг ғояси, мақсади бугунги кунимизга миллий истиқлол ғояларига уйғун асарларни танлаш ва уларга талабаларда ҳақиқий меҳр, чанқоқлик, кучли хоҳиш уйғота олиш ҳамда талабаларнинг ҳам шундай асарларни топиб, танлай олиши каби вазифалар ўз ечимини кутмоқда. Нутқ техникаси, мантиқ, сўз билан ишлашнинг ҳамма жараёнларида ҳам талабада сўзга, таъсирчан бетакрор сўзга доимий меҳр, чанқоқлик уйғотиш зарур. Талаба сўзнинг энг ноёб, бебаҳо ижод манбаси эканлигини ҳис этиши, кадрлай олиши, сўзга, ҳассос сўзга чечан бўлиши ва бу нарса ижодкорлик баркамоллигининг энг асосий омилларидан бири эканини бор вужуди, қалби, тафаккури билан ҳис этиши керак. Сўзга меҳри, ташналиги бўлмаган талаба сўз орқали ўз томошабинларининг ишончи, хайрихоҳлиги ва диққатини забт этиши қийин кечади. **Она тилимиз жамият тараққиётида халқимиз, миллатимизнинг тафаккури, маънавияти, дунёқарашини**

мустаҳкамловчи муомала ва мулоқот воситаси бўлиб, ҳаёт тарзимизнинг ҳамма жараёнлари ҳамда ижодий фаолиятимизнинг сарчашмаси, инсон баркамоллигининг таянчи бўлиб қолаверади.

Замон руҳини кенг ва теран ҳис этиш мустақиллик йиллари яратилаётган бунёдкорлик ишлари сахна асарларида ўзининг юксак ифодасини топиши керак. Уларни жамлаш, ёш авлод тафаккурига сингдириш вазифалари амалий-ижодий иш жараёнларимизнинг тўлақонли йўлга қўйилиши билан боғлиқдир. Ҳаётимизнинг кадр-қиммати, тинчлигимиз, она юрт кадри, Ватан кадри, одамларимизнинг меҳри ҳақида эътиқод ва эъзоз билан ёзилган асарлардаги ғоя бурч ва масъулият бўлиб қолиши керак.



Талабаларда шеърни тўлақонли ҳис этиш учун қатор изланишлар, кунт ва ирода зарур. Ҳозирги даврда ҳар бир ўқитувчи ё талаба, ёки вояга етган

фуқаро ҳаёт ташвишлари билан банд бўлиб, илоҳий юксак туйғулар: бурч, ватанпарварлик, халқпарварлик, адолат, ҳақиқат, инсоний қадриятларни эъзозлаш каби хислатларга доим ҳам эътиборли эмас. Тараққиётимизнинг тақдири эса шу муқаддас туйғуларнинг гуллаши, камол топиши билан боғлиқ. Бу ўринда ўз-ўзидан кўриниб турибдики, санъат, кино, телевидение, радио, адабиёт, матбуот зиммасида бекиёс вазифалар турибди.



Ватанпарварлик туйғусининг инсоний муносабатларда аслича акс этиши ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши, гуллаб-яшнашида етакчи манба, куч бўлиб келган. Шунинг учун ҳам Президентимиз бу туйғуга жуда катта эътибор билан қараб ҳар бир асарида унинг нечоғлиқ муҳимлигини қайд этмоқда. Замон руҳи матбуотимизда, нашр қилинаётган янги-янги асарларда, театр, кино, телевидение ва радиода тараққиёт тамойилларимизнинг имкон қадар ёритилмоқда.

Халқимизнинг энг нуфузли, энг мазмундор байрамларига айланган Мустақиллик байрами, Наврўз байрамида ҳам биз ижтимоий ҳаётимиз, сиёсатимиз, яратувчанлик тинчлик-омонлик, олий мақсадларимиз, уйғун қарашларимизни минг бир оҳанглар гултожи – сўз санъатида фахр ва ғурур билан тинглаймиз. Сўз сеҳри эса бизларни ҳаяжонга, ғурурларга чўмдиради.

Мамлакатимиз том маъноси билан мазмуни теран қадимий қадриятларимиз билан боғлиқ байрамлар, юбилейлар, тадбирларига бой мамлакат. Халқимизнинг оддий гапидан тортиб, турли маросимлари ва анъаналари алоҳида бир маъно-мазмун кашф этади. Уларда ҳам халқ руҳи, замон руҳи мавжуд.



Талабалар билан амалий ишлаш натижалари шуни кўрсатадики, уларнинг фикрлаш қамрови, интизоми, қизиқувчанлиги, қунти, диққати, изланувчанлиги, тиришқоқлиги мукаммал даражада кучли бўлиш билан бирга, уларда ўзи яшаётган муҳит, атрофини ўраб олган борлиқ олам турли воқеалар, манзаралар, тафсилотларга ўткир нигоҳи, синчковлиги, қизиқиши, аниқ муносабати бўлмаса ижро санъати қоникарли даражадаги ижрочиликни

кутиб бўлмайди. Талабалар билан матн устида ишлаш жараёнида кўплаб кўшимча маълумотлар, уларнинг қалби, ижодий тасаввурини уйғотувчи тафсилотлар устида тўхталиш лозим бўлади. Ўзида замона руҳини акс эттирган ва катта ақл идрок, маҳорат билан, сўз орқали томошабинлар тасаввурига дунёкараши, муайян борлик, воқеалар тизимига бўлган муносабатига таъсир қила олиш салоҳияти бўлиши зарур. Ижрочининг аниқ мақсад асосида қаттият билан томошабинга таъсир қилишини доимий ўстириш учун қатор услубий тавсиялар, машқ ва машғулотлар мажмуни ишлаб чиқиш театр санъати мактабининг доимий эътиборида. Сўз ва “бадий сўз” сўқмоқлари осонлик билан босиб ўтиладиган равон йўл эмас, уни ўзлаштириш учун жуда катта сабр-бардош, ирода, меҳр, эътиқод, кунт, изланувчанлик, истеъдод керак.

Америкалик келажакшунос олим Э.Тофлер “Келажак, бугунги кун устига шитоб билан бостириб келаятган бу давр қадрият, анъана, миллий маданият, дид сингари тушунчаларни, бинобарин, улар ҳақидаги тасаввурларни кескин ўзгартириб юбормокда. Бунинг натижасида ҳеч кимга ўхшамаган ва ҳеч қайси рисолага тўғри келмайдиган, биздан ҳаёт ва абадият, макон ва замон, одоб ва ахлоқ, ёвузлик ва эзгулик, ҳалоллик ва жўмардлик ҳақидаги тасаввурларни ҳам ўзгартиришни талаб қилаятган “виртуал авлод” шаклланмокда”, дейди.¹ Бу виртуал авлод билан ишлаш бизга ва биз тарбиялаятган ёш мутахассислар зиммасидадир. Демак, бу “виртуал авлод онги ва ҳис-туйғуларига таъсир қила оладиган, уларга ибрат намуналарини кўрсата оладиган, улардаги тушунча ва муносабатларини, фикрлаш тарзини ижобий томонларга мустаҳкамлагувчи, даҳоларимиз яратган фан, санъат, адабиёт, маънавият, анъана ва қадриятларимизнинг бебаҳо меросидан баҳраманд қила оладиган таъсирчан, қудратли ва қимматли бадий сўз санъати дурдоналарини яратиш ва тақдим қилиш, уларни асраш, бойитиш вазифаларига камарбаста қилиш каби вазифалар турганини англашимиз

¹ Тафаккур. 2010 йил 1-сон. –Б.28

лозим. Бу “ виртуал авлод”ни комил инсон қилиб тарбиялашда қандай ақл, куч-қудратга таянишимиз, вояга етаётган авлоднинг дунёқарашини умуминсоний ақидалар ҳамда миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашда қандай таъсирчан воситалардан мадад олишимиз керак деган савол кўндаланг турганини ҳис қилиш қийин эмас. Ўз ўрнида бунинг қанчалар муҳим аҳамиятини ҳис этмаслик ва унга лоқайд қараш, шундаям қалқиб турган ҳаётни тубсиз жарликка улоқтириш билан баробардир. Таниқли шоир Азим Суюннинг “Аср баҳси” шеъри, фикрларимизнинг жонли ифодасини намоён қилувчи асарлардан биридир. Унинг шеъридаги ғоявий, фалсафий-маънавий таъсирчанликни ошириш учун куйидаги вазифалар тизимини белгилаймиз. Бадиий ижрода ижодкор тавсия қилинаётган вазифаларни ўзига чуқур сингдириб, уни ривожлантириб фикри, фалсафаси, мақсад-хоҳишига кўра янада фаол вазифаларни белгилаб, такомиллаштириб мустаҳкамлаши мумкин.

Бугун фарз!

Бугун қарз! Фарз, қарз

Инсонга,

Инсониятга.

1. Инсон табиатидаги асосий бурч ва вазифаларга дахлдорлик ҳиссини уйғотиш. Инсоннинг табиатидаги асл инсоний туйғуларни уйғотиш ва қадрлаш.

Қуёш борар кексайиб

Кичрайиб борар замин,

Она сайёра!

2. Кўҳна қуёш ва она сайёранинг азалий абадийлиги оралигидаги қисматига теран мулоҳаза билан қарашига чорлаш.

Жанг борар эзгулик ва ёвузлик борасида

Жанг борар

Азалий

Абадий жанг!

Ҳаёт-мамот жанги!

Йўқсизлик

Йўлсизлик!

Бош устида!

Ҳалокат, фалокат оёқ остида!

3. Инсоният тамаддунидаги азалий зиддиятларнинг бугунги кундаги қиёфаси, эзгулик ва ёвуликлар аро ҳаёт-мамот жангидаги синовлардан огоҳ қилиш.

Оналар омонлик тилайди

Болалар омонлик тилар!

4. Инсониятнинг азалий ва абадий сўнамас тилаги ва уни умрбоқийлиги, ҳаётбахилиги учун курашга чақириш.

Асалари гул тилар,

Бол йиғиб берар инсонга.

5. Табиат мавжудотларининг инсоният ҳаёти билан чамбарчаслиги.

Тоғдаги кийикнинг айби нима?

Қора кўзими,

Қора кўзларни қувнатган?

Дарёдаги балиқнинг айби нима?

Эркинликни ўргатган.

Даштўрғайнинг айби не?

Юракларни яйратган.

Гулбоғларнинг айби не?

Шу гўзаллигимми?

6. Бу мавжудотларни асрашга чақириш, акс ҳолда инсоният учун тузатиб бўлмайдиган фожеа содир бўлишидан огоҳлантириш.

Инсон - асл бунёдкор!

Бунёдкордир асл Сийрат ва Суврат

7. Инсон ва инсониятнинг асл қадр-қиммати, вазифаси, бурчи, асл мақсади.

Бизга нафақат она Тошкент гулласин,
Нафақат гулласин она Ўзбекистон,
Гулласин Африка.

8. Ўзбек халқининг бағрикенглиги, дуоси ва нидоси, асл мақсади.

Очликдан кўзлари киртайган, қоринлари шишган,
Болалар бир инсон боласи каби боқсин дунёга.

9. Ер юзидаги ҳар бир инсоннинг инсонларча яшаш ҳақ-ҳуқуқини таъминлашга чақириш.

Америка осмони бўлсин тиник, мусаффо,
Уларда учмасин ажал уруғин сепгувчи
Аждар самолётлар!
Яшнаб гуркирасин Чин-мочин далалари!
Фаластин-Исроил,
Тупроғи гуллаб-яшнасин!
Юракларни яйратган дунё обидалари.
Дунёга боқмасанг,
Ғанимлик назари ила,
Бир-бирига,
Европа-Осиё!
Шарқи-шимол йўқ, ғарбу-жануб йўқ,
Бор
Бир Дунё - Она-сайёра!

10. Оламда тинчликни асрашнинг умуминсоний ҳаётбахш чақиригини улуғлаш.

Бизнинг тафаккур хазинамизда, тасаввуримизда жамланган ранг-баранг фикр талабаларга етиб боришида жонли сўз, бадий адабиётнинг имкониятлари катта мададкор кучдир. Аммо уни чуқур ва мукаммал ўзлаштириш учун вақт, алоҳида иқтидор, хотира кучига катта эҳтиёж сезилмоқда.

Улар театр, кино, эстрада, радио ва телевидениедаги ижоди орқали бекиёс ва бетакрор ранг-баранг образлари баробарида бадиий сўз санъати билан, тингловчининг ақли ва кўнглига йўл топа оладиган ғоявий, фалсафий, юксак эстетик тарбиявий қимматга эга бўлган ижро маҳоратини намоён қиладилар. Улар талқинидаги шеърлар, ҳикоялар, ибратли ривоятлар, публицистик матнлар, ғазал ва монологлар кўп минг сонли томошабин ва тингловчилар қалбида ҳамдардлик билан қувватланган эҳтиром ҳиссини уйғотмоқда. Сўз санъатида бундай ижодий изланишлар янада кенг ва ранг-баранг тарзда мукаммалаштириладиган жараёндир.

Таниқли адиб Оскар Уайльд ўзининг “Инглиз санъатининг уйғониш даври” номли маърузасида “Биз бор вақтимизни ҳаётдан маъно қидиришга сарфлаймиз. Билсангиз, мана шу маъно-санъатда”, деган эди.

Ўзбек бадиий сўз мактабининг классик кўринишлари ҳақида таниқли рус актёри ва бадиий сўз устаси Андрей Закушнякнинг ҳайрат ва завқ билан берган баҳоси бизнинг миллий эстрада ва бадиий сўз мактабимизнинг илдизлари бақувват ва ҳаётбахш бўлганлигига яна бир эътирофдир. 1910 йиларда Тошкентда гастроль сафарида бўлган Андрей Закушняк, ўзининг доимий ижодий безовталиқ ва изланишда юрган даврида “қидирганини” айнан Тошкент бозорида, мўъжазгина майдонда бир ўзбекнинг қандайдир воқеани берилиб ҳикоя қилаётгани, одамларнинг эса чўккалаганича унинг ҳикоясини завқ ва катта эътибор билан тинглаётганидан таъсирланиб ҳайратга тушади ва ўзи қидираётган бадиий сўз санъатидаги ижодий йўлига намунали жавоб топганини ёзади.²

Бу жараёнларнинг яратилаётган бадиий, ижодий асарларда ифодаланиши ҳар бир мавзуда бу масалага яна ва яна тўхталишимиз сабаби – уларда тезкор ва кўп қатламли ўзгаришларга, инсоният олдида турган ҳаётий муаммоларга ечим топишга қаратилганидандир. Инсондаги теран ақл, яратувчилик фалсафаси, эзгу мақсадлари ва уни амалга оширишдаги собит

² Жаҳон адабиёти. 2013 йил 10-сон, 190-бет.

интилишлари, ғайрати, ташаббускорлиги, мушоҳадаси фаол сафарбар қилиниши билан бу вазифаларга ижобий ечим топишига ишонамиз.

Инсоннинг теран фикр-мушоҳадаси, калб садоси бўлган адабий тил доимий мулоҳаза, эътироз ва эътирофларга сабаб бўлиб келаётгани ва унда фикр, дард борлигидан кўз юмиш мумкин эмас. Истиқболимизнинг юксалишига ҳисса қўшиб, мардоновор меҳнат қилаётган, она юрти, халқи ва миллати манфаатлари йўлида ёниб яшаётган бунёдкорларимиз, Ватан мустақиллигининг абадияти ва қудрати, мамлакат тараққиёти, юксалиши учун бор имконияти, иродасини сафарбар қилаётгани халқимиз бор. Ўзининг фидокорона меҳнати, салоҳияти, яратувчилик ҳисси билан яшаб, ибрат намуналарини кўрсатаётгани замон қаҳрамонлари ҳақидаги ёрқин ижро намуналари яратилишига эътибор кучайиб бормоқда.


Давлатимиз раҳбари бунинг аҳамияти ва вазифаларини теран ва донолик билан чуқур таҳлил қилиб бермоқда. Биз бу теран фикр-мулоҳазаларни сўз санъати ва унинг қудрати, таъсирчан ифодавий воситалари орқали акс этиши вазифасида кўрар эканмиз, бугунги ва эртанги кун қаҳрамонлари театр, кино, эстрада, радио ва телевидение орқали жаранглаётган бадий сўзда қандай ифодавий таъсирчанликка, ғоявийликка эга бўлиши керак деган саволга чуқур ишонч билан қараймиз.

Шу табарруқ заминда, ўзбекона қадриятлар бешигида улғаяётган ёш авлоднинг эътиқоди, иродаси, дунёқарашининг шаклланиши ва мустаҳкамланишида, замон қаҳрамонлари образларини яратиш вазифалари акс этган. Ватан мадҳи, мустақиллик шарафи, яратувчилик ҳисси билан яшаган фидойи, мард, жасур, садоқатли, ҳалол инсонлар ҳақидаги бадий сўз сарчашмаларига эътибор, танлов ва таҳлил ҳамда унинг бадий сўз санъатидаги талқинини яратиш давом этади.

Халқимиз эътибори ва ардоғига сазовор бўлган бадий сўз санъати мактабини маълум даражада мустаҳкамлашга ҳисса қўшган, дадил ижод қилган сўз усталари: Муҳсин Ҳамидов, Шариф Қаюмов, Убай Бурхон, Қодир Маҳсумов, Ўктам Жобиров, Амин Турдиев, Ғуломтожи Аълоев, Ўткир

Сиддиқов, Клара Халилова, Клара Юсупова, Суннатилла Ахмедов, Неъмат Эгамбердиев, Абдулла Матназаров, Туйғуной Юнусхўжаева, Насиба Қамбарова, Мухиддин Дарвешов, Ҳасан Йўлдошев, Темурмалик Юнусов, Рустам Ҳамроқулов, Ҳожибой Тожибоев, Абдулла Акбаров, Мирзабек Ҳолмедов, Валижон Шамсиев, Ботир Муҳаммадхўжаев, Раҳмат Жумаев, Мирзоҳид Раҳимов, Раҳматилла Мирзаев, Муслимбек Йўлдошев, Дилором Умарова, Галина Мельникова, Эрназар Ёрбеков, Муҳаммаджон Хўжаев, Абдимўмин Ўтбосоров, Дилдора Рустамоваларнинг бадиий ижроларида, халқимиз қалбида чечак очган, бадиий сўз санътининг турли мавзулардаги ранг-баранг ва жонли мулоқот маҳорати бадиий сўз маҳоратининг ибратли намуналари сифатида эътироф этилишига муносибдир. Бу бадиий сўз усталарининг таъсирчан, раво ва завқбахш бадиий ижролари тадқиқот даражасидаги таҳлил ва ҳулосаларини кутиб қолади. Биз бадиий сўз устасининг жонли, инсоний ҳис-туйғулар билан қувватлантирилган ранг-баранг ижро маҳорати намуналарини таъсирланиб тинглаймиз, аммо ҳар доим ҳам бу мукамал ва мураккаб ижодий жараёнга қандай эришилганлиги, қанчалар жиддий ва чуқур меҳнат, изланишлар, сабр-бардош истеъдод ётганлигига эътибор қаратиш зарурлигини англаймизми, деган савол ҳам пайдо бўлади. Табиийки, мавжуд борлиқ ўзининг барча қатламлари, жараёнлари, шарт шароитлари билан фикрлаш ва хатти-ҳаракат тарзимизга ҳамда уларга ҳос ва мос мазмун-моҳиятни англаш, мақсадни белгилаш, муносабат билдириш тизимларимизга таъсир этади. Бадиий сўз усталарининг катта ижодий йўлини ҳурмат-эҳтиром билан ёдга оламиз. Бадиий сўз маҳорати ҳақида назарий ва амалий-ижодий жараёнлар ҳақида сўз борар экан, биз бу ижодкорларнинг заҳматларини қайта-қайта назардан ўтказишимиз ўринли. Аслида, номлари чуқур ҳурмат билан эътироф этилаётган бу бадиий сўз усталарининг ранг-баранг мавзулардаги ижролари жамланса халқ ва миллатнинг бахт-саодати, унинг кундалик турмуши, умид-орзулари, яхши ва ёмон кунлари, шодлигию мусибати, эзгу амаллари акс

этганига гувоҳ бўламиз. Бу эса соҳир сўз доимо чуқур тадқиқотларга дахлдор бўлишига ишонч уйғотади.



Таянч иборалар

Бадий сўз маҳорати, жамият тараққиёти, ифодавий хусусиятлар, ижодий изланишлар, интерактив хусусиятлар, ижтимоий, маънавий, юксалишлар, улуғвор мазмун, ибтидо ва абадият, беназир хусусиятлар, саховату ҳимматга руҳлантирувчи имкониятлар, педагогик технология, касбий маҳорат.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Инсон фаолиятида сўз санъатининг ўрни, аҳамияти ва вазифалари.
2. Замон билан ҳамнафас фикр, туйғу ва унинг ифодавий асослари.
3. Бадий сўз маҳоратига эришишнинг назарий-амалий асослари.
4. Ижро маҳоратининг таҳлил ва талқинида муаллиф ва ижрочи актёр фаолиятининг боғлиқлиги.
5. Бадий сўз ижро намуналарининг танланишида миллий истиқлол ғоялари ва унинг ғоявий, тарбиявий аҳамияти.

1.2. Бадиий сўз: аҳамияти, ўрни ва ижтимоий вазифалари

Мустақиллик туйғусига мушарраф жараёнлар сўз хатти-ҳаракати ва бадиий сўз маҳоратига бўлган ишонч ва эътиборни янада мустаҳкамлади.

Мамалакатимиз салоҳияти, жамоли ва камолини нурафшон қилувчи бадиий асарлар, кўшиқлар, бадиий сўзнинг ибратли мазмундор намуналари яратилмоқда. Ўз ўрнида бу ноёб қалб илҳомлари жонли, таъсирчан, бетакрор қудратли сўзда ижро этилмоғи, халқимизнинг қалби ва тафаккурида ғурур, шукроналик туйғуларини уйғотмоғи даркор. Сўз ва сўз санъати – инсоний ва миллий маданиятнинг кўзгуси, ижтимоий ҳаёт ҳамда тараққиётимизнинг ҳаракатлантирувчи манбаларидан, инсоний мукамаллик ва олий мулоқот воситаларидан бири бўлиб келмоқда.

Замонавий ўзбек адабиётида ёритилаётган миллий истиқлол ғоялари билан уйғун, комил инсон тарбияси ҳамда бугунги кун қаҳрамони тимсолини яратиш каби долзарб вазифалар бадиий сўзимизнинг таъсирчан қудрати орқали янада таъсирчанлик касб этади.

Ҳар бир жамиятнинг дунё тараққиёт поғоналаридаги салоҳияти, илғорлик даражаси, обрў-эътибори, аслида, унинг шаклланиб такомиллашган илми, ақл-заковатига алоқадор. Қадимдан ва ҳануз ҳайратланарли қудрат тимсоли сўз ва сўздаги мақсад орқали инсон ўзидаги ноёб ва муаззам ақл-заковати, истеъдоди, илму-аъмоли, табиатдаги ўзига хос бетакрор хусусияти, иродаси, мақсади, меҳру-эътиқоди, нафрати ва орзуларини намоён қилади. Олиму уламо, шоиру фузало сўзнинг қудратига таянади, дарду дунёсини ифода қилади.

Жаҳонга таниқли буюк инсонлар, давлат арбоблари, саркардалар, сиёсатдонлар, олим ва донишмандлар, санъаткорлар сўз усталари, суҳандонлар етуклик даражасига эришгунларига қадар сўзнинг мазмун-маъноси, сеҳри-қудратини ҳис қилиш орқали, ҳассос саботи ва меҳри билан сўз санъати оламига киришга эришганлар. Жамиятимиз жаҳонга ўзлиги, кўрки, жамоли, салоҳиятини тобора намоён қилаётган бугунги кунда сўз ва

унинг зиммасидаги вазифалар янада юксалгандай. Республикамизда таълим тарбия ва бошқа йўналишларда сўз санъати, нуткий маданият – маънавият ва миллий маданиятимизнинг асосий таъсир воситалардан биридир. Тараққиётимизнинг қудратли ва мафтункор имкониятлари ўзининг янги-янги кирраларини намоён қилмоқда. Ўзлигимизни англатадиган халқимизнинг хассос сўзи, ўткир нигоҳи борки, уни кадрлаш, асраш, ривожлантиришга интилишимиз зарур.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг босқичма-босқич амалга оширилиши республикамиз илму фани, санъатини энг юксак тараққий этган давлатлар сарасига олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Бадиий сўз қудрати ва ҳикматига эришишда бадиий сўз маҳоратини мукаммал ўзлаштиришга интилган ижодкордан истеъдод, изланиш, тиришқоқлик, зукколик, диққат, хотира, юксак дид, сўзга бўлган катта меҳр ва чанқоқликни, унинг бой, ранг-баранг маъноларини англай олиш ва англантишга бўлган доимий эҳтиёжни талаб қилади. Ижодкор сўз санъатининг ноёб ва қудратли сеҳри, жозибаси, гўзаллиги, таъсир кучини эгаллаши учун нутқ техникаси ва сўз устида ишлашнинг услубий асос ва жараёнларини мукаммал ўзлаштириши билан бирга мустақил фикри, тасаввур қамровининг бетакрорлиги, кенглиги, ижодий кашфкорлиги, актёрлик маҳорати, техник ва ифода маҳоратини мустаҳкамлаши ва мукаммаллаштириб бориши лозим бўлади. Инсон ва инсониятнинг илоҳий қудрат, мўъжизавий ҳикмат, муаззам ҳимматга эришишида, ибтидо ва абадий оралиғидаги улуғвор табиатини намоён қилишида сўзнинг инсониятни бирлаштирувчи, уни тараққиётга, комилликка юксакликка чорловчи, руҳлантирувчи, етакловчи табиати, қудрати ва ҳикмати ҳеч қачон ўзининг асл қимматини йўқотмайди. Тилимизнинг нечоғли таъсирчан қудрати ва ҳикмати ўзининг ҳар томонлама ҳаётий таъсирчанлик имкониятларини намоён қилган ҳолда адабий тилимиз хазинасини асрашга, бойитишга қаратилган оқилона ва одилона муносабат билан юкинган ирода ва ифода изҳоридир.

Сўз ва сўз санъатининг ҳаракатчан табиати, таъсирчан ифодавий қудрати қалбимиз, онгимиз, тасаввуримиз ва тафаккуримизга чуқур кириб боровчи илохий, ижодий фаолиятимизнинг мўъжизавий ходисаларидан биридир.


Тараққиётнинг мислсиз парвозлари, замину замондаги буюк ўзгаришлар инсон томонидан кашф этилди ва инсонга хизмат қилмоқда. Бу эса ўсиб келаётган авлодда имконият қирраларининг очилиши, тафаккур-тасаввур, мушоҳада оламининг кенгайишида аҳамияти катта. Аммо инсоннинг комиллиги учун маънавиятнинг, санъатнинг нурли таъсир кучини изчил ошириб бориш эҳтиёжи ҳам катта. Ватан ва миллат туйғуси, инсонпарварлик, ҳақиқатпарварлик, яратувчилик каби муаззам фазилатларнинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши инсон ва жамият орасидаги ижтимоий муносабатларнинг соғломлиги ва камол топишида сўзнинг фалсафий қиммати, ўрни, аҳамияти ва вазифаларига бўлган талаб ва эътибор ошиб бормоқда.

Таниқли адибимиз Ойбек ўзининг “Ўзбек поэзиясида тил” деган мақоласида поэзия тилига хос бўлган олтига хусусиятни алоҳида қайд қилган эди, улар: оҳангдорлик, бўёқлилик, ихчамлик, чиройлиликдир. Тилдаги камчиликлар эса: чигаллик, синиқлик, баландпарвозлик, сунъийлик, қашшоқлик ва қуруқликдан иборат. Сўзлар поэзияга чертиб, танлаб олиниши лозим. Шеърда ишлатиладиган сўз кучли, ифодали, равшан, содда ва халққа яқин бўлиши керак. Шеър тили “техника луғати” эмас. Ойбек шеър тили олдида вазифалар қўйиб дейдики, тил ҳаётни тўғри кўрсатишга хизмат қилсин, у яхши ишланиши керак, асар омма ичига тил орқали кириб боради, у кенг аҳолига қаратилади, шу сабабли у барчага тушунарли бўлсин.

Абдулла Қаҳҳор шундай дейди: Менинг сизларга айтадиган энг зарур гапим шуки, сизлар жойларга чет тиллар билан бирга, биринчи навбатда, ўз она тилимизга – ўзбек тилига чексиз муҳаббат туйғусини олиб боринглар! Ўзбек тили ғоят бой, ниҳоятда чиройли, ҳар қандай фикр-туйғуни ифода қилишга қодир эканини амалда кўрсатинглар” дейди. Бу фикрлар бадий сўз

ва унинг аҳамияти, ўрни ва ижтимоий вазифаларига дахлдордир. Инсоний фаолиятнинг, ижтимоий, маънавий-маърифий, маданий, ҳаётий муомала, истак ва интилишларнинг асосий мулоқот воситаси бўлган тилимизнинг ифодавий имкониятлари ҳар томонлама, мазмунли ва таъсирли бўлиши, ҳар бир шахс, ижодкор ва мутахассисларнинг тезкор тараққиёт жараёнларига ҳамоҳанг вазифаларидан биридир. Инсоният ақл-ирода, мулоқот ва муомала маданияти уйғунлигида амалга ошириладиган турли жараёнлар, кутилган ва кутилмаган вазиятлар, шарт-шароитлар билан билан юзма-юз. Жаҳоннинг турли нуқталарида содир бўлаётган, ҳар биримизни хавотир ва ташвишга солувчи ҳолатлар, асорати асрларга таътирли, тизгинсиз рақобат оқибатлари, ҳароратнинг ўзгариб бораётганлиги, бир томондан, энергия ва ичимлик суви манбаларидаги таҳчиллик, иккинчи томондан ёнғин, сув тошқинлари, океанларда довуллар, тўфонлар, ёнғинлар каби муаммолар оқилона ечим йўлларини топишни талаб қилади. Ўз ўрнида бу жараёнлар турли тарзда ёритилмоқдаки, унда ҳаётбаҳш бадиий сўзимизнинг ёрқин ва таъсирчан, тарбиявий ифодаси акс этиши табиийдир. Бу эса шак-шубҳасиз бадиий сўз ва унинг аҳамияти, ўрни ва ижтимоий вазифаларини янада чуқур таҳлил қилишимизни тақозо этади.

Ҳар сонияда жаҳонга чексиз-чегарасиз, керакли-кераксиз ахборот ва сир-синоат тарқалаётгани ҳамда бунда инсон табиатига зид ва ёт тарғибот ташвиқотнинг таъсири жаҳонда содир бўлаётган зиддият ва келишмовчиликларга қудратли қурол кучи билан эмас, балки “Илоҳий сўз”нинг дипломатик ҳикмати билан ечим топиш, тезкор тараққиёт давримизнинг энг оқилона ва адолатли вазифаларини, бадиий сўзнинг қудратли ғоявий фалсафий таъсирчанлиги орқали ечим топиш вазифаларини белгилайди.



Бадиий сўз маҳорати ўқув машғулоти жараёнида замонавий илғор педагогик технологияларнинг санъат таълимига хос ижодий имкониятларини кенгайтирадиган ва мустаҳкамлайдиган ўйинли, ҳаракатли усуллари устида изланиш, ижодий ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот, оммавий ахборот воситалари тизимларида суҳандон, бошловчи ва бошқа соҳа вакиллари учун ҳам бу муҳим аҳамият касб этади. Бўлғуси мутахассисларнинг нутқи ва бадиий ижросида сўз билан ишлашнинг услубий, амалий ва ижодий асосларини ўрганиши бадиий сўз маҳоратига эришишнинг асосий омилларидан биридир. Ўз ўрнида бу хусусиятлар ижро маҳоратининг ғоявий, бадиий таъсирчанлигини мустаҳкамлайди. Турли мазмундаги шеърлар билан ишлаш ва уни доимий такрорлаб бориш орқали нутқда эркинликка, фаолликка, жозибадорликка, таъсирчанликка эришиш мумкин. Бу билан бадиий сўз ва унинг аҳамияти, ўрни ва ижтимоий вазифаларини чуқурроқ англаймиз.

Бундай шеърлар қалбида ватан ҳисси ва қадр қимматини тўлароқ ҳис қилиш, ўзи камол топаётган она замин, мўътабар ватанга асл инсоний ардоқ ва садоқат уйғотиш, миллий истиқлол ғояларини сингдириш учун ранг-

баранг мавзулар, машғулотлар орасида ўзининг муносиб ижро намуналарининг ўзлаштирилишига манба бўла олади. Буюк саодатимиз бўлган мустақиллигимиздан сўнг миллий ғояларимиздан қувват олган қудратли сўзнинг таъсирчанлигини такомиллаштирувчи бадий асарлар яратилмоқда. Дунёкараши шаклланган, аниқ мақсади, ўз фикри ва муносабатларига эга бўлғуси мутахассисларда бу вазифаларнинг белгиланиши такрорий туюлиши мумкин. Умуминсоний кадриятлардан руҳланиб ижод қилиш мақсадларимизни амалга оширувчи омилларидан биридир. Асарлардаги асосий ғоя ва фалсафани талабалар қалби ва тафаккурига сингдириш орқали уларни ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш каби ғоят шарафли ва масъулиятли иш.

М.Тоировнинг ”Кўнгилга ватан қургил” шеъри бадий сўзимизнинг ижтимоий аҳамияти, ғоявий-фалсафий қатламлари ҳар бир шахснинг дилида ва тилида такрор жаранглаб туриши лозим. Ўқитувчи ва талаба томонидан миллий истиқлол ғоялари сингдирилган, бадий етук асарлар танланишининг аҳамияти катта.³

Кўнгилга Ватан қургил!

Пойдевори инсофдан,

Устунлари иймондан,

Йироқ юриб ёмондан,

Кўнгилга Ватан қургил! Кўнгилга Ватан қургил!

Ҳар бир шахс, мутахассис ўзи яшаётган давр, муҳитнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий тараққиёт жараёнларига жиддий ва чуқур эътибор қаратиш.

Осмондаги офтоб бил,

Ердаги моҳитоб бил,

Тўмарису Широқдай,

³ Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, .2008. –104–105-бетлар.

Вужудда оққан қондан,
Кўнгилга Ватан қургил! Кўнгилга Ватан қургил!
Ватан муқаддас гўша,
Онамиз кулбасидир.

Отамиз ори Ватан,
Дилнинг изҳори Ватан.
Шу табаррук кўрғондан,
Кўнгилга Ватан қургил! Кўнгилга Ватан қургил!

Миллий зоя билан руҳлангани, умуминсоний ақидалар ва фалсафий қараишлар билан мустақамланганининг ўрни ва аҳамияти катталигини тушуниб етиш ва тингловчиларга етказиш, эътиқод уйғотиш.

Кўнгилда Ватан йўқ,
Чекарга ситами йўқ,
Бир қушча ошёни йўқ,
Белгисиз нишони йўқ,
Айирмасин чамандан,
Кўнгилга Ватан қургил! Кўнгилга Ватан қургил!
Вояга етаётган авлоднинг салоҳияти, дунёқараши, мушоҳадаси қайси томонга қараб йўналтирилиши, эртанги кунимизни ҳал қилувчи ҳаёт-мамом масаласи эканлигини уқтириш.

Ватандир олий нишон,
Ватаним Ўзбекистон.
Водийлари гул бўстон,
Мангу мустақил достон.
Парвозда ҳумо қушим,
Асл жаннат шу макон.
Ишла, яйра, ўйна, кул,
Азиз Ўзбекистондан,
Кўнгилга Ватан қургил! Кўнгилга Ватан қургил!

Огоҳлик, оқилона муносабат талаб қилувчи тезкор ўзгаришлар оқимида, ватанпарварлик шукуҳини бадиий сўз санъати ва унинг ифодавий муносабатлар уйғунлигини шакллантиришга ва мустаҳкамлашга чақирши.

Бу – асарларни севиб ўқишу, юракка жо қилиб юракдан тўлиб-тошиб, жўшқинланиб, тўлқинланиб, тингловчилар фикр-туйғуларига малҳам бўладиган даражада ижро қилиш бурчини юклайди. Бундай катта инсоний меҳр ва садоқат руҳи ҳар бир товушда, ҳар бир сатрда уфуриб барқ уриб турган оташ сатрларни нафақат севиб ўқиш, балки юракка жо қилиб ижро қилишга қувватлантиради. Бундай матнлар билан ишлаш бадиий сўз, унинг аҳамияти, ўрни ва ижтимоий вазифаларини чуқур англашимиз, бадиий сўз маҳоратининг фаол ифодавийлигини таъминлайди. Бадиий сўз маҳоратининг кўп қиррали жиҳатлари, жараёнлари ижрочининг катта тажрибаси, сўз бойлиги, ижро ранг-баранглигида мукамалликка эришган ёки ўз маҳоратини шакллантираётган мутахассис учун бу муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик бахтини ҳис этиш, ундан илҳомланиб чуқур маъно-мазмун кашф этиш ижодкорлик салоҳиятининг муқаддас неъматларидан биридир. Ватан мадҳи, она замин қадрини бутун вужуди, ақли-заковати билан ҳис этган ва буни меҳрга тўла оташ сатрларда ярата олган, чақмоқдай ёғду таратиб кетган шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг яна бир шеърини кўрсатиб ўтмоқчимиз:

Ою юлдузлари бўлгани билан,
Ватан бўлолмайди осмон барибир.
Кўнглингга бир умид солгани билан,
Малҳам бўлолмайди дoston барибир.



Оламга, тасаввуримиз, қалбимиз, фикру-зикримиз билан назар солишга ундаш ва уни олам ичра гавҳар бўлган она юртимизни аслича, бор қиммати билан идрок қилишимизни тушунтириш вазифаси белгиланади.

Ҳокимдур ҳар гиёҳ, ҳар битта гулга,
Ҳукмини ўтказур эгалик қулга.
Бахтиёр дилга-ю, мажруҳ кўнгулга,
Ҳакам бўлолмайди султон барибир.

Она юртнинг ҳар бир гиёҳи, суви, тупроғи, тоғу-тош, боғ-роғлари, тарихий қадриятлари, инсоний хазина ва уни қалби билан ҳис этиши, маънавий хазинасини авайлаб-асрашга ҳар биримиз масъуллигимизни англашиш.

Ой майли фалакда ягона бўлсин,
Юлдузлар офтобга бегона бўлсин,
Ошиқлар йўл топмай девона бўлсин,
Таскин бўлолмайди оқшом барибир.

Инсоний туйгуларнинг улугворлиги олдида ноёб ва ягона ою юлдузлар, қуёш, оромбахш оқшомнинг малҳам ва таскин бўлаолмаслигини уқтириш.

Яхшиликлар қилди тубсиз дарёга,
Кўкси ошён бўлди қанча ўқ-ёйга
Борини берса-да бир кам дунёга
Устун бўлолмайди инсон барибир.

Ҳар бир инсоннинг тенгсиз фидойилиги ҳам уни она юрт абайдийлиги олдида устун қила олмаслиги, аммо юртсеварлиги табиат оламини, ўзи яшаётган муҳит, халқи ватанини чин инсоний муҳаббат билан сева олишининг ибрати ва боқийлигини улуглаш.

Мен куйлайвераман қолгунча тилдан,
Еру кўк аслида бир жону, бир тан,
Ою юлдузлари бўлгани билан
Ватан бўлолмайди осмон барибир.

Гўзаллиги ва бепоёнлиги улугланган ҳар қандай манзил-маконнинг Ватан бўлолмаслигини англаган ҳолда уни мадҳ этиш олий шон эканини эслатиш.

Тилимнинг учида асраган гапим
Қуёшнинг нуридек сочилиб кетди.
Ҳатто ўзимдан ҳам сир тутган дардим
Юракка чирмашиб очилиб кетди.

Ватан ҳиссининг битмас-туганмаслиги, ичидаги муқаддас туйғу ва сирлари қуёш нурида сочилиб оламга таралгани ва унга тингловчиларда меҳр ва эътиқод уйғотиш.

Сиз энди қуёшнинг нурларин тўсманг,
Ўзимни қўярга жой топгунимча.
Аёзда очилган гулга қўл чўзманг
Тоғ каби юраги музлаб қолгунча!.

Асар билан ишлаш жараёнида Ватан ҳисси ва унга бўлган меҳр-этиқодни мустаҳкамлаш вазифалари улғайтган ёш мутахассисларда миллий истиқлол ғоялари руҳидаги шеърӣ ва насрий матнлар орқали, уларда она замин ва унинг тенгсиз бебаҳо неъматларига меҳр, этиқод янада теран аҳамият касб этади.

Бакалаврият йўналишида ўқув машғулоти жараёнида эришилган, талабаларнинг ижро имкониятлари ранг-баранг ва кўпқиррали, мазмундор ва таъсирчан, аниқ ва раво, мақсадли, янада юқори даражада белгиланган вазифалар доирасида тақдим қилинаётган билим ва кўникмалар такомиллашиши ва мустаҳкамланиши лозим. Аммо магистрантлар ичида педагогик фаолиятга йўналтирилган магистрантлар ҳам бор. Актёрлик маҳорати, сахна нутқи ва бошқа мутахассислик ҳамда гуманитар фанлардан дарс беришга жалб қилинадиган ёш мутахассисларга “Бадий сўз маҳорати” фанининг барча босқичларидаги техник қисм ва сўз устида ишлашнинг, ижодий жараёнларини такрорлаб мустаҳкамлаши ҳам эътиборлидир. Фақат бир семестрли муддатда 40 соатли иш юкмаси билан бундай катта талаб ва вазифани қамраб олиш вазифаси магистрантлар ва фан ўқитувчисидан мазмунли ва унумли изланишларни талаб қилади. Вазифалар тизимининг яна бир муҳим жиҳати борки, уни ўзлаштиришга магистрантлар кўп вақт ва эътибор қаратиши зарур. Бу магистрантларнинг педагогик фаолиятга йўналтирилишини, уларнинг кенг, чуқур ва мукамал билимга, ижодий мушоҳадага, изланувчанликка, амалий ижро маҳоратига, сўз бойлиги ва нотиклик маҳорати талабларини эгаллаб боришини тақозо этади. Ҳар бир шахснинг ўзига хос бетакрор ва ибратли фикрга эга бўлиши, ўша фикрнинг жонли, мазмунли ва таъсирчан тилда ифодаланиши мунтазам такомиллишиб боровчи вазифалардан биридир. Ёш авлоднинг ақлий, интеллектуал салоҳияти, дунёқараши, мушоҳадаси, мумтоз ва замонавий бадий адабиётнинг энг нодир ва сараланган намуналарига меҳр қўйиши, ўқиши ва ижодий фаолиятига сингдириши муҳим вазифалардан ҳисобланади. Инсон руҳиятини жунбушга келтирувчи, ҳаёлот тизгинини фалаж қилувчи,

ур-йикит, бузғунчилик ва инсониятга зид бошқа ёт ғоялар акс этган, адабиётлардаги “супер-боевик” – ғайриоддий монстрлар талқин қилинган ва улар асосида экранлаштирилаётган фильмлар, мультфильмлардан таъсирланиб кетишлари оқибати кутилмаган кўнгилсизликларга йўл очиши эҳтимоли мавжуд. Бугунги кунда санъат дунёси, бадиий адабиёт китобхон ёки томошабинларнинг имкон қадар кўп ва катта қатламларини қамраб олишга қаратилган. Унда инсон тасаввури ва онгини ҳайратларга, ҳаттоки даҳшатга соладиган образлар яратилаётгани ва ёшларнинг улғаяётган онгига ва муносабатларига таъсири қилишидан огоҳ бўлишимиз лозим.

Илму фан, юксак ва ноёб технологиялар, коинотдаги узлуксиз тадқиқотлар ҳамда она сайёрани ўргимчак тўридай қамровига олган, ҳарбий қудрат измидаги хатар, тинимсиз юз очаётган янгидан-янги кашфиётлар замонида яшаётганимиз, жаҳондаги прогрессив ва агрессив кучларнинг азалий зиддиятлари, мувозанати: ёвузлик ва эзгулик, яхшилик ва ёмонлик, саховат ва зикналик, бойлик ва қашшоқлик, рўшнолик ва зулмкорлик, садоқат ва хиёнат, ҳалоллик ва очкўзлик, мардлик ва номардлик орасида кураш кечаётган шароитда хушёрлик, огоҳликка чорлаётгани театр, кино, эстарда, радио ва телевидениеда “Бадиий сўз маҳорати” устувор ижро йўналишларидан бири бўлиб шаклланади ва такомиллашади.

Таълим тизимида энг таъсирчан, прогрессив интерфаол ифода воситалари яратилишига бўлган эҳтиёж, талаб ошиб бораётгани кузатилмоқда. Интерфаол ифодавий ёндашиш илдизлари санъат ва маданият йўналишларида азалдан чуқур, кенг изланишлар жараёнида шаклланиб, янги-янги қирралари ва жиҳатлари билан мукаммаллашиб бориши табиий. Чунки ижодий тасаввур, ҳатти-ҳаракатлар ўйинлар билан шакллантирилиб мустаҳкамлангандагина ижодий шахсни тарбиялашдай масъулиятли вазифага эриша олади. Зеро у – фикр фалсафаси, у ноёб истеъдод, унинг таъсирчанлиги, ёрқинлилиги ноёб ҳаётий жавоҳирдир. Демак, фикрли бўлиш, уни кашф қила олиш ҳамда ўзгаларга етказиш, манзур қилиш ибрат

кўрсатиш билан боғлиқ бўлиб, театр ва кино санъатининг атоқли етакчилари томонидан шакллантирилган ва такомиллаштирилган, радио ва телевидение санъати орқали ҳар бир инсоннинг қалб-туйғуларига кириб бора оладиган ҳамроҳига айланган. Театр, кино, телевидение, эстрада, радио, кўғирчоқ театри санъатида профессионал малакали кадрлар тайёрлашда, илк босқичданок талаба ва устоз орасида мулоқот, муносабатнинг шаклланиши ҳамда мустаҳкамланиши интерфаол асосга, яъни муайян фаннинг қонунқоидалари талабага турли тарздаги фаол тасаввур, фикр, тушунча, кўникмалар қабул қилиш, чуқур англаш, таъсирланиш, фикрлаш ва уни фаол муносабат тарзида партнёрига, тингловчиларга етказиш тарзида турли бетакрор ифода воситаларига ижобий ёндашилган ҳолда тақдим қилишга қаратилган. Танланган ва белгиланган мавзу бўйича аудиториядаги барча талабаларни қамраб олувчи шарт-шароитлар танлаш, мавзу бўйича саволлар тузиш, тарқатма материаллар тайёрлаш, тарқатиш, мавзунини ёритишда электрон воситалар орқали шакллар, тасвирларни татбиқ қилиб, мавзунинг ўзлаштирилишида таҳлилий хулоса билан ёндашишга эришишдир.

Гуманитар-ижтимоий фанларда бугунги кунда кенг жорий қилинаётган масофали ўқитиш, интернет орқали жаҳон таълим тизимидаги энг янги, энг сўнгги ютуқлардан кенг фойдаланилмоқда. Ўқитиш жараёнида кўргазмали, тасвирли, тарқатма материаллардан кенг фойдаланишни жорий қилиш, муайян фан доирасидаги энг сара ибратли намуналарни танлаб, талабалар орасида чуқур таҳлил қилиш, уни сингдириш, танланган мавзунини тарқатма материал сифатида тақдим қилиб, тегишли адабиётлар, саволларни кўрсатиб дарс машғулотларида мавзунини ёритиш зарур. Унинг мазмун-моҳияти ҳақида талабада аниқ тасаввур-тушунча, хулоса ҳосил қилувчи саволлар-жавоблар, муҳокама, таҳлил билан мавзунини ўзлаштиришга эришиш ва бошқа бир қатор услубий ёндашишларга қаратилган “Бадий сўз”да ҳар бир талабага талаффуз мукамаллиги, овоз жозибаси, тембри, жарангдорлиги, сўз устида ишлашнинг ижодий ижро жиҳатлари, бадий-эстетик таъсирчанлиги, таҳлилий-мантиқий бетакрорлигига эришиш юклатилади. Талабада мустақил

фикр, тасаввур бойлигини такомиллаштириш, шарт-шароит, вазиятлар, вазифалар тизими орқали фикр, муносабат, образ ва характерлар яратишда фаол сўз ҳаракатининг вазифаларини мустаҳкамлаш, руҳан қувватлаш, фикр, тасаввур-мақсад уйғунлигидаги таъсирчан ифодавий воситаларни топиш талаб этилади. Турли жанрларда ёзилган адабий мантлардаги муаллиф ғояси, фалсафаси, мақсадини англаш ва англатиш иқтидорини мустаҳкамлаш, асарнинг руҳий-эмоционал, бадиий таъсирчан имкониятларидан руҳланиб ҳар қандай қатламни камраб оладиган энергетик туғённи мужассам қилувчи, ижодий ижро маҳоратини шакллантириш лозим бўлади. Шу ўринда нутқ техникасининг ифодавий ранг-баранглигига эришишда турли тарздаги товушли бирикмалар, айтилиши қийин жумлалар, ранг-баранг атамалар, нутқ аъзоларимизда турли ноқулайликлар уйғотадиган машқлар, тез айтишлар, узун ва оҳангдош жумлалар асосида тузилган мураккаблаштирилган матнларни тузиш ва бадиий сўзнинг ранг-баранглигини таъминлашга қаратилган ўқитишнинг интерфаол асосларини янада замонавий шарт-шароитлар ва талаблар даражасида фаоллаштириш вазифаси қўйилади. Ҳар бир магистрант олдига кенг кўламдаги ижодий изланишлар, ўз малакасинини доимий ошириб бориш каби вазифалар турганлигини унутмаслиги лозим. Аммо сўз санъатининг ифодавий таъсирчанлиги орқали юқорида қайд этилган вазифаларни ижодий тасаввурлар билан мустаҳкамлаш мумкин.

Магистрантлар олдига қўйиладиган мустақил таълим доирасидага яна бир муҳим вазифалардан бири – театр, кино, радио телевидение, эстрада санъати доирасида ташкил қилинган ижодий фестиваллар, намунали машғулотлар, ижодий тренинглар, тақдимотлар ва ижодий учрашувларда иштирок этиб актёр, режиссёр ва бошқа мутахассисларнинг фикр, мулоҳаза ва ижодий чиқишларини кузатиш, таҳлил қилиш, ўрганиш, ўқув машғулотларда таҳлил қилиш ва қўллашдир. Бадиий сўз маҳоратига тааллуқли ҳамма актёрлик, режиссёрлик ўқув гуруҳларида нутқ техникаси бўйича ўзлаштирилган энг сара ибратли намуналар ҳамда адабий парчалар, шеър, масал, ғазал, монологлар ижроси бўйича сараланган намуналарни

ўрганиш ҳам муҳим. Шунингдек, магистрантларнинг бакалавриат йўналишидаги ўқув гуруҳларида, нутқ техникаси ва сўз устида ишлашнинг таҳлилий ифодавий жараёнларида иштирок этишлари, ўқитувчи кузатувида ўзлаштириб боришлари муҳим аҳамиятга эга.

Бадий адабиётимизда инсоннинг ички дунёси, мақсади, туйғулари ва муносабатларини нафақат ўқиб-уқиб, балки ундаги теран маъно, инсон қалбига қувват бўлгучи, оташ оҳангидан бахраманд бўлишимиз, бадий сўзнинг ифодавий қудрати орқали минглаб тингловчилар фикр-туйғусига таъсир қилиб, тарбиялашимиз мумкин.

Бадий сўз санъатини шакллантирувчи, мукаммаллаштирувчи гўзал ва латиф бадий адабиёт, халқ оғзаки ижодининг сара намуналари, турли тантаналар, концертлар, театрлаштирилган маънавий-маърифий кечалардаги суҳандонларнинг ижро маҳорати билан сайқалланиб тақдим қилинаётган ижро намуналари бадий сўзнинг турли жанрларда, ранг-баранг мавзуларда намоён бўлаётганлиги унинг ҳаётий, маънавий-маърифий, бадий таъсирчанлик қимматини янада мустаҳкамлайди. Жонли сўзлар жилосини аниқ мақсадларда таъриф ва тавсифлашда сўз бойлигининг мазмундорлиги, қофияли тизимини шакллантирувчи ва намоён қилувчи жанрларидан бири – сажлардир. Сажларда “кифтини келтириб” таърифлашнинг қофияли тўқислиги, ранг-баранглиги, жозибадор мазмуни алоҳида ажралиб туради. У эртаклар, дostonлар, фольклор ижрочилигида таъсирчан ва равон, шиддатли ва завқбахш тасвир ранг-баранглигини намоён қилади. Сажларда сўзлар занжирининг дурдай сафланган кетма кетликда таърифланиши, тасаввур ва талқин қилиниши бадий сўз элементларини мукаммаллаштирувчи ижодий жараёндир. Туркий халқлар оқинларининг завқ, шиддат ва кўнгил кўри билан айтиладиган сажли бадий тўқималари томошабинни доимо ҳаяжонлантирган ва унутилмас манзара, ҳолат ва тасвир чизгиларини намоён қилади. Бадий сўз санъатида ижро қилинувчи турли мазмундаги матнларда маълум даражада саж элементлари мавжуддир. Томошабин кетма-кетликда

кофияли тузилган сўзлар тизимидан тасаввури жонланиб, калби қувват олади.

Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидги “Хон кўнгил очади” сахнасидаги сарой қизиқчиси Зокиргов:

– “Онҳазратимнинг давлатлари кам, ўзларида ғам, кўзларида нам, душманларида дам, қадларида ҳам бўлмасин. Шаҳзодамнинг бошларида бахт, остларида тахт ўйнаб, ёш умрларига ажали бевақт етмасин. Шоҳи бахтиёрнинг хизматларига бел боғлаган оқ салла, кўк салла, тўни малла оталаримизнинг диллари ҳам ҳамиша соқолларидек оқ бўлсин, омин! Соний, арзи бандалигимиз шулки, биз, дарбадари девона, ақлу хушдин бегона, халқ тилида афсона, эл кезар ғарибона кулларингиз дарду алам ютар эдик, қаламравингизнинг бир четидан ўтар эдик. Дедиларким, бу диёрнинг ҳоқони, Искандари сони, зару зевар кони, элнинг ошу нони яъни саховатда Ҳотам, қаҳри келса мотам.. ғурабо ёридир ва яна сизлардек бозори касод дарбадарлар ,энаси кўчада туққан бепадарларга ҳам эҳсони жорийдир, деб биз аҳли тамаъ бечора, нафс илгида овора ғариблар ҳар қайсимиз беш пайса, ўн пайса тамаъ хапидан ютиб, даргоҳингизга юзландик, токи эски-туски хунарларимизни арз қилсак, жанобингизни беш пул, ўн пул қарз қилсак, деб...”

Албатта, бу “саж”да хон ва унинг яқинларини мақтаб, алқаб, улуғлаб дунёнинг энг олий зоти сифатида таъриф берилмоқда. Ўз ўрнида ҳазил қилишда тенгсиз ва зукко сарой қизиқчи масхарабозларининг муболаға даражасидаги ҳамду санолари бугунги кунда эриш туюлиши ўринли. Аммо буюк адиб Абдулла Қодирийнинг гўзал тили, сўз санъатининг гавҳардай тизилган сажли намунаси кишини мафтун этади. Бадиий сўз маҳоратида дostonларимиздаги бебаҳо маънавий қадриятларимиз ва уларнинг бадиий теран ифодаси алоҳида қимматга эга: Тилла тахт устида, бошига тилла жиға кўндирган бир қиз, ой деса оғзи бор, кун деса кўзи бор. Қора сочили, дур тишли, қалам қошли, қора кўзли, ширин сўзли, кулча юзли, булбул овозли, Зухро юлдузидек бўйлари узун, беллари нозик. Бодом қовоқ, юпқа томоқ,

писта даҳан, шири суҳан, нозлари жон олувчи, ғамзаси жаллод, киприги ўқ, лаблари новвот қомати ар-ар, бадани мар-мар, бўйи сарви-санобар, маҳбубул кулуб, муштари саодат ҳуш қадди қомат. Бир офати жон, қомати субҳон, андоғ яратган, киприги пайкон, лаблари хандон, чехраси олма, юзлари моҳитабон, зори ҳайрон, бағри бирён, сийнаи сўзан, кўзи гирён, тахтга чиқиб қошини қоқиб, зулфини тутиб, йўлга боқиб кўзини сузиб термулиб ўтирибди.⁴

Достон ва эртақларимизни безовчи бундай сажлар, жумлалар қурилишидаги шарқона лутф, таърифлар ўзбек миллий ўймакорлик нақш санъати каби ўзининг жиловлари, гўзаллиги, бетакрорлигини ифодалайди. Саж тасаввурлаш орқали, таъриф ва товушлар йиғиндиси орқали ҳам айтилиши сўз билан ишлашда туб маъноли фикрлар қатлами ва ижро маҳорати уйғунлигини ривожлантиришга ёрдам беради.

Қомусий олим Абу Райҳон Беруний: «Одамнинг одамлиги, унинг иккита энг кичик аъзоси, тили ва дили билан намоён бўлади», деб эътироф этади. Тафаккур ақл-заковат, сўз хатти ҳаракатида ўзининг мукамаллик ва қудрат мезонларини намоён қилади. Актёрлик ва режиссёрлик санъатида сўз хатти-ҳаракати ҳамда бадий сўз маҳоратининг орасида қандай узвийлик ва ўзига хослик мавжуд деган саволга илмий-назарий ва амалий-ижодий жараёнлар таҳлилида катта педагогик ва ҳаётий тажрибага эга бўлган, сўз санъатининг кўп қиррали қатламларини чуқур таҳлил қилган устозлар ҳулосаларига эътибор қаратамиз. Бадий сўз санъати ва актёрлик санъатининг ижодий ижро жараёнларида мутаносиблик ва ўзига хос хатти-ҳаракатнинг фарқланувчи хусусиятлари кузатилади. Бадий сўз ижрочилигида томошабин билан мулоқот фаоллиги, сўз хатти-ҳаракати билан уйғун ҳолатда бадий сўз таъсирчанлиги ва унинг ғоявий, фалсафий, қиммати муаллифнинг олий мақсадини чуқур ёритишга эътибор қаратилса,

⁴ Абдулла Қодирий. Меҳробдан чаён. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 523-бет.

актёрлик санъатида эса қайд этилган асосий тамойиллар партнёрлараро хатти ҳаракат ва муносабатларнинг устуворлигидадир. Бадий сўзда воқеа, тасаввур, фикр, қаҳрамоннинг рухий ҳолати, образлар характери аниқ ижодий вазифалар асосида тақдим қилинади. Мутаносиблик жиҳатлари эса матнни ижодий ўзлаштириш жараёнлари ва сўз хатти-ҳаракатининг бирлигидадир. Бадий сўз устасининг асосий вазифаси – образдаги характер, ҳулқ-атвор ва улар юзма-юз бўлган воқеани ўйнаш эмас, балки унинг ички дунёси, фикр ва туйғуларини ўзига сингдириш ҳамда тасаввури билан мустаҳкамлаб ёритишдир.

К.С.Станиславский “Бадий сўз устаси одамлар ҳақида гапирар экан-одамлар қисмати учун қайғуриб, улар ўрнида ҳаракат қила бошлайди, улар ҳаётига фаол аралашади, персонаж ва қаҳрамонлар дардини ҳис этади, шодлиги билан шодланади, у билан содир бўлаётган жараёнларга хайрихоҳлик билан ёндашади” дейди.

Бадий сўз устаси учун ҳикоя қилинаётган воқеа унинг ҳаётий биографиясининг акси бўлиб жонланади. У ўзи ҳикоя қилаётган ҳаётий воқеани тасаввури ва ижодий фантазияси орқали жонлантиради ҳамда чуқур фикрлаган ҳолатда ҳамма нарсага давр ва ғоя кўзи орқали қарашга юзланади. Бадий сўз устасининг томошабинларга таъсир қила олиш маҳорати актёрлик ижросига нисбатан сезиларли фарқланади. Чунки бадий сўз ижрочилигида муаллиф фикри, ғояси, мақсади сўз устасининг фикр ва қалб элагидан ўтказилган ҳолатдаги жарангдор овози, ҳаракат ва муносабат фаоллигида тақдим қилинади. Хулоса қилиб айтганда, бадий сўз ва унинг аҳамияти, ўрни ва ижтимоий вазифалари ҳақида фикр юритилар экан, шак-шубҳасиз бадий сўзнинг шахс тарбиясидаги беқиёс таъсирчанлигини ошириш, назарий ва амалий ижодий қатламларини мустаҳкамлаб бориш доимий такомиллаштирилиб боровчи жараёндир.

Таянч иборалар:

Қатламларни мустаҳкамлаш, одамлар қисмати, муносабатлар устуворлиги, тафаккур, ақл-заковат, рухий ҳолат, миллий ўймакорлик,

бекиёс таъсирчанлик, ифодавий хусусиятлар, хикояланаётган воқеа, прогрессив, агрессив.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

- 1.Бадиий сўз ва унинг аҳамияти, ўрни ва ижтимоий вазифалари.
2. Бадиий сўзнинг ижодий ижро маҳоратидаги асосий вазифалар.
- 3.Бадиий сўзда тасаввур қилиш, фикрлаш, баҳолаш, ғоя ва мавзуларни олий мақсад сари ўстириб бориши ҳақидаги назарий ва амалий омиллар.
4. Бадиий сўз санъатининг ижро маҳорати, ғоявий, фалсафий, маънавий-маърифий, таъсирчанлик қимматида олий мақсад ва етакчи ҳаракатнинг ўрни, аҳамияти ва вазифалари.

1.3. Бадиий сўз ижрочилигининг ғоявий таъсирчанлик хусусиятлари

Ижро маҳоратида сўз санъати ва жонли сўз хатти-ҳаракатининг ҳаётий, ғоявий таъсирчанлиги, эстетик баркамоллиги, фалсафий қиммати, ибрати ҳамда тарбиявий таъсирчанлигида адабий матнлар танлаш, таҳлил қилиш ҳамда услубий асосларини чуқур билиш, ижодий ёндашиш “Бадиий сўз ижрочилиги”нинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Зеро бунга профессионал ва ижодкорона катта ақл-идрок, ирода, изланувчанлик билан эришиш зарурлиги маълум.

Адабий матнлар танлашнинг ўзига хос талабларига кўра, ижро учун танланадиган сараланган асарлардан олинган адабий парчалар давримизнинг энг долзарб мавзуларини қамраб олиши, миллий ғояларимизга монандлиги, умуминсоний ақидалар фалсафаси, тарбиявий таъсирчанлиги, тили ва ифодавий ўзига хослиги, бадиий пишиқлиги, характерлар ранг-баранглиги ва бошқа жиҳатлари билан ажралиб туриши керак. “Саҳна нутқи” ва “Бадиий сўз маҳорати” да самарали фаолият кўрсатган етакчи устозларимиз адабий матн танлашда ўзларига хос тарзда руҳий-эмоционал ҳамда хатти-ҳаракатли бадиий таъсирчанлик даражасига кўра айрим адиб ва шоирларга кўпроқ

эътибор қаратардилар Н.Алиева Навоий, Ойбек, С.Акбарий, М.Шайхзода, Уйғун, Ж.Камол, Мирмуҳсин, Ў.Хошимов ва бошқа адиблар асарларидан танлаб ишлардилар. Л.Хўжаева Шекспир, Лорка, Горький, Пушкин, Лермонтов, Р.Рождественский, Ў.Сулаймонов асарларидан; С.Иномхўжаев С.Акбарий, А.Орипов, Горький, С.Аҳмад, Миршакар, Фуркат, Муқимий, Навоий, Чустий, Мирмуҳсин, Чехов асарларидан; З.Олимжонова эса Ҳамза, С.Аҳмад, К.Яшин, асарларидан; А.Муродова эса Ҳ.Ғулом, Лопе де Вега, А.Навоий, Ч.Айтматов, А.Қодирий, С.Акбарий асарларидан танлаб ишлаган.

Кейинги йилларда асар танлаш ва ижро маҳорати устида ишлаш доираси янада кенгайиб миллий истиқлол ғоялари кенг ёритилган асарлар танланишига катта эътибор қаратилмоқда. Бу – табиий, чунки давр руҳи ва замонавийлик мавзулари устувор бўлган адабий матнларнинг тарбиявий таъсирчанлик қиммати баланд бўлиб, А.Навоий, З.Бобур, Ф.Достоевский, Л.Н.Толстой, А.Қодирий, Шекспир, М.Ю.Лермонтов, С.Шедрин, Войнич, М.Ларни, Б.Нушич, А.Несин, М.Зошенко, М.Шаханов, И.Юсупов, У.Ҳамдам, А.П.Чехов, Тургенев, Н.В.Гоголь, Ғ.Ғулом, Ч.Айтматов, Ж.Лондон, П.Меримеларнинг янги нашр қилинаётган асарлари билан танишиб, сараларидан танланиши мақсадга мувофиқдир. Адабий матнларнинг таҳлили, талқин жараёнлари ва унинг ижро амалиётидаги самарасини тез-тез эслаб турамыз. Асар танланиши педагог ва ижро учун танлаган талаба учун катта аҳамиятга эга. Агар устоз ва шогирд танланган асар мутолаасида ундаги тасвирнинг гўзаллиги, тасаввурни уйғотишдаги ёрқинлиги, воқеасининг ривожланиш шиддати, тилининг бетакрор ва пишиқлиги билан мафтун қилиб, қизиқтириб, маълум даражада таъсир қила олса ижрода устоз учун ҳам, шогирд ҳамда тингловчилар учун ҳам тарбиявий таъсирчанлик ибрати каттадир. Шунингдек, танланган матнларнинг такрорланиши ҳам ўзига хос бир қанча янгича ижодий ёндашувни талаб қилади. Табиийки, таҳлилнинг пишиқлиги, аниқлиги, мақсадга мувофиқлиги устоз ва шогирдни фаол ва изчил ишлашга рағбатлантира олади, янги-янги қирралар, вазифалар билан бойиб, изчил такрорлангани сари мустаҳкамланишига олиб боради. Ҳозирги

пайтда ишлаш услубиятимизда баъзан шошилишга ҳам тўғри келади. Чунки матн танлаш ва таҳлил жараёни баъзан белгиланган вақтдан чўзилиб кетади, асарни тўлиқ ўқиб-уқиб олишга кечикиб, хрестоматияда белгиланган матнлар билан чекланиш ҳоллари ҳам учрайди. Танланган адабий матннинг яратилишига сабаб бўлган шарт-шароит сабаб ва оқибат, тафсилотлар, асарнинг асосий воқеаси, уни ривожлантирувчи воқеали бўлақлар ва уларни етаклайдиган ҳаракатлар тизими ҳамда унинг темпоритмик динамик ривожи, авжи, якуний хулосаси атрофлича ўйлаб, етти ўлчаб бир кесиб аниқлаб олиниши керак. Бу ерда асло шошма-шошарликка, юзаки, енгил-елпи хулосалардан қочиш зарур. Танланган адабий матнлар таҳлилини баён қилиб умумий фикр-мулоҳазалардан ўтказилиши магистрантларнинг бу жараёнга кенг жалб қилиниши аниқ ва тўғри хулоса қилиш имкониятларини мустаҳкамлайди. Таҳлил жараёни магистрантларнинг тасавури, фикр-доираси, тушунчаларини, муносабат, хоҳиши, интилиши, иродаси, диққати асар табиатини ҳис қилишини мустаҳкамлайдиган ақлий ҳужумнинг энг фаол ва таъсирчан турларидан биридир. Таҳлил жараёни талабанинг тасавури ва қизиқувчанлигини, изланишга бўлган иштиёқини мустаҳкамламаса ифодали оҳангдорлик билан ўқишга йўл қўйиб бўлмайди. Бу гуруҳдаги иқтидорли, изланувчи талабаларнинг алал-оқибат томошабинга етиши зарур бўлган жонли таъсирчан сўзи чала туғилган чақалоқнинг ингаси каби ҳам таъсир қилмайди.

Давлатимиз раҳбарининг: “Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган, ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Глобаллашув бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир. Шунини унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборат оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин. Тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши

доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз зарур” деган ҳар томонлама чуқур ва аниқ, тарихий, замонавий ҳаётий далиллар билан мустаҳкамланган теран фикрларини, назаримизда, энг ўткир ва қудратли таъсир воситаси бўлган жонли сўзимизга, тилимизга юклатилган вазифалар тизими деб ўйлаймиз. Бадиий сўз ижрочилигининг ғоявий таъсирчанлик хусусиятларини англаш ва амалий ижрода акс эттириш ҳам давримизнинг долзарб вазифаларидан бири экан, ҳар бир шеърий ёки насрий асарларда мазмуни таъсирчан, ғояси аниқ ва ўткир бўлган асарларга таянамиз.

Жумладан, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсуповнинг “XXI асрга” шеъри ҳам чуқур ижодий ёндашган ҳолда ижро қилинишга муносиб шеърлардан биридир.

Салом, янги аср!

Инсон ва аср оралигидаги мулоқот, аср билан юзма-юз бўлиш.

Адашган сайёд

Нотаниш эшикни аста қоққандай.

Бўсағанг олдида бул инсоният,

Ҳадик, умид билан сенга боққандай.

Замин ва замон юкининг залворидан зада бўлган инсон хавотири, безовталиги.

Мангу яшамоқнинг ишқида ёниб,

«Янги ҳужайра»лар кашф этган одам.

«Озон туйнуғи»нинг йиртиғин топиб,

Минг йиллар сўроғин сўраб дамодам.

Сенинг кимлигингни била олмасдан,

Бўсағангда туриб боши қотади.

Буюк кашфиётларга дахлдор инсоннинг келажакдан саросимага тушиши.

Бир телба кимсадай ақлдан озган,

Қирқ минг хаёл билан ўйга ботади.

Сен қандай бўларсан?

Тимсолинг қандай?

Хавф-хатардан

Ҳапқиради хаёлим.

Инсоният олдидаги азалий ва азалий савол, инсон томонидан яратилган қудратли қурол, техникавий инқилоб инсоннинг қисматини қунпаякун қилишга қаратилмайдими?

Ўт-муз билан ўйнаб бораётгандай,

Руҳиятни қийнар Ҳамлет саволи,

Гамлетнинг "Замон издан чиқди, уни изга солиш бизнинг зиммамизда, тирик қолмоқ ё ўлмоқ шудир масала" муаммоси бугунги кунда ҳам тинчлик бермаётгани.

Аҳлу-илм, заковат тиллар топишиб,

Жаҳон лол қолгудай сирларни очар,

Ва лекин манфаат, феъллар тўқнашиб,

Дунё-бебарака кулбага ўхшар.

Ёвузлик ва эзгулик орасидаги азалий зиддият хавфини англашга чақириш, огоҳлантириш

Одамзод бу уйда бир яшаб туриб

Бир-бирин севиб ҳам жирканётгандир,

Шайтон ҳозир компьютерга ўтириб,

Инсондан тажриба ўрганаётир.

Инсонлар орасида ҳар қандай иблисга, шайтонга макр, ҳийла-найранг режаларини тузишга қодир ёвуз ниятлилар борлигидан огоҳлантириш.

Жаҳон бозорида нелар йўқ ҳозир,

Сотилади қонли қирғин қуроли.

Қудратли қирғин қуролларининг бозорга чиқиб кетгани, унинг ёвуз ниятли кишилар қўлида дунёни вайронага айлантириш хатарига йўл қўймасликка чақириш.

Бизнес ишқи билан чопқилаб давр,

Доллар келар йўлга тузоқ қуради.

Бул даврнинг ғалат атамаси кўп.
«Мафия», «Коррупция», «Террор» яна не
«Наркотик», «Маняк», «Спид»-дилнинг жабри кўп,
Айтсанг ғам босади кўнгилхонани.

Даврнинг иллатлари, яраси, кулфатлари инсониятга қарши қаратилгани.

«Ўзим бўлай» деган қадимий иллат,
Инсон кўнглин зах сув каби жойлаган.
Нафсу такаббурлик тикани гуллаб,
Қурол билан бола каби ўйнаган.

Манфаатпарастлик, худбинлик, шухратпарастлик, такаббурликнинг авж олаётгани ва хатарли қурол билан ўйнашиб бўлмаслигидан огоҳлантириш.

Ётсираб эл-элни, инсон инсонни,
Божхонада тўхтатиб йўл дарбандлари,

Божхоналардаги тинкани қуритувчи тирбандликка сабаб бўладиган инсонлараро ишончнинг йўқолишидан хавотирини билдириш.

«Ўтиш даври» деган қаттол замонни,
Биз ўтаётирмиз анчадан бери.

“Ўтиш даври” нинг жароҳатларидан асрашга чақириш.

Сен бунга не дейсан, эй янги аср?
Келажакка не тайёрлаётирсан?
Сендаги мурувват, ақлу-тафаккур
Қай аҳволда? Қандоқ кутаётирсан?

Эски аср иллатлари ҳақидаги муносабатларни билиш, янги асрнинг гард юкмаган ҳар қандай иллатлардан ҳоли муравват, ақлу тафаккурнинг аҳволи ва оқибатини билишга қизиқиш.

Эски асрнинг яхши-ёмон меросин
Сен албатта қабул қилиб оларсан.
Одамзоднинг феъли, бузук дунёсин,

Тузайман деб кўп ҳаракат қиларсан.

Эски аср иллатларига қариши янги асрдан нажот кутиши.

Лекин сен эргашиб эски асрга,

Унга ҳавас этма, сақла сал ибo.

Инсонни ажратма қара орийга,

Халқлар тақдирини қилма тажриба.

Инсониятнинг янги аср олдидаги умидлари.

Бизлар кўрдик ғафлат кетганда ошиб,

Дарёлар терс энди, денгиз кувради.

Бир-бирига ёвуз урушлар очиб

Одам ўқлар отди, кирди увлади.

Эски аср жароҳатлари, ғафлат босган инсониятнинг дарёларни бўғиб, терс оқтириб денгизларни қуришти оқибатлари, ёвуз урушлар оқибатлари, одамзод одамга қариши ўқ отиб бўридай увиллагани оқибатларини эслатиб нафрат уйғотиши.

Лекин инсониятда зўр бир умид бор

Дунё эзгуликка таянаётир.

Инсониятга доимо ҳамроҳ унинг нажот қалъаси бўлган умидининг сўнмаслиги ва доимо яшаш учун курашга, эзгулик ва ёвузлик орасидаги курашда таслим бўлмасликка интилиши, эзгуликка таяниши, иродаси-бардошини улуглаш.

Ўзини таниган халқлар бахтиёр

«Мустақил ҳаёт» деб уйғонаётир.

Оламнинг энг буюк неъматини – мустақилликка интилиши, унга эришиши ва уни асрашга чақириши.

Ёвузлик такаббур қирғинлар иши,

У ҳозир ҳеч кимга бошини энмас,

Лекин қай маконда халқ деган киши

Тинч, аҳил-фаровон яшашни суймас?

Дунёда халқларининг асл мақсади тинчликка, аҳил ва фаровон яшашга интилганини улуғлаш.

Кел, сен янги аср!

Ўрнат адолат.

Умид жайхунидай тошиб-тўлгайсан!

Ақл курултойин чорлаб одамзод,

Қиёси йўқ олтин аср бўлгайсан.

Янги асрни муносиб кутиб олиш олдидаги умид ва орзуларни намоён қилиш, ҳамкорликка чорлаш орқали янги асрнинг инсониятга бахт ва саодат келтиришига умид уйғотиш.

Биздан ақллироқ, бахтлироқ авлод

Келиб янги асрнинг ҳур болалари,

Бағрингда топишиб меҳри-мурувват

Туташсин дўстликнинг «ипак йўллари».

Келажак авлоднинг комил инсон сифатида улғайиши ва жаҳон халқларининг дўстликнинг туташган “ипак йўллари” орқали ҳамкорлигини улуғлаш.

Шеър ўзининг мазмуни, ғоявий, фалсавий мукамаллиги билан якка ёки гуруҳ бўлиб ижро қилинишига муносиб асардир. Унинг тарбиявий аҳамияти катта. Бадиий сўз маҳоратида яна бир таъсирчан ифодавий имкониятни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга муносиб матн бўла олади. Ижрочида оламни асраш, умуминсоний қадриятларга ишонч-эътиқод ёвуз кучларга нафрат руҳини тарбиялайди.

Улуғбек Ҳамдамнинг “Янги инсон” достони бизни эртанги кунимизнинг ҳаёт тизгинини қўлларига олувчи ёш авлодни инсон маънавияти ва ахлоқига зид таъсирлардан асраб, комиллик сари йўналтирилмаса тузатиб бўлмайдиган нохуш салбий оқибатларга юзма-юз бўлишимиз муқарррлигидан огоҳликка чорлайди. Асар тўлалигича бир актёр театри ижрочилиги учун, шунингдек, бадиий сўз орқали ёки гуруҳли иш тарзида ишлаш учун олинishi мақсадга мувофиқдир. Чунки асардаги

долзарб муаммолар бугунги ёшлар тарбиясига теран ва оқилона масъулият билан қарашни илгари суради.

Янги инсон

Янги инсон! У ким? Қаердан келди-ю, қай сори кетмоқда?: Миллати, ранг-рўйи, бўй-басти қанақа унинг? Қўллари нима иш билан банд? Кўнгли – чи? Қандай дарди бор кўнглида. Кўнгли борми ўзи? Исми нима унинг исми?:

Ижрочи улғаяётган бугунги ёш авлод вакиллари ичида шаклланаётган “янги инсон” ва уларнинг дунёқараши, тарбияси, характери, қизиқиш ва интилишларини аниқлаш, тингловчи эътиборини қаратиш ҳаракати, вазифаси асосида аниқлашга интилади

Янги инсон – балки у, балки сен, балки мендирман....Гапнинг сираси, булар муҳим эмас, (чунки бугун бўлмаса, эртага ҳамма унга янги инсонга айлангуси...) Муҳими шуки, Янги инсон ўзи билан банд, кўнглида... – яхшиси, ичида, дея қолайлик, - ичида ташқари бор унинг. Исми? Исмими? Қўй дўстим, билганимиздан гаплашайлик...

Ўзлимиз, ички дунёмиз, атрофимиздаги жараёнларга, салбий иллатларга муносабатимизни аниқлаш ва бунда “янги инсон”дай ўз - ўзимиз билан бандлигимиз, ичимизда ташқари таъсирини аниқлаш

Янги инсон. Ўз юрагидан отилиб кўчага чиқиб кетди! Чунки хоҳламай кўйди юракда яшашни, ичкүёвдек ўз уйини тарк этиб, ташқарига, келинникига кетди. Чунки янги инсон ўзини-ўзи тортолмай қолди, унинг ўзи-ўзига юк бўлди, жудаям оғир юк! Бас, у шартта юкни ташлаб, кўчага йўл солди. Ташқарида яшаш осон туйилди унга. Ташқарининг жозибаси вужудини аллалади. Келинники роҳатижон келди янги инсонга, Ўз уйидан, ўлан тўшагидан келинникига яна бир келиндек олиб кетилди янги инсон...

Янги инсоннинг ўз қалби, фикри, тафаккури амрига қулоқ солмай ташқарига дайдиб кетганидан огоҳлантириш ва сабабларини очиш.

Сўнг келинникини безади, ясантирди, унинг отини комфорт қўйиб, қаршисида тиз чўқди бугун тангрининг пойида сажда қилган каби кеча...

Кўргуликлари шундан сўнг бошланди: ташқарига чиқиб кетган одам, ичкаридан, ундаги илоҳий жавҳаридан узоқ тушди...

Янги инсоннинг бор вужуди билан зебу-зийнатга, комфортга ружу қўйиб олдида тиз чўкиши, тангри каби сажда қилиши оқибатларидан ҳушёрликка чақириш.

Кейин, кейин у ёғи – техника тараққиёти-ю, ахборот асрининг касирғалари, бу ёғи – ГМО маҳсулотларини истеъмол қилиш, янги инсонни тамоман қуйишқондан чиқара ёзди.

Натижада “Бисфинол А” ўз кучини кўрсатди, кўрсатяпти. Эркак ва аёл вужудида андроген гармонининг посангиси ўйнаб кетди. Шунинг учунми, Янги инсоннинг таври ўзгарди, сулуквати турланди: эркаги аёлга, аёли эркакка ўхшай бошлади Янги инсоннинг.

Уларнинг роллари шунчалар қоришиб кетдики, хотин кўчада пул топиб, эр уйида бола боқиб, кир ювмоқда. Бекаси чизган чизикдан бир қадам ҳам нари чиқмайдиган, отникидек келадиган калласида товукникичаям фаҳми бўлмаган саноксиз беклардан баҳс этиб, юзларини қизартираман, деб ўйламайман бугун.

Кўрқиш эса хаёлимга зиғирчаям келгани йўқ. Чунки, чунки Янги инсонга барибир, бу унинг учун оддий ҳол: ўриси “в порядке вещей” дейди бунга, англизи эса “нормал” деб қўяди қисқа қилиб.

“Товба-а-а!” дейди ёқасини ушлаб ўзбеги (ёқасини ушлайди-ю, ҳеч нима бўлмаганидек йўлида давом этади...) Ичкаридан ГМО, ташқаридан юксак техника ҳужумлари.

Техника тараққиёти ва ГМО маҳсулотлари истеъмоли оқибатларидан ҳушёрликка чақириш, “Бисфинол А” таъсиридан инсон сулукватидаги турланиш оқибати ва турли миллатлар уни оддий ҳол дея қўниқиб бораётганлигидан огоҳлантириш.

Янги инсонни довдиратиб қўйди. Нанотехниканинг оламшумул “мўъжизалари” эса инсон иммун тизими таҳририга киришди: оламни бозорга айлантириб тўймаганлар, энди одамни бозорга солмоқда. Унинг ДНКсига

дахл қилиб, тангри таоло ато этганидан буткул ўзга сифатли хилқатга айлантириш пайига тушмоқда. Инсонни икки бурмали илоҳий мақомдан ўн икки бурмали сунъий махлуққа чевираман деб чиранмоқда. Чунки шундай қилинганда, одам худонинг йўлидан чиқиб, тамомийла ўзга йўриқда юрадиган осон бошқариладиган қўғирчоқ – БиоРоботга дўнармиш, дунёнинг қайси бир кунжига ўрнатилган ягона компьютердан юборилган буйруқ билан баний башарни истаган куйга юргизиш мумкинми ўшанда, шу керакмиш уларга – манфаат бандаларига яратишлик давоси бор яралмишларга!: Бунинг учун эса улар - Оллоҳнинг иродасига кўз тикка шайтонлар, зўр бериб Янги инсонни гибрид маҳсулот билан аврамоқда: еяётган овқати, ичаётган суви, симираётган ҳавоси, кияётган кийими таркибини ўзгартирмоқда...

Яна шуки, Янги инсоннинг қулоғига хуш ёқадиган мусиқаларни пештоқи зарҳалли гипермаркетларда чалдириб, куй қўйнида ботинга иниб, руҳни аллалаб элитмоқда, она алласидан фарқ қилиб эса бу мусиқа ақлларни алдайди...

Янги инсон табиатидаги ўзгаришларнинг ақл бовар қилмас оқибатлари, инсон ички дунёсининг тубдан ўзгариб издан чиқиб кетгани ва тобора тузатиб бўлмас хатоларга маҳкум бўлаётганидан огоҳлантириш.

Мана шу тарзда Янги инсоннинг тафаккури секин-аста ўчирилмоқда, мисоли шаҳару қишлоқдаги чироқларнинг бирин-сирин ўчирилгани, ўчирилиб, мамлакатнинг зулмат қаърига ташлангани янглиғ унинг ҳам тамиз маёғи сўндирилмоқда, бинобарин, энди инсон фикрламайди, унинг калласи нафақага чиқарилиб, ошқозони ўн ҳисса ишлайди энди. Унинг мияси учинчи минг йилликда меъдасига “шалоп” этиб ташлаб юборилди!... Бас, у энди Истеъмолчидир! Бўлгандаям юҳодек Истеъмолчи! Одамзод пайдо бўлгандан бери бундай еярмон, бундай ичармон ва бундай киярмон туғилмаган эди, кўрилмаган эди! Мана энди у қаршимизда, шундоқ рўпарамизда, пешонамиздаги ойнада турибди савлат тўкиб... Қани дейсанми!... Тавбатавба, семириб кетса, одам ўзиниям танимай қоларкан-да, а,

замондош!...Хулласи калом, Янги инсон керак-нокерак, кўзига яхши кўринган, тўғрироғи, кўзига яхши кўрсатилган неки бор, ҳаммасини кўр-кўрона харид қилади энди...

“Ниманиям харид қиларди?” дейсанми? ГМО нида! Инсон, хайвон ва ўчимлик геномаси бўтқасидан бино этилган гени ўзгартирилган маҳсулот – сунъий емишни ... Уларни истеъмол қилган Янги инсон мутантга айлана-ру ўша ҳоким компьютердан оқиб келадиган амрларни бекаму кўст адо этишга мойил бўлармиш...“Муболаға!..” дейсанми? Бемалол. Аммо атрофингга назар ташласанг, амин бўласанки, янги инсон деганимиз ҳатто бугунданок техниканинг – мобил телефоннинг, машинанинг жарангига маҳлиё бўлмоқда, руҳини топширмоқда, компьютер тугмаларининг чиқир-чиқирлари-ю таркибига ГМО қўшилган озиқ-овқатларга – енгилмоқда, улар томонидан асир туширилиб, ўз мамлакати – ичкаридан ташқарига ёт ўлкага кул сифатида ҳайдаб кетилмоқда Янги инсон!...Хуллас, учинчи минг йиллик ана шундай бошланди, замондош...

Янги инсоннинг фикрламайдиган аянчли манқуртга, “еярмон, ичармон, киярмон юҳо истеъмолчига” айланганини фош қилиш, нафрат уйғотиш.

Янги инсон! У кўчада.... Аммо, унинг ташқарига чиқиб кетгани ҳали ҳолва экан, кўргуликнинг баттари: ташқарига ичкаридан, кўчани кўнгилдан топишинг экан! Мана, мени нима қийнамоқда, замондош... Ташқаридан хориб, эзилиб, афтода бир алфозда қочиб келиб, кўнгилдан паноҳ топмоқчи бўлсангу, у ерда машиналару темир-терсакларга, компьютеру интернетга, бозордаги бақир-чақирлару, кўчадаги аюҳанносларга дуч келсангу, дунёга кул бўлиб ёлланган нафсинг илинж билан тумшуғини сўқир итдек, ойга чўзиб увиллаб турса, дардингни кимга айтасан, қаерга қочиб борасан шунда?... Янги инсон ўз юрагидан ташқарига чиқиб кетди, майли, мен бунга розилар бўлдим... фақат, фақат у ўша кўчани юракларга бошлаб келмасин, бошлаб келиб, инсоннинг бу дунёдаги бирдан-бир қароргоҳи – кўнгилни ғорат этмасин! Чунки, чунки қачондир кўнгилдан кўчага отланган инсон

соғинар-да, ичкаар-да, ичкарига – юрагига қайтиб келар... Лекин, лекин кўчага айланган, ташқарига дўнган кўпол дил ҳеч қачон яна ўз ҳолига қайтмайди, кўнгил бўлмайди..

Янги инсон ўз кўнглидан узоқлашиб, меҳр-оқибат, инсонийлик, садоқат тушунчаларини унутиб, нафсига қул бўлиб, сўқир итдек увиллагани жароҳати оқибатларига нафрат уйғотиш.

Кўчага чиқиб кетган ва кўчада, кўчанинг жин кўчаларида ҳайвонга эврилаёзган одам кўнглига қайтса агар, яна инсонга айлангуси. Лекин бунинг учун, бунинг учун у ерда кўнгил бўлмоғи шарт, ахир! Кўнгилга қайтиб келса, келса-ю, у ерда кўчага дуч келса! Кўнгилнинг ўрнида кўчани, ичкарининг ўрнида ташқарини топса... Унда нима бўлади? Билган борми, хой?! Инсоннинг қочиб борадиган бирдан-бир жойи – кўнгли булғанмасин экан, софлигича шаффофлигича турсин экан. Биз ҳам унинг борлигини ҳар қандай кир-чирдан муназзаҳлигини билиб яшайлик экан.

Инсониятни чоҳга, тубсиз жарликка қулаш хавфидан огоҳлантириб нажот сўраш.

Ахир, у ерда унинг ўзи – Инсон яшайди, ахир, у ерда Оллоҳ бор! Шунда, шунда ташқарига чиқиб кетган ва... ва ичкарини унутган одам, Янги одам ким бўлишидан қатъи назар, бизга зуғум ўтказмайди, ўтказолмайди! Ўзини паришон айлар-у, ўзгани паришон этолмайди, шунда... (Янги инсон ичкарига қайтса, қайтиб ўз ботинини тинглаб турса, тинглаб, у билан ҳисоблашиб юрса агар, ҳеч қандай Темир одам, ҳеч қандай Терминатор, ҳеч қандай Робот унга хавф солмайди, сололмайди).

Янги инсон! У кўчага чиқиб кетди... биз, биз эса юр ичкарига, юрагимизга кирамиз, дўстим... Юрагимизни кўрпа янглиғ устимизга тортамизу, ташқарининг ҳужумларидан инсонлигимизни кўриймиз, сақланамиз... Қолгани, қолгани майли, тақдир бўлақолсин.

Қалбни қуртдай кемираётган кечмиш алангалари оловига қариши чора, нажот излаш.

Аввалига мен ўзимни тополмай қолдим: инқилобий пўртаналар ичра фарқ бўлаёздим.. Чунки олам бир эврилди-ю, битта йўлимиз мингтага айланиб кетди ва ҳамма ўз йўлини тўғри, дея даъво қилди. Мен... мен роҳимни йўқотиб қўйдим. Чор атрофда юзлаб йўллар ястангани ҳолда мен йўлсиз қолдим, йўлсиз, битта ҳақиқат, ягона ҳақ бор эди, кейин, кейин бирданига ер юзида неча миллиард бўлса шунча ҳақиқат пайдо бўлди... Миллиард-миллиард “ҳақ”!: олам ўз меҳваридан чиқди-ю одам ўз ўқи атрофида айлана бошлайди, ҳа... Ягона меҳвар миллиард меҳварга айланди... Инсон, қачонлардир биру борининг пойида илтижо қилган инсон “Худо ўлди!” дея эълон қилдию ўз нафси қаршисида тиз чўкди. Энди у собит тасаввурни парчалаб, ўз тасаввури билан яшай бошлади, эски олам Янги одамнинг тасаввурига айланди.

Уларга “йўқ, биродарлар, сизнинг ҳақиқатинингиз биру бор, ягона Ҳақ ҳақида Мағруби Машриқдан, Жануби Шимолдан келган турли-туман, кучли, ожиз тасаввурлардир!” дея кўҳна дostonни бўғзимни йиртиб қўйлайин дейману, чўчийман: мени нотўғри тушунишларидан, эски одам дейишларидан, замондан ортда қолган, дея қўлларини бигиз қилишларидан, даврининг аравасидан суриб тушириб юборишларидан, мендан нафратланишларидан ва яна дардошларимнинг бунинг каби кўпдан-кўп маломатларидан қўрқаман... Ҳа, ҳа, айнан қўрқаман! Чунки улар кўнгилнинг эмас, кўчанинги ҳақиқатига сиғина бошлаган... кўнгилни эса кўчага, кўчанинги бозорига элтиб пуллашган улар... Вой худойим-ей, нималар деб валдираяпман ўзи, ўрни келганда тилни тиймоқ энг фойдали ваъз, дея уқтиришмаганмиди менга устозлар.

Янги инсоннинг аянчли қисмати ва унинг юқумли иллат, ўлат, вабодай тарқалиб кетиши хавфини ҳис этган ҳолда журъатсизлик, ҳимояланишга иродаси етмаётгани, “маломатлардан” қўрқишидан огоҳлантириши.

Бу дунёда ўз фикрингга эга бўлмаслик – бахтсизлик бўлиш эса хавфли! Беихтиёр аро йўлни қидирасан. Ўз сўзларингни бировники дея сўна бошлайсан: мажоз излайсан, иқтибос қидирасан, румузга бош урасан. Яъни сен ўзингни, ўзлигингни ташқаридан келиши мумкин бўлган хатардан сақламоқ бўлиб, ичкарига - қат-қат метафора тонларига буркайсан, яширасан... Баъзан шунчалар чуқур беркитасанки, натижада сени ҳеч ким тополмайди. Бора-бора ўзинг ҳам ўшаларнинг бирига айланасан... Сўнг ўзингни-ўзинг қидириб йўлга тушасан... Йўл... Қўй, яхшиси, бу мавзудан гап очмай, ки, алоҳида мавзу – йўл... Янги инсон! У ким? Атрофга аланглайман: атроф жим, фақат сену мен.. Ёки мену сен... Яна қандайдир у ҳам юргандир. Шовқин-суронга лик тўла кўчанинг қоқ ўртасида тургандир... Ким билади дейсан, замондош... Янги инсон!

Нега у кўнглимга тош янглиғ ботмоқда? Нега бу тош тобора тош босмоқда? Нега мен уни кўтаролмай толяпман? Нега оғирлашиб боряпман мен?

Фикрсизлик балоси, унинг чиркин оқибатлари, бефарқлик гирдобини ва унинг фожеали якунидан асраш.

8

Афтидан, дўппини олиб қўйиб, ҳаммасини бир бошдан, қайта-қайта, бор ана, етти марта ўйлаб, сўнг бир кесадиган вақт келган бугун! Йўқса... йўқса, юракларга даҳшат солиб, тасаввуру хаёлларга тажовуз қилганча яқинлашаётган суперодамга ем бўламиз эртага! Суперодам! Эшитганинг, фикр юритганинг бордир сенинг ҳам, замондош? У, башарият сония-сония, мисқол-мисқол тўплаган бугунги тарих ва маданиятнинг интиҳоси-ю эртанги шармандали тарихининг, уятсиз маданиятнинг ибтидоси дегани! Суперодам эркакда аёлликнинг, аёлда эса эркакликнинг пилигини кўтаргич иблис!: Натижада сен на эркагу, на аёл – учинчи жинсга айланармишсан!: Улар бир вақтнинг ўзида борлигингда жам бўлиб, икки жинсли битта маҳлуққа эврилармиш... Худди юнон афсонасида айтилганидек, тушуняпсанми, замондош, ўша афсонада дарж этилганидек... мана, нима учун мен

афсоналару ривоятлар қаршисида хушёр тортаман, уларни ҳаётнинг тилига кўчиришда тараддудланаман... Чунки уларда, ҳаммасида ҳам эмас, айримларида, айримларнинг бағрида жинлар ухлаб ётади. Янги инсон эса, ҳеч тап тортмай, жин ухлаб ётган кўзанинг, ҳа-ҳа, ўша кўзанинг узун бўйинини силамоқчи бўляпти, бўляпти-ю, биз ўзимизни кўрмаганга соляпмиз, замондош.

Суперодам, биотерминаторларга ем бўлиш хавфи, оқибатда инсоният мисқоллаб тўплаган тарихи, маданияти, маънавияти ва қадриятларининг ибтидоси бўлишидан асрашга чақириш.

Ўйлайман, ўйлайман, ўзимча ҳаммасининг туб сабабини кидираман: дам кўчага чиқиб кетган халойиқнинг ортидан ташқарига шошиламан, дам бўм-бўш қўл билан уйга – ичкарига одимлайман... Лекин тинмайман: кираман – чиқаман, чиқаман – кираман...

Ва бирдан унга дуч келаман, замондош! Эшитяпсанми? Жавобга дуч келаман! Мен уни ўзимча топаман: хулласи калом, ҳамма гап ичкарию ташқарида, уларнинг муносабатида, ич ва ташнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган йўлда, шу йўлдан бораётган одамнинг қалқиб турган нигоҳларида экан. Яъни, кеча инсон ўзлигини ичкаридан қидирган, қидириб “Комил Инсон” деган уммонда чўмилган, руҳ ва танини даққёнус тўлқинларида обдон ювган эди. Бугун эса инсон ўзлигини ташқаридан излади, излаб ташқарига чиқиб кетди, шунчалар узоқ кетдики, натижада ичкарига қайтиш йўлларини унутаязди: сафарда адашиб, сўнг эса Олабўжи – Супер одамга, “Бутун келажак – бизники!” дея айюҳаннос солаётган хунасага дуч келди: гаплашди, баҳслашди... кейин бирданига юзларидаги қаҳр эриб, жилмайди... Ва, ва не ёзиқки, унга маҳлиё бўлди...Ҳали бу ҳаммаси эмас, шундай кетаверса, олдинда бир кун Янги инсонни Гибрид деб аталган, башариятнинг гўзал тарихини кунпаякун қилгувчи Био терминатор кутиб олади!... Бугун эса Янги инсон “Суперодам” деб аталган балчиққа беланмоқчи, кўнгил ва баданини шу балчиқнинг сассиқ ва ирганч қўйнига ботирмоқчи... Бошқача айтганда, Янги инсон шўргина пешонасини “Супер одам”нинг тошгина деворига

каттик урди бугун! Ҳа, ҳа у чегарага етиб келди! Эшитяпсанми мени ҳалиям, замондош ёки интернетга кетиб қолдингми?: Агар ёнимда бўлсанг, қулоғинг ҳам ўзингда эса, яхшилаб тингла: энди Янги инсон бир қадам қўйса, бас, у ёғи, бошқа одам, ёт одам!: Унинг Ёт Тарихи!: Ёт Маданияти!: Ёт! Ёт! Ёт: Тушуняпсанми?!

Янги инсон суперодам билан бўлган баҳсдан сўнг унга ишониб, бўйсуниб маҳлиё бўлишидан ва башариятнинг гўзал тарихини кунпаякун қилгувчи Гибрид Био Терминатордан асраш, чора қидириш.

9

Буларни шунчаки гап, сафсата деб ўйлама, сен, замондош! Майли, менку мен, оддий фуқаро, сен юртнинг улуғларига кулоқ тут! Нега улар ботиндаги маънога кўз тикиб яшаганлар? Унга суянганлар, ишонганлар? Нега ҳануз суянадилар, ҳануз ишонадилар? Нима дегани ўзи маънавият? Қалқон дегани эмасми? Башарият устига мўри малахдек бостириб тегаётган Балои азимларга қарши тутилган энг ишончли қалқон дегани эмасми маънавият?! Сен-чи, сен замондош, ўз ақлинг ва руҳингда тутдингми уни?! Халқ бу сендан бошланишини, битта, битта, ва яна битта инсондан таркиб топишини унутмаган бўлсанг, билишинг керакки, ана ўша битта, битта ва яна битта фуқаро ҳимояланмаса, бутун бошли миллат ҳимоясиз қолади, ахир! Бу эса хавфли, жудаям хавфли! Бас, шундай экан, сен ўзингни ҳимоялаш билан миллатингни ҳимоялаган, ўзингни асраш билан курраи заминни, бутун инсониятни асраган бўлиб чиқасан! Шунинг учун ҳам менинг “Ҳали имкон бор!- дея оламга ҳайқиргим келади., - хали ҳаммаси бизнинг қўлимизда! Ихтиёримизда! Ҳар биримизнинг ўз танловимизда ё тубсиз чоҳга томон қадам қўямиз ва ёки одимимизни ичкарига – ўз мамлакатимиз сари оламиз!” Сен-чи, сен нима қилмоқчисан, замондош? Бир қарорга кел энди сен ҳам, чунки сен учун жудаям муҳим, чунки сен Янги инсонсан, бу мен учун ҳаёт-мамот масаласи, чунки мен, мен сенман, замондош!:

Замондошларини огоҳлантириш, инсоният минг йиллар оша тўплаган тафаккур хазинасини асрашга чақириш.

Кўнглимнинг туб-тубида кимдир, нимадир борми дейман. Чунки шивир-шивиру, висир-висир келмоқда. Ботинимда нур янғлиғ отмоқда. Эшитсам, исмимни биладигандекман: у – Жавҳар, яратаган инсон моҳиятига жойлаган жавҳар, илоҳий дастур ва у ўзини-ўзи намоён қилиб, жарангламоқда. “Ташқаридан – кўчадан, шовқиндан – сурондан, темирдан-терсакдан, моддадан-кесакдан ўз юрагини кўрий олган инсонгина Инсон, Ҳазрати Инсон! Чунки, фақат шундай юракдагина биру бор яшайди. Унинг ўзи – инсон истиқомат қилади! Ва у турланмайди. Ва у тусланмайди. Ва ҳар янги кунда букаламундек бошқа тўн киймайди!” дея ҳайкирмоқда у. Янги инсон эса, ана парвосиз кетиб бормоқда, олислаб, ўзидан, ўз кўнглидан, кўнглидаги шивир-шивирдан, ундаги биру бордан узоқламоқда. Лекин ортга қарамайди у... Чунки у ерда юрак бор, эшикларга ланг очик юрак. Унинг кўзига қарашга ботинмайди инсон. Шунга қарамай, чиқиб кетаркан, копуларни ёпмаган у... Ҳар эҳтимолга қарши очик қолдирган, ҳар эҳтимолга қарши, тушунмаяпсанми?! Лекин жавонибда шамол қўпган, замон шамоли тамаддун шамоли... салгина шабадага ҳам тебраниб турадиган бу ҳассос табақалар тамаддуннинг кучли бўронларида қарсиллаб ёпилмайди, деб ким кафолат беради, ким?! Янги инсон! У қалтис ўйин бошлаб қўйди – юракни тарк этиб, ташқарига – кўчага чиқиб кетди... бир кун келадики, Янги инсон кўчанинг адоғига бориб қолади. Ташқарининг охирига етади у. Шунда йўл соф бўлади... агар чора топмаса, навбат ўзига келади. – Бўҳрон навбати...

Қалтис ўйин бошлаган инсоннинг кўчанинг адоғига бориши оқибатлари. Бўҳрон навбатидан огоҳлантириш ва асраш.

Индиго болалар балки чорадир, башариятнинг ўзини-ўзи қутқариш йўлидаги яна бир чора, лекин бунинг учун шовқин суронли кўчанинг қоқ ўртасида кетиб бораётган Янги инсоннинг қулоғи Индигонинг овозини эшитмоғи шарт, ахир! Эшитмаса-чи, хўш унда нима бўлади? Бошини яна қай бадбахт деворга уради Янги инсон?! Ортига, уйига қайтгиси келади, дейман мен. Қайтгиси келадию, ўзи кела оладими?

Индиго болалардан умид излаш

Аллақачон кўмилиб кетган, нафси Амморанинг курумлари остида йитган йўлини топиш шунчалар осон деб ким айтди сенга?! Янги инсон ташқарига чиқиб кетди! Ташқарига чиққан одам ташқариники бўлади, ташқариники бўлган одам китоб ўқимайди, китоб ўқимаган одам эса бошқа кавмга дўнади, тушуняпсанми мени, замондош, ёнингда, ёнгинангда бегона кавм, совуқ ва кўрқинч осмонўпар бинодек қад кўтаради. Мана нима учун сени ҳа-ҳа, оёқлар остида қолиб кетган сени дунё сариқ чақага ҳам олмай қўйди бугун, эй шоир! Янги инсон қалтис ўйин бошлаб қўйди. Ичкарини тарк этиб, ташқарига йўл солди. Кун келиб ташқарининг поёнига етади у. Ичкаридан поёнсизликдан кетиб, ташқарига, поёнликка дорийди... аслида у ичкарини тор дея, юракнинг чегараси бор дея ўйлаганди. Ўйлаб уни тарк этганди. Юракнинг чеки йўқлигини билмаганди... Бинобарин у ташқарини танлади, танлаб кўчага отилди. Янги инсон кўчанинг сўнги йўқ деб ўйлади. Ташқарида жудаям кенг, мўл-кўл, ҳеч қачон унинг охирига етиб бўлмайди, деб ишонди, соддаларча ишонди, жоҳилларча ишонди... аслида-чи? Аслида, ташқари чекли, чегарали эди. Ҳадди бўлмаган ичкарини тарк этиб, ҳудуди бор ташқарини сайлади, Янги инсон.... Наҳотки, одам Ато йўли шу эди? Наҳотки, унинг олмага узанган қўли бани одамнинг мангу йўли бўлиб чиқди?

Замондошларини хушёрликка, огоҳликка теран мушоҳадага чорлаш ва асраш

Юракка йўл – халоскор йўл, юракка йўл – боқий йўл, юракка йўл – инсон йўли, юракка йўл – Ҳақ йўли!!! дея ҳайқиргувчи одам эса бошқа туғилмайди. У йўқ энди... Одам йўқ, аммо унинг йўли борку, дейман мен титраб! Нега ҳамма одам ўша битта одамга айланмайди?! Йўқ мен шаклда адашдим чоғи: Нега ҳамма одам ўша битта одамнинг йўлини тутмайди. Ахир ботинда борку ўша йўл! Нега қидирмаймиз, нега йўлга тушмаймиз? Йўл... оҳ, айтдимку сенга боя замондош, йўл – бошқа мавзу деб, Янги инсон қалтис ўйин бошлаб қўйди, юрагини тарк этиб, юрагини тарк этиб... Инсон йўли одам Атонинг олмага узанган қўлидан бошланган йўли эмас, Одам Атонинг

кўнглига элтувчи йўл эди!: Бироқ, бироқ учинчи минг йилликда олам олмага қараб думалай бошлади. Олма-чи? Бир жойда турармиди, олма: у ҳам думалаб бораётир, шиддат билан қиёматнинг тўрига қараб думалаётир олма!: узокдан жудаям олисдан, масалан, ҳув ўшал тоғнинг тафаккур тоғининг чўққисидан қарасанг ер шарининг ўзи ҳам думалаб кетаётган олмага ўхшаркан, баъни одам эса унинг ортидан қувлаб бораётган ўйинқароқ бола... “Қачон бу бола улғаяркан?!” дея хайқирасан олмага, лекин бу хитобни ҳеч ким эшитмайди. Чунки катталар йўқ атрофингда, катталар! Қани улар дейсанми? Улар кўчага чиқиб кетган, кўчадаги шовқин билан банд катталар, улар шовқиндан бошқа товушни эшитмайди.

Инсониятни учинчи минг йилликда олмага қараб думалай бошлаган оламни асрашга чақириш.

11

Мен эса Одам Атони тушунгим келади. Эвини қилиб, олманинг ортидан қувиб кетаётганлар сафидан айрилсаму, ортга қайтсам, қайтиб олма дарахтига тирмашиб чиқсам, сўнг Одам Атонинг олмага узанган қўлидан тўппа-тўғри ҳазратимнинг кўнглига тушсам дейман. Чунки у ерда нимадир қолиб кетганга ўхшайверади, замондош! Биз тушунмаган ҳалигача тушуниб етмаган, муҳим нимадир, эшитяпсанми, жудаям азиз нимадир! (Ахир онамиз момо ҳаво қаердан қай тарзда бино бўлди, дея сўрасанг-чи!: ичкаридан отамиз Одам Атонинг қовурғасидан эмасми, биринчи одам чинакамига ёрдамга муҳтож бўлиб, ўзини бахтсиз ҳис этганда Роббимиз чорани ботиндан олиб кўрсатмайдими?) Шундан сўнг биз билган ҳаёт, унинг маъниси, одамзод ҳаётининг маъноси пайдо бўлмадими?! Бас, шундай экан, нетиб, биз бугун нажотни ўзимиздан ташқаридан қидирамиз? Ахир, барча излар ичкарига кўнгилга бошлаб бормаяптими?! Наҳотки, ўтмишни унутган бўлсак, “мозийга қайтиб иш кўришлик хайрликдир” деган эди бир куюнчак донишманд кечагина. Эслагина, замондош, зеро, эртаги очилажак нафис гулнинг қисмати кечаги илдизнинг бадбуруш пешонасига битилган бўлади. Ўқисанг-чи! Алқисса, инсон кўнгли Яратганнинг

даргоҳига очилажак эшик бўлса, сен ташқарида нималар қилиб юрибсан замондош?! Чақир, анаву худо беҳабар, Янги инсонни! Тушунтир, айт унга, қўлни кўнгилга бериш кераклигини, уқтирсанг-чи ниҳоят! Зеро, Инсон Йўли Одам Атонинг олмага узанган қўлидан ташқарига солинган йўл эмас, балки олмадан, Одам Атонинг ботинига, кўнглига қараган йўл эди... Ҳа, ҳа, у ўша йўл эди ва ҳамон ўша йўлдир.⁵

Инсониятни теран мушоҳадага, ҳаёт фалсафасини чуқур англашга дунё тамаддунида илдири олиш таҳдиди бўлган иллатларга ўтқир тафаккур ва қалб нигоҳи билан қарашга, дунёни ва ундаги умуминсоний қадриятларни асрашга, мислсиз фожеалар бўлишига йўл қўймасликка, комил инсон бўлиш, яшаш учун курашга чорлаш.

Ушбу дostonдан олинган адабий матн бадиий сўз ижро маҳорати учун кенг қамровли таъсирчанлиги, фикр ва тафаккурини қувватлантириши билан ажралиб туради. Азалий ва абадий инсоний қадриятларнинг асралиши умуминсоний маънавият мезонларини кўз қорачиғидай ҳимоя қилиш ҳамда уни улғаяётган ёш авлод қалбига ва онгига сингдириш, уларни ёт, ғайриинсоний ғоялар оқимига тушиб қолишдан асраш, ҳар қандай соғлом жамиятнинг устувор вазифаларидан биридир. Инсониятни огоҳликка чорловчи асарлар ва уларнинг бадиий сўздаги қудратли таъсирчан ифода воситалари ҳар бир мутахассиснинг эътиқоди ва эътиборида бўлиши зарур. Достон қисқартирилган ҳолда таҳлил қилинди, асар ҳар бир актёр, режиссёр ёки нутқ ўқитувчиси томонидан янгича таҳлил ва талқин қилиниши мумкин. Инсониятни ҳамон ларзага солиб келувчи ноинсоний иллатлар – урушлар, зўравонлик, террор, ўз она юрти, халқига садоқатсизлик, хоинликни қораловчи, унинг жирканч, тубан иллатларини фoш қилиб нафрат уйғотувчи, шунингдек, она замин, она юртига садоқат билан йўғрилган, миллий истиқлол ғоялари талқин этилган таъсирчан асарлар ёш ижодкорнинг дунёқараши, тасаввури, тафаккури, муносабатлари ва ижро

⁵ Тафаккур. 2013, –3.

маҳоратини ўстиришга қаратилади. Талабалар томонидан танланган турли жанр-мавзудаги воқеали адабий матнлар юзаки йўл-йўриқ ва ёдлаш билангина тингловчини ишонтира оладиган, унга таъсир қила оладиган сўзга айланмайди. Сўз ўзининг жонли ва таъсирчан қувватига эга бўлиши учун сўз устаси руҳан тайёр бўлиши, етилиши керак. Бу эса талабадан кўплаб адабиётлар ўқишни, кузатувчан, қизиқувчан, изланувчан бўлишни тақозо этади. Бу шунчаки, йўл-йўлакай эсга олинадиган вазифа эмас, аксинча ижодкор ижрочи томонидан чуқур ўзлаштириладиган масъулиятли ижодий жараёндир. Бу ўринда нутқ техникасини ўрганиш ва ўзлаштиришнинг бошланғич давридан талабаларга матннинг ривож ифодавий ечимни шакллантиришини ҳам назарда тутиши зарур. Матн билан ишлашнинг масъулияти, юки, машаққати режиссёр ва иштирокчи учун барабар куч талаб қилади. Хулоса қилиб айтганда, бу фикр ва мулоҳазалар биз учун доимий эътиборимиздаги жараёндир. Табиийки, у бадий сўз маҳоратимизни мустаҳкамлайдиган омиллардан бири бўлиб қолишига ишонамиз

Таянч иборалар:

Индиго болалари, супер одам, биотерминатор, мозийга назар, Амморанинг курумлари, бўҳрон навбати, кунпаякун, гибрид, буқаламун, қалтис ўйин, теран мушоҳада, тафаккур хазинаси, халоскор, боқий йўл, азалий ва абадий қадрият, олабўжи.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Бадий сўз ижрочилигининг ғоявий таъсирчанлик хусусиятлари.
2. Тасаввур қилиш, фикрлаш, баҳолаш, ғоя ва мавзуларни олий мақсад сари ўстириб бориши ҳақидаги назарий ва амалий омиллар.
3. Бадий сўз санъатининг ижро маҳоратида, ғоявий, фалсафий, маънавий-маърифий, таъсирчанлик қимматида олий мақсад ва етакчи ҳаракатнинг ўрни, аҳамияти ва вазифалари.
4. Бадий сўзда тасаввур ва ижодий фантазия, ички нигоҳ, эмоционал хотира, муносабат фаоллигини такомиллаштирувчи омиллар.

II боб. Бадий сўзда ижрочилик маҳорати

2.1. Актёрлик санъатида сўз хатти-ҳаракати ва бадий сўз

Актёрлик санъатидаги сўз хатти-ҳаракати ва бадий сўз, нутқ техникаси ва сўз устида ишлашнинг шарт-шароитлари, тасаввур, хатти-ҳаракат, вазифалар, мақсадлар орқали ўзлаштириш жараёнларига эътибор қаратмоқчимиз. Талабалар билан ишлаш жараёни шуни кўрсатмоқдаки, бадий сўз маҳоратидай ўта тиришқоқлик, синчковлик, қизиқувчанлик талаб қилинадиган ўқув машғулотларида замоннинг тезкор таракқиёти, компьютерлар олами, турли тасвир воситаларидан хабардор талабаларга уларнинг фикри, тасаввури, қизиқиши, машғулотлардаги доимий фаоллигини таъминловчи шарт-шароитлар кўникмалар, вазифалар, тавсиялар тизимини ишлаб чиқиш лозим бўлмоқда. Ижодкорнинг сахнавий, ҳаётий сўзлашув маҳоратини, санъатини ўзига хос воситалар, айрим йўналишлар, шунингдек муаллиф томонидан яратилган бир қанча воқеалаштирилган мураккаб тез-айтишлар, жумлалар, нутқ аъзоларининг ҳаракат меъёрини фаоллаштирувчи «чархловчи», «қайровчи» машқлар мажмуалари киритилган тавсия ҳақида билдирилган ҳолисона фикр-мулоҳазалар, она сутидай мўътабар ўзбек тилимизнинг қудрати ва ҳикматига эришиш, мустаҳкамлаш, уни улғаяётган авлод қалби ва онгига етказиш ҳар бир магистрантнинг милллий ғурури ва эътиқодига айланиши давримизнинг талабларидан бири эканлиги маълум. Шу муборак қутлуғ заминга киндик қони тўкилган, ўсиб-улғайган миллатнинг ориятли, кадр-қимматли ҳар бир вакили бунга чуқур ҳис этиши ва унга ҳисса қўшиши лозим. Бебаҳо ва беқиёс, нодир ва ноёб бойлигимиз бўлган тафаккур, фикр, мушоҳада ва унинг жонли ифодаси бўлган сўз беқиёс фазилатимиздир. Уни такомиллаштириш ҳамда асраш баркамол авлод, комил инсон тарбиясидаги муҳим ҳаётий жараёнлардан бири эканлиги маълум.

Актёрлик санъатида сўз истеъдод, фазилат, маҳорат, нафосат, жасорат, шижоат даражаларини намоён қиладиган ижрочиликнинг бош мезони, асосий омилларидан бири. Ҳаётий фаолиятимизда ҳамда турли

иждодий жараёнларда оқилона фикр орқали ифодаланган таъсирчан сўз кудрати ва ҳикмати орқали ечим топиш мумкинлигига ишонамиз. Актёрлик санъатида сўз хатти ҳаракати ва бадиий сўз маҳоратимизнинг чексиз таъсирчанлик имкониятлари мудом мустаҳкамланиб, мукаммаллаштирилиб борилиши керак. Замон билан ҳамнафас бўлиб унинг юки, дарди, шодлиги ва кайғуси, унинг бош мақсади, замон фалсафасини намоён қилувчи тилнинг эзгу мақсадлар сари етакловчи, ҳаракатлантирувчи, ҳаётбахш кудратини мустаҳкамлаш учун унга янада чуқур эътибор қаратишга интиламиз. Театр, кино, эстрада, радио ва телевидениеда сўз хатти-ҳаракати, бадиий сўз маҳоратининг инсон қалбини руҳлантирувчи, ишонтирувчи, улғайтирувчи, руҳий қувват, ишонч берувчи кучидан кенг фойдалана олиш шарт. Нутқнинг таъсирчанлик тамойилларини, ғоявий, тарбиявий вазифаларини замон билан ҳамбарчас боғлашимиз зарур. Чунки эртанги кунимизнинг масъулиятли юкини кўтара оладиган иждодкор актёр, режиссёр, сўз усталари, нотиклар, суҳандонлар тарбияси зиммамиздаги вазифаларнинг энг салмоқлисидир.

Сўз хатти-ҳаракати ва бадиий сўзнинг замон билан ҳамнафас бўлишидаги муҳим омиллардан бири – тилнинг таъсирчанлик имкониятларини доимо такомиллаштириб боришдир. Фикрлаш иқтидори, лаёқати, аниқ, раво, жарангдор сўз ифодаси, унинг таъсирчанлиги ва гўзаллигини шакллантириш ва ривожлантириш вазифалари ҳам муҳим. Актёрлик санъатида сўз хатти-ҳаракати ва бадиий сўз маҳорати устида изчил ишланар экан, танланган матннинг ғоявий, фалсафий, тарбиявий томонларига эътибор қаратилиши лозим. Негаки турли жанрлардаги сахна асарларидан парчалар, асосан, диплом спектакли учун танланган пьесалар ҳар томонлама мукамал бўлиши ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бериши зарур. Бадиий сўз маҳоратида эса ранг-баранг адабий матнларни, ижро жараёнларини мустаҳкамловчи ва такомиллаштирувчи турли мавзуларни танлаш ва ишлаш мақсадга мувофиқдир. Танланган адабий матндаги тасвирланган манзаралар, образ ва персонажлар, ундаги воқеалар ўхшашлигини талабанинг хотираси, тасаввури, кўрган-кечирган, эшитган

воқеалари асосида мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш ва уни ифодалашда табиийликка, таъсирчанликка эришиш уларни фаол фикрлашга ундайди. Зарур ҳолатларда талабадаги тушунча, тасаввур ва муносабатни кучайтириш учун шунга ўхшаш воқеаларни таъсирли гапириб бериб ёки талабани гапиртириб ҳам таъсирчан сўз қудратига эришиш мумкин.

Озарбайжон адиби Анорнинг “Дантенинг юбилейи” қиссасидан танлаган адабий матн режиссёр ва актёр орасидаги роль устида ишлаш жараёнларининг мураккаб ва машаққатли ижодий изланишлари узоқ ва давомли кечишини, адабий асарнинг ижро маҳоратини такомиллаштириш ҳамда бадиий сўз устида ишлашнинг жиддий, теран ақл-мушоҳада билан ёндашиш жараёнларини ҳис қилишлари учун назарий тушунчалар сифатида манба бўла олади:

Асосий воқеа: ҳаётда, санъатда бир умр ўз касби, бурчига лоқайд қараб, жонини қийнамай, ишини фақат келиб-кетиш деб тушунадиган, қўл учида ишлаш билан кифояланадаган ғилоф бандалари ҳақида.

Олий мақсад: Жамият тараққиётининг энг катта ҳаракатлантирувчи кучи бўлган сўз санъатига меҳр, ишонч ва эътиборни кўрсатиш ва такомиллаштириш орқали жамият тараққиётида сўзнинг улуғвор илоҳий қудратини намоён қилиш.

Етакчи ҳаракат: Талабаларда муаллифнинг катта истеъдод билан яратилган, бадиий пишиқ ва етук, воқеалари таъсирли ғояси, мақсади, миллий истиқлол мафкурасига уйғун сатрларнинг танланиши, талабаларнинг қалбини уйғота олиши, ҳаёлини банд қилиб қўйиши ҳам ҳал қилувчи сабаблардан биридир.

Биринчи воқеа: Репетиция. Сўз хатти-ҳаракати, ундаги фикр, мақсаднинг актёр иродасига бўйсунмаётгани, режиссёр талаби ва унга актёрнинг кучи етмаётгани.

Томоша зали бўм-бўш ва қоронғи. Залнинг ўртасида икки киши режиссёр ва рассом ўтирибди, рассом режиссёрнинг елкаси оша сахнага қарайди. Режиссёрнинг олдидаги кичкинагина стол устини хира лампа

ёритиб турибди. Столда лампадан таиқари сочилиб ётган қоғозлар қалам, кулдон, дискасиз қора телефон, бир шиша «Бодомли» суви ва стакан бор эди.

Спектакль репетицияси. Актёр, режиссёр, ва рассомнинг ижодкор шахс сифатидаги табиати, хатти-ҳаракати, мақсади, ҳуқ-атвори ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш.

Маиқ борарди. Режиссёр ўрнидан сапчиб турди-да, илдам қадамлар билан сахна томон юрди. Чап томондаги чироқлар ёритиб турган сахнада гримсиз иккита актёр турарди. Уларнинг эғнида ўзларининг кундалик кийимлари. Режиссёр чаққонлик билан ҳатлаб сахнага чиқди ва олдинда турган қорамағиз ўрта яшар актёрнинг олдида борди.

Режиссёрнинг репетициядан қониқмаганлиги, актёрнинг фикрлаши, таъсирли ички ҳаракати ва муносабатларини фаоллаштиришга уриниши.

-Файзулла, азизим, жон биродар, - у иложи борица хотиржам ва юмшоқлик билан гапиришга ҳаракат қиларди, - ўзингга ичинг ачимаса ҳам, бизга раҳминг келсин, эрталаб тўққиздан бери шу ердаман, ҳали туз ҳам тотганим йўқ. Жоним сенга қурбон, инсоф қил, азизим, ахир биз ҳам одаммиз-ку!... Бутун асар давомида атига уч оғиз сўзинг бор, шуни ҳам айтолмайсан-а. тавба уч оғиз сўзни аниқ айтишининг нимаси қийин?! Бу кеча... Бу кўкча... Бу кўча... вассалом!

Режиссёрнинг Файзуллани укувсизлиги учун айблаши, уч оғизгина: Бу кўкча... Бу кўча.! сўзларини мукаммал талаффуз қилишни талаб қилиши.

Файзулла кир бўлиб кетган дастрўмолини олиб тер босган юзини, бўйинини тинмай артарди.

Актёрнинг ўзини оқлаш учун сабаб қидириши.

-Ҳозир-ҳозир-дея режиссёрни тинчлантirmoқчи бўлди у

-Ҳозир айтаман.... Кўнглигдагидай қилиб айтаман. Шошма... Ҳозир... кўп сиқилаверма...

Файзулланинг диққатини тўплашга, режиссёр талабини

аниқ англашга интилиши.

-Қани, гапир-чи

Режиссёрнинг актёрга имконият бериши.

-Ҳозир, ҳозир...

Режиссёр талаби даражасида гапиришга уриниши.

Режиссёр гугурт чақиб сигаретини тутатди, орқага қарамасдан нарироқда турган актёрга деди:

-Алиакром, бошла!

Орқада турган актёр Файзуллага мурожаат қилди:

- Ҳўш, қани?

Режиссёрнинг белгилаган вазифадаги натижани кутиши.

-Бу кеча, бу кўкча, бу кўча, - деди Файзулла жон-жаҳди билан

Файзулланинг фикрини жамлаб бутун вжуди билан режиссёр талаби ва вазифаси даражасида талаффуз қилишга уриниши.

-Тфу! Э сени... -Режиссёр ўзини босолмади, жаҳли чиқиб тутоқиб кетди. Саҳнадан пастга тушиб, ўзи ўтирган жойга борди. Сигаретини кулдонга босиб, эзгилаб ўчирди, кўкранг чўнтагидан дори олиб биттасини оғзига отди-да, стаканга сув қўйиб ичиб юборди. Кейин ҳорғинлик билан ўзини креслога ташлади.

Режиссёрнинг ҳаракатлари самарасиз чиққани, белгилаган вазифа мутлақо қониқарсиз бажарилганлигидан асаби бузилиб нафратини боса олмай уқувсиз актёрни айблаши.

Файзулла ночор бир кайфиятда режиссёрга ёлворарди:

-Асабийлашма, азизим, асабийлашма. Бироз сабр қилгин, ҳозир айтаман. Ҳайронман, менга бугун нима бўлди-я, ҳеч ўзимга келолмаяпман.

Файзулланинг ночорликдан чора излаши, топа олмай ўзини оқлашга уриниши.

Режиссёр рассомга ўгирилиб шивирлади:

-Худди бошқа кунлари қотириб ўйнайдигандек гапиради.

-Бўлдимми? деб сўради Файзулла.

Режиссёр жавоб бермади, фақат калласини қимирлатиб қўйди.

Файзулланинг актёрлик лаёқатидан норозилигини билдириши.

-Бу кеча! Бу Кўкча! Бу кўча! деди-да режиссёрга боқди Файзулла. Режиссёрнинг юзида ҳеч бир ифода йўқ эди. У саҳна чеккасига маъносиз термулганича нигоҳини бир нуқтадан узмасди. Гўё қотиб қолгандай ҳеч нарсани кўрмас, ҳеч нарсани эшитмасди. Файзулла сўзларни чўзиб, бошқа оҳангда гапирди:

-Бу кеча... Бу кўкча... Бу кўча.

Файзулланинг бор имконияти билан янада зўр бериб режиссёр талаби даражасида айтишга уриниши.

Режиссёр илон чаққандай ўрнидан ирғиб турди:

-Ҳей инсон, биродар, ҳамшаҳар, мусулмон, армани, мўлтони! Одам боласимисан ўзи! Эй сени... дея бирдан кафти билан оғзини беркитиб ўтириб қолди

Режиссёрнинг норозилиги, жон-жаҳди билан актёрни айблаши.

Иккинчи воқеа: Актёр Кабирлинский Файзулланинг самарасиз уринишлари, аммо “Бу кеча, бу кўча, бу кўкча” сўзи талаффузи режиссёр Сиёвушни мутлақо қониктирмаётгани. Норозилиги, нафрати ва камситиб қаттиқ ҳақоратдан тийилишга асаби етмаётгани.

Ҳамма актёрлар унинг бу қилигини яхши билишарди. Жаҳли чиқиб асабийлашганида ҳақоратловчи сўз айтиб юбормаслиги учун у шундай қиларди. Рассом унинг елкасига қўлини қўйди:

-Сиёвуш, ҳой Сиёвуш..., ўзингни бос...

Рассомнинг вазиятни юмшатишга, актрёни ҳимоя қилишга уриниши.

Режиссёр жаҳл билан «Бодомли» сувини олиб шишасидан ича бошлади. Кейин бироз ҳовуридан тушиб рассомга юзланди:

Кўряпсанку, кўряпсан-ку менинг аҳволимни?! Яна сен Брехт, Мейрхолод дейсан! Ахир ўзинг ўйла, мана шу маҳлуқ билан Брехт асарини қўйиб бўладими? Эрталабдан бери уч оғиз сўзни одамдай айттиролмаيمان кўряпсан-ку! Мен ахмоқ бўлсам, мана шу Файзулла Кабирлинскийга

ўхшаганлар билан буюк санъат яратаман деб юрибман-а! Асабий равишда титраётган қўллари билан сигарет олиб тутатди.

Режиссернинг бу нохуш ҳолат, вазиятга ечим топиши учун чора излаши.

Режиссёр жаҳл билан босиб-босиб тортди, сўнг Файзуллага қараб деди:

-Ҳой инсон, билиб қўй, сендан яхши этикдўз, чойхоначи, ошпаз чиқади. Яна билмадим нима ҳунар қолди. Айтайлик, ҳаммомчи, мурдашов чиқиши мумкиндир, лекин икки дунёдаям сендан актёр чиқмайди! Эй мусулмонлар, икки қулогингиз билан яхшилаб эшитиб олинглар! Санъат бу! Эшитдингларми! Санъ-а-а-т! Ижод! Яратиш! Ҳа, яратиш – бу ижод! Бу санъат! Ҳиссиёт, ҳарорат керак бу ерда! Лекин ўттиз олтию-олти ҳарорат билан санъат яратиб бўлмайди. Аввало ўзинг қийналишинг, ёнишинг, яратишинг ижод қилишинг керак! Тани-жонинг, вужудинг билан ёнишинг, қовирилишинг, қайнаб тоишинг лозим. Қуруқ овозга зўр берганинг билан санъат яратолмайсан, эй инсон! Қуруқ қичқириқ билан образ яратиб бўлмайди. Овознинг ўткир бўлса мачитга бор, азон айт! Лекин актёрлик қилма! Тушундингми? Эшитдингми, эй биродари азиз! Муаззин бўл!

Режиссёрнинг актёрнинг ижодидан мутлақо қоникмаслигини билдириб актёрнинг нуқсонларини очиб ташлаши, фош қилиши, актёрнинг юрагини чилпарчин қилиб қирқ йиллик меҳнати кулини кўкка совириши.

Файзулла сахнада лом-мим деёлмай қотиб қолганди. Уятдан, хижолатдан чўғдай қизариб кетганди, унинг юзидан тер қуйиларди. Қирқ йилдан бери сахнада у, шу йиллар давомида қанча-қанча режиссёрлардан, актёрлардан не-не таъналар, ҳақоратлар эшитмади, аммо уларнинг ҳеч-қайсиси мана бу режиссёрдай – Сиёвушдай ҳақорат қилмаган эди! Улардан биронтаси муаззин, мурдашов, азон, мачит деган сўзларни тилга олмаганди. Театрда ҳамма: Сиёвуш ҳам, Алиакром ҳам, Файзулла руҳоний оиласидан эканини, отаси муфти бўлганини билишади. Бунга эҳтимол ана шу ёш расом эшитмагандир, чунки у театрда яқиндагина келган.

Учинчи воқеа. Файзулла ўзининг 40 йиллик ижодий йўлини сарҳисоб қилиб, умрининг самарасиз, беҳуда ўтганлигини ич-ичдан алам ва изтироб билан эслаши.

Рассом тичирлади

-Эй Сиёвуш, ўзингни қўлга олсангчи, бечорани бунча қийнаб нима қиласан? Пичоқсиз бўғизладинг-ку, шўрликни қўлидан келгани шу бўлса нима қилсин.

Рассомнинг яна вазиятга ечим топишга уриниши.

-Хўш, мен ахмоқ нима қилай бўлмаса? – қарғаб кетди Сиёвуш. Менинг нима гуноҳим борки, умримни манави галварслар билан тортишиб хазон қилсам?! Хўш, айбим нима? Мана бу зот икки сўзни бир-бирига қовуштириб гапира олмайди-ю, яна саҳнага чиқиб олади, ақл ўргатади!

Режиссёр зиммасидаги катта ижодий юк актёрлар томонидан ҳам кўтарилиши зарурлигини билдириши.

Рассом унинг сўзини бўлди:

-Айб бўлади, Сиёвуш, сал ҳурмат керак, отанг тенги одам-а.

Рассомнинг кекса актёрга ачиниб, режиссёрни одабийликка инсофга чақириши.

-Отанг тенги – ижирганди режиссёр – менинг отам алақачон нариги дунёга равона бўлган. Мана бу жонли тош эса мени ҳам, сени ҳам тамом қилади. Хафа бўлма, булар юз йил яшайди. Нега энди яшамасин? Нима дарди, қандай гами бор бунинг? Унга минг бақир, минг ҳақорат қил, қичқир, ўзингни-ўзинг еб адо қил парвойи палак, бошини эгиб молдай бақрайиб тураверади. Эҳтимол, ичида менинг устимдан кулиши ҳам мумкин, анави ахмоқни қара, арзимаган нарсага бўғилиб, асабни бузиб, жиннидай қичқиряпти деб, қарагинда унга, пинагини бузмайди. Ахир бундай аҳволда қанақа театр, қанақа санъат ҳақида қайгуриш мумкин?! Бу ҳақда сўз ҳам бўлиши мумкин эмас!

Режиссёрнинг Сиёвушга ўхшаган актёрларнинг умр бўйи саҳнада бор йўғи уч оғиз сўз айтиб, маошини олиб уйига бепарво жўнайдиган, яна қанча умр кўрса, худди шундай яшайдиган, бирон-бир ўзгариш

бўлмайдиган актёрларнинг тинч, ўзгаришсиз ҳаётига норозилик билдириши, айблаши, санъатдаги ношуд актёрларни айблаб ўзининг ҳақ эканлигини исбот қилиши.

Қирқ йилдан буён саҳнада бор-йўғи уч оғиз сўз айтади-да, маошини олиб уйига бепарво жўнайди. Яна қирқ йил умр кўрса, худди шундай яшайди. Бирон-бир ўзгариш бўлмайди. Биз ахлоқлар эса қаёқдаги санъат, янгилик, тараққиёт деган бемаъни гаплар билан бошимизни оғритиб, лақиллаб юрамиз! Буларнинг ҳаммаси кимга керак ахир, зайнал?! Йўқ, йўқ, ҳаммаси бекорчи гаплар. Аслида, дунё мана шуларники, Файзаллага ўхшаганларники, яшашни, давр суришни мана шуларга чиқарган!

Режиссёр юрагини бўшашиб, сал енгил тортди, сигарет тутатди, бир-икки босиб-босиб тутатди-да саҳнага қаради. Файзулла мункайганича, ҳайкалдек қотиб турарди. У режиссёрларга шундай итоаткорона кўзлари мўлтираб жовдираб қараб турарди.!.⁶

Актёрлик санъатида сўз хатти-ҳаракати ва бадиий сўз уйғунлигига эришишда бундай матнларнинг танланиши ва ишланиши бир-бирини тўлдириб, мустаҳкамлаб, пировард натижада жонли сўз таъсирчанлигига эришишда, ижрочини чуқур фикрлашга, яъни инсоннинг қалби, фикр-туйғулари, дунёқараши бутунлай ўзгариб, оқибати фожеага олиб келувчи хатардан асрашга, огоҳ бўлишга, унга йўл қўймасликка чақиради. Асарда характер ва мақсадларнинг аниқлиги, таъсирчанлиги, мазмуни ва мавзуси ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Саҳнавий нутқ, сўз хатти-ҳаракати, нутқий характерлар яратиш, бадиий сўз маҳорати устида ишлаш кўп ва изчил ижодий изланишларни, кунт, ирода, асаб, куч-қувват, вақтни талаб қиладиган жараёндир. Асар мавзуси актёр ва режиссёрдан сўз устида ишлашнинг жуда чуқур ва кўп қиррали изланишларни талаб қилади. Қилинган саъй-ҳаракатлар кутилган натижа бермаслиги ҳам мумкин. Афсуски, ҳамма театрларда ҳам режиссёрларимиз сўзга нисбатан ҳассос

⁶ Жаҳон адабиёти. 2000 йил 7-сон. 7–9-бетлар

муносабатда бўлавермайдилар. Таҳлил жараёнида талаблар тасаввурини бойитиш учун қатор ўхшаш воқеалар, тафсилотлар ёки турли вазиятлар, берилган шарт-шароитлар, вазифалар, бадий тўқималар орқали ижрочининг воқеага бўлган эътибори мустаҳкамланиб бораверади. Бу жараён дарсларда бойитилиб талабанинг табиати – органикаси кўтарганича сингдириб борилади. Бунга онгли, фикрли, мақсадли ёндашиш, ижронинг умрбоқийлиги ва мустаҳкамлигини таъминлайди. Шу боисдан ҳам асар атрофида изчил мустақил иш ва изланишлар олиб бориш зарур. Биз адабий матн билан ишлашда ижрочининг фикри, мақсади, муносабати, қизиқишларини уйғотиб, фаоллаштириб, дили ва тилини топиб, педагогик маҳорат ва тажрибамизни мустаҳкамлаб боришимиз талаб қилинади. Нутқ техникаси ва мантиқ сўз билан ишлашнинг ҳамма жараёнларида ҳам ёш ижрочида фикр ва жонли сўзнинг таъсирчан, бетакрор бўлишини таъминлашда меҳр уйғотиб боради. Уларнинг сўзни энг ноёб, бебаҳо ижод манбаси эканлигини бутун вужуди, онги ва қалби билан ҳис этишини шакллантиришимиз ва мустаҳкамлашимиз керак. Биз бу вазифаларга бадий мукамал адабий матнлар топиш ва ўзимиз ҳам яратиш орқали эришамиз. Оғзаки ва ёзма нутқнинг сайқалланиши уни бир-биридан узмай такомиллаштириб бориш билан мустаҳкамланади. Биз фикрлаш доирамизни кенгайтириб илмий мушоҳадага, илмий мақолалар яратишга масъулмиз. Хўш, нима учун бадий мушоҳадага, бадий ижодга эътиборсизлик қилишимиз керак? Бу ахир ўзимиз ўтирган шохни кесишга ўхшаб қолмайдими? Сўзга меҳри, чанқоқлиги бўлмаган ижодкор қандай қилиб ижод машаққати юкини ҳис қилмасдан ва сўз орқали ўз томошабинлари ишончи, ҳайратини забт этиши мумкин? Сўзга ҳассослик, сўзнинг қадр-қимматини билмай, изчил ўрганмай, жонли сўзни ҳис қилмасдан ўз томошабинларига ҳис эттириш мантиққа мутлақо зидлигини англаш қийин эмаску! Фикр ва фикрий қувват, фикрий жасорат, мустақил ва эркин фикрлашга эга бўлиш ноёб фазилатдир. Фикр ва фикрий қувват ҳар қандай шахснинг борлиқ ва ундаги нарса ва ҳодисалар, шарт-шароитлар оқимидаги энг муҳим жиҳатларидир. Муайян тушунчалар, тасаввур ва

мушоҳадалар инъикоси, англаш ва англантишга бўлган фаол ички ҳаракатидир. “Бугун дунёда ҳаёт ва Яратган ҳақидаги тасаввур ва хайратимиз ҳам ўзгарипти. Эртага эса янада кескинлашади. Биз ўзлигимиздан йироқлашган сайин маданиятсизлашиб бораверамиз. Бу ўзликда эса Одам Атодан тортиб бугунгача бўлган аجدодларимиз тажрибаси, ҳиссиёт ва анъаналари, қалби жамланган. Ўзликдан чекинган сайин ана шу қалбдан чекиниб борамиз. Мадомики, ўзимиз фойдаланаётган нарсани ўзимиз яратмас эканмиз маданиятли бўла олмаймиз, истеъмомчи даражасида қолаверамиз. Маданият, моддийлик ва маънавиятнинг уйғунлашуви – қалб ва дид, ақл ва идрокнинг эркинлиги, озодлигидир. Қарамлик бор жойда уйғунлик бўлмайди. Уйғунлик йўқ жойда эса маданият бўлмайди. Ўзлик эса биздан ҳар бир нарсага теран идрок ва ақл билан ёндашишни, ҳеч қачон фикр қилишдан тўхтамасликни, ҳар доим ҳар қандай мавзуда фикримиз бўлишини талаб қилади. Фикр одамнинг ботиний қиёфасидир. Фикр одамнинг ўзлигини ўзига ҳослигини билдириб, мавжудлигини кўрсатиб туради. Фикр йўқ жойда жоҳиллик кўпчийди. Фикр – одамнинг бармоқ излари каби бетакрор бўлади. Биз уни муҳит ва яшаш тарзимизга мослаб ифода этамиз, ўша муҳитни янгилашни, ўзгартиришни, оммалаштиришни истаймиз. Йўқ, фикрни оммалаштириб бўлмайди. Фикр – тараққиёт мезони, у тўхтаган ва ҳамма бир хил фикрлаб қолган жойда тараққиёт ҳам тўхтади, фақат “тараққий этияпмиз” деган алдамчи тасаввур қолади ҳолос.” дейди Назар Эшонкул “Маданият нима, маданиятсизликчи” мақоласида.⁷

Демак, талабалар эртанги кунимизда етук ижодкор даражасига эришиб, халқимизга ўз ижод намуналарини намоён қилаётган жараёнларда сўз санъатининг ҳамма нозик ва ноёб талабаларини асраб, мустаҳкамлаб, сўзнинг бадийлик қимматини асрай олиши зарур. Муҳаммаджон Холбеков шундай ёзади: “Қизиғи шундаки, олимлар қолиб дастлаб адабиёт ва санъат аҳли инсон дунёқарашидаги туб ўзгаришларни пайқай билди ва бун

⁷ Назар Эшонкул. Маданият нима, маданиятсизликчи. “Тафаккур” журнали 2010 йил 1-сон 32–33-бетлар

кейинчалик ижодда акс эттирди. Ушбу интиутив кашфиёт аввал адабиёт ва санъатда, кейинчалик эса илм-фан ва ижтимоий ҳаётда ўз аксини топди.”⁸ Шу ўринда унинг бугунги кундаги адабиёт ва санъатда йўналиш сифатида шаклланаётган “модернизм” ҳақидаги фикрлари эътиборлидир. “Модернизм умумий дунёқарашга эга бўлган адабиёт ва санъат йўналишлари мажмуидир. Унда анъанавий бадиий образлар бутунлай бошқача талқин қилина бошланди.

Модернчилар ўзлари яшаётган жамиятнинг ибтидоий бетартиблиги, чалкаш ва маънисизлиги, замон талотўплари онгдаги ўй-фикрларининг айқаш-уйқашлиги инсонда ёлғизлик ҳисси ортишига олиб келди, деб ҳисоблай бошлади. Сабаби – тажовузкорлик ва адоват руҳи билан тўлиб-тошган воқелик шахсни мағлуб бўлмасликка, ҳамма вақт ғолиб чиқишга ундайди. Модерн бадиий услуб сифатида инсонни ўраб турган муҳитни безаб кўрсатишга ҳаракат қилди; ҳаётий жараёнларни ҳатто арзимас икир-чикирларигача томошабоп спектаклга айлантиришга, ранг-баранг безагу зийнатга буркашга интилди”⁹.

Сўз санъатининг ҳаётий таъсирчанлигини, бадиий қимматини мустаҳкамлаш ва мукаммаллаштиришда монологлар устида ишлашнинг ҳам аҳамияти катта.

А.П.Чехов “Санъат инсонга қанот бахш этиб, узоқ-узоқларга олиб кетади, бўғзигача босиб ётган фиску-фужуру, умрини беаёв кемираётган майда манфаатлардан тўйиб кетган инсон санъатдангина ҳаловат ва завқ топа олади” деган эди.

Таниқли режиссёр, профессор А.З Қобулов билан бўлган суҳбатда у куюнчаклик билан “Сироно Де Бержерак” монологи актёрлик ва режиссёрлик таълим йўналишларининг ҳар бир талабаси учун албатта ўтиладиган, ижро этиладиган маҳорат мактаби дастури сифатида татбиқ қилиниши керак”, деган эди. Асар қаҳрамонининг ёрқин характери, ўткир

⁸ Муҳаммаджон Холбеков “Тафаккур” журнали 2010 йил 3 сон.

⁹ Муҳаммаджон Холбеков “Тафаккур.”2010 й 3 сон 77 б.

кесатикларлар билан юкинган сўзидаги шиддати, қудрати, аниқ фикри, мақсади, кучли иродага эга сиймоси ижрочининг ёрқин ва изчил изланишлари фаол ишлашга асосий омиллардан бири бўла олади.

Эдмон Ростан

Сирано Де Бержерак

Сирано монологи: Ҳа, товуқ бурун ўлим!

Ижрочи тасаввури қудрати ва инсоний туйғу билан, ўлим шарпаси билан юзма-юз бўла олиш ва у билан курашиш

Тикиласан бурнимга муддаонг мазахми?

Ўлим шарпасининг совуқ нафаси билан янада яқинлашиб унинг мақсадини аниқлаш учун ягона ҳимоячисидан мадад олиш учун қиличини кўтаради:

Қиличимга эътиқод!

Мақсадини аниқлаш: Қулоғим сизда?

Эҳтимол машарали,

Даҳмаза қилиқ?

Ўлим билан юзма-юз Ўзим ҳам тан оламан,

ҳолатда ўзига куч ва Ўлим билан минг чираниб жангга киришиш

ирода жамлаш. Бесамар, бефойда беадад ташвиш.

Кўз ўнгимда тубсиз уммон бўлар намоён.

Орият ва ғурурини Аммо қўлингда турса-ю ғолиблик тожи,

асрашга аҳд қилиш: Ғанимга бўйин эгиш,

Қўрқоқларча чекиниш

Энг номақбул иш.

Рақиб кучини билиш: Сиз эса олдимда юлдузларча шарпа

Эҳтимол мингларча тош метин девор?

Ҳа, ҳаммангизни билдим!

Иллатларни фош қилиш: Эски рақиблар! Сиз, ёлғон, сиз бўҳтон,

Сиз жирканч илон.

Қиличи билан ҳавони кесади.

Сиз маккор иллат!

Ҳаёт мамот кураши: Сен, тубанлик! Мана сенга!

Ҳа ғийбат илонлари!

Мана бу сенга, улушингни ол!

Яна ҳавога кескин қилич уради.

Тенгсиз жангда мағлуб Сизга таслим бўламанми? Ҳеч бўлмаган гап.

бўлмаслик учун Нодонлик энг даҳшатли душман, ва ниҳоят сен!

чора қидириш, Биладан бир сизгина иродамини букишга қодир.

кескин жангга Ва биладан кутмоқдадир қоронғу қабр,

куч излаш. Мангу кўрқув таъқиб этар ҳаммани бир-бир.

Тан оладан аста-аста юрагимни эгаллар.

Даҳшатли куч билан ҳавони қиличи билан ҳолдан тойгунча кесади

Бўхтон, ғийбат, изво Ҳа! Ҳаммасини тортиб олдингиз!

фиску-фасод, чиркин Чил-чил бўлди нозик кўнгиллар.

иллатни фош қилиш Гулчамбарлар сизда, сизда атиргул!

сўнгги нафасигача Олинг ҳаммасини, барини олинг,

кескин курашиш Аммо ўзим билан тақдир насиб этган .

Ғурури, ориятини Доғ юкмаган, булғанмаган тоза ва гўзал

асраган ҳолда Ғурури баланд эркимни, севгимни олиб кетаман.

Ёруғ олам билан Бугун оқшомда, ҳа мен танграм олдида

видолашиш. Маҳваш остонада азалий борлигим қилай намоён!

Монолог ижроси жараёнида ижрочи чуқур ва фаол фикр, аниқ мақсад, руҳий ва ташқи ҳаракат уйғунлигида катта маҳорат билан қиличвозлик техникасини қўшиб ижро қилиши керак бўлади. Бу кўп вақт, изланишлар талаб қилинадиган жараён бўлиб, якка машғулотлар жараёнида изчил ўзлаштириб борилади. Агар бунга амал қилинмаса томошабиннинг қалбини уйғотадиган, таъсир қиладиган, ишонтирадиган, тарбиялайдиган тингловчининг фикр-туйғуларига таъсир қила оладиган ижро амалга

ошмайди. Театр санъатида биз актёрлар ижодининг, бадиий сўз маҳорати билан боғлиқ ва алоқадор теран мазмун, таъсирчан ва жонли ифодавий ранг-баранг қатламларини кўрамиз, яъни актёрлик санъатидаги сўзнинг диалог, монолог ижрочилигида, ҳаракатли жараёнларига бевосита алоқадор жонли таъсирчан сўзнинг шаклланишида бир-бирини тўлдирувчи манба эканлигини англаймиз. Таниқли актёрларимизнинг аксариятида “Бадиий сўз” санъатининг катта сермазмун намуналари жамланган ва турли тадбирлар, байрам дастурларида, унинг таъсирчан, ғоявий, тарбиявий ибратидан баҳраманд бўламиз. Монологлар билан ишлаш жараёни актёрлик маҳорати мактабини чуқур, жиддий ва мукаммал ўзлаштириб олингандан сўнг, яъни талабалар турли воқеаларнинг ривожланиш жараёни, турли шарт-шароитлар, кўриш, тасаввурлаш, фикрлаш, баҳолаш, муносабат, олий мақсад, жисмоний ва руҳий ҳаракатни мукаммал ўзлаштирганидан сўнг олинади. Аммо сахна асарларидан айрим монологларнинг олиб ишланиши учун аввало асарни атрофлича ўрганиш, унинг тарихи, воқеалар тасвирланган давр, муҳит, урф-одатлар, муаллиф ва унинг фаолияти каби омиллар ўрганилади. Битта монолог билан ишлаш ҳам талаба ва мураббийдан қунт, сабот, изланиш ва кўп вақт талаб қилади. Монологлар ижросининг талаблар даражасида чиқиши учун ижрочи табиати, ҳиссиёти, фикрлаши ишончи, муносабатининг фаоллиги каби актёрлик маҳоратини мукаммал ўзлаштирган бўлиши керак.

«Сўз ҳамма ижодий жараёнларнинг гултожи» бўлиши ҳаётий ва ижодий ҳақиқат мезони экан, маҳоратда сушт, оқсоқ талабадан сахнавий нутқ маҳоратида самара кутиш ижодий табиатга енгил-елпи, юзаки, асоссиз қараш билан баробар. Қайд этилганидек, биз сахнавий сўзлаш санъатини шакллантириш ва мукаммаллаштириш учун кўшимча изланишлар, тафсилотлар такомиллашиб бориши табиий. Актёрлик, режиссёрлик санъати ва унинг бадиий сўз маҳоратида ҳар бир изланувчи, ижодкор томонидан турлича ёндашишни кузатиш мумкин. Ўзбекистон халқ артисти Малика Иброҳимова таниқли режиссёр Эргаш Масафоевнинг асар таҳлили ва сўз

устида ишлаш жараёнларини шундай эслайди: “Энг мураккабликлар, қарама-қаршилиқлар билан ролларда изланишга йўллаган, қийинчилиқларни ҳис қилишга, фикрлашга ундаган устозим Эргаш Масафоев бўлган. Улар бир сўзнинг устида баъзан бир кун, ҳаттоки бир ой ҳам ишлар эдилар. Биз масалан, сахнага чиқиб “салом,” деймиз. Бу сўзни улар яна ва яна қайтартирганлар. Ҳеч тушунмас эдим, нима нотўғри? Бизларга тушунтирар эди, лекин биз тушуна олмасдик. Йиллар ўтиб тушунганманки, биттагина салом деган сўзда бутун бир оламни ташкил қиладиган маънолар бор экан. Масалан, инсон руҳиятида шундай нарсалар борки, биз бир хонада бошқача гаплашамиз, агар ўша ерда бир гул турса унда ўша гул таъсирида бошқача гаплашамиз. Қаҳрамонингнинг бутун руҳиятига таъсир қилаётган нарсаларни билиб, ўша қаҳрамонни эмас, унинг руҳиятидаги ана шу кечинмаларни чиқишини хоҳлаган эканлар Эргаш ака. Биздан сўзни эмас, қаҳрамоннинг сўзи орқали, ички кечинмалари орқали кўрсатишимизни талаб қилганлар. Раззоқ Ҳамроев, Наби Раҳимов, Ҳамза Умаров, Тўлқин Тожиев, Ёқуб Аҳмедов, Толиб Каримов, Файзулла Аҳмедов, Обид Юнусов, Афзал Рафиқов, Эркин Комилов, Теша Мўминов, Саидкомил Умаров, Муҳаммадали Абдикундузов, Гайбулла Ҳожиев, Маҳмуд Исмоилов, Элёр Носиров, Бехзод Муҳаммадкаримов, Фатҳулла Маъсудов, Зухра Ашурова, Муқаддас Ҳолиқова, Боир Ҳолмирзаев, Элбек Мирзоҳидов каби актёрлик ва бадий сўз санъатида ибратли ижод намояндаларининг ижро маҳорати томошабинлар ва бу соҳага қадам қўяётган ёш ижодкорлар учун катта маҳорат мактабидир.

Нобель мукофоти совриндори Анри Бергсон (1859–1941) эса “Инсон ақлга эмас, ҳиссиётга таянган ҳолда мушоҳада қилсагина ҳодисалар табиатини тушуниши мумкин” деган қарашни илгари суради. Унинг фикрича, оламу одамни билишда, хусусан, бадий ижодни англашда инсоннинг ақл-идрокига эмас, ҳис-туйғуси муҳим деган фикрлари эътиборлидир.

Шоир Асқад Мухтор “ Сўзни қайлик сайлагандек севиб сайла” деган эди. Чунки замон билан ҳамнафас тил зўрликни ёктирмайди. Тил тараққиёти айрим шахсларнинг истаги ё ихтиёри билан эмас, объектив талаблар, тилнинг ички қонунияти тақозоси билан узоқ тарихий даврда юз беради. Тилнинг гўзаллик қондаси мантиқ ва табиийлик, бойлик манбаи халқчиллик” дейди.¹⁰ Шу муборақ қутлуғ заминда ўсиб улғайган, миллатнинг ориятли, кадр-қимматли ҳар бир вакили буни чуқур ҳис этиши ва унга ҳисса қўшиши зарур. Она сутидай мўътабар ўзбек тилимизнинг қудрати ва ҳикматига эришиш, мустаҳкамлаш, уни улғаяётган авлод қалби ва онгига етказиш умримизнинг мазмуни эътиқодимиз белгисидир. Теран фикр туйғуси билан элга манзур бўлаётган таниқли актёрларимиз ҳамда катта ижодий шиддат билан кириб келаётган ёшларимиз гўзал бадий лутф намояндалари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интиломоқдалар. Ер юзида содир бўлаётган оламшумул кашфиётлар, жозибадор ва мураккаб технологиялар, ҳайратомуз космик қурилмалар, тасвирга олиш ва узатиш мосламалари, дунёнинг ҳар бир нуқтасини қамраб олиб, инсониятга чексиз имкониятларни очиб берганлиги бадий сўз маҳоратимизда ҳам акс этишини ёдда тутишимиз лозим. Мустақил улуғвор йўлимизнинг таянчи бўлган миллий ғояларимиз тобора ҳаётимизда чуқур ўрин олиб, равшан акс этаётгани тилимизга, сўз санъатимизга янада қамровли вазифаларни юклайди. Сўзимизнинг тарбиявий таъсирчанлик аҳамияти, ўрни, вазифаларига турли эътирофлар баробарида айрим эътиборсиз, кўнгилни тирнайдиган ҳолатлар туфайли тилимизнинг софлиги, адабий аслий қиммати, таъсирчанлигига путур етаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Магистранларимиз ўзидаги адабий талаффуз меъёрларини доимий мустаҳкамлаган ҳолда бадий сўз маҳоратини бойитиб,

4. К.Исаханова Сахнага содиқ санъаткор. “ Қалдирғоч” 03. 2012.

⁵ А.Мухтор. Ёш дўстларимга.Т.: Ёш гвардия, 1980,123-б

такомиллаштириб адабий тилимизнинг гўзаллиги, бойлиги ва ривожига ҳисса қўшмоқлиги замон талабидир.

Ўзимиз ўзлигимизнинг, миллатимизнинг теран фикри-мушоҳадаси, калби, ифодавий садоси бўлган сўз санъатимизда, адабий тилимиз доирасидаги доимий эътироз ва эътирофларда катта мантиқ, фикр ва дард борлигидан кўз юмиш мумкин эмас.

Сўз санъати инсоний истеъдод, фазилат, маҳорат, нафосат, жасорат, шижоат сарчашмаларининг дуру гавҳари эканлиги – ҳаёт ҳақиқати. Биз бугунги ва эртанги кунимизда ҳар қандай мураккаб муаммоларни, чигал масалаларни оқилона фикр ва қалб уйғунлигида ифодаланган таъсирчан сўз қудрати ва ҳикмати орқали ечим топиш мумкинлигига ишонамиз. Санъат таълимида нутқимизнинг чексиз ифодавий таъсирчанлик имкониятларини мудом мустаҳкамлаб мукаммаллаштириб бориш орқали, яъни замон билан ҳамоҳанг, ҳамнафас, ҳамфикр бўлишда муҳим омиллардан бири бўлган тафаккур ва тилнинг эзгулиги, ҳаётбахшлигига янада чуқур эътибор қаратишга интиламиз.

Бадий сўз санъатининг инсон калбини руҳлантирувчи, ишонтирувчи, улғайтирувчи руҳий қувват, куч, ишонч берувчи кучидан кенг фойдаланишни мақсад қилиб қўямиз. Нутқнинг таъсирчанлик тамойиллари, мафкуравий, ғоявий, тарбиявий аҳамияти, ўрни ва вазифалари замон ва замонавийлик ақидалари билан чамбарчас боғланади. Эртанги кунимизнинг масъулиятли юкини кўтара оладиган ижодкор: актёр ва режиссёрлар, сўз усталари нотиклар, сухандонлар тарбияси зиммамиздаги бурч ва вазифаларнинг энг салмоқлисидир. Нутқимиз ва бадий сўзнинг замон билан ҳамнафас бўлишидаги муҳим омиллардан бири – тилнинг таъсирчанлик имкониятларини доимо такомиллаштириб бориш: аниқ, равон, бурро, жарангдор сўз ҳамда фикрлаш эркинлиги ва гўзаллигини шакллантириб, уни янада ривожлантиришдир. Фикр ва фикрий қувват, фикрий жасорат ҳар бир шахснинг ўзига хос мустақил ва эркин фикри инсоният томонидан доимо

кадрланиб келинаётган фазилатдир. Сўзнинг инсониятни бирлаштирувчи, уни тараққиётга, комилликка, юксакликка чорловчи, руҳлантирувчи, етакловчи табиати, кудрати ва ҳикмати ҳақида фикрлашдан ҳеч қачон тўхтамаслик лозим. Илмий, маънавий-маърифий анжуманларда тилимиз ҳақида билдирилган соҳир фикрлар, унинг мукамаллигини мустаҳкамлаш мақсадида адабий тилимиз хазинасини асрашга, бойитишга қаратилган оқилона ва одилона муносабат миллий истиклол мафкурамизнинг тобора равшан акс эттираётган тилимизга, сўз санъатимизга янада камровли вазифаларни юклайди. Соф адабий тилимизга ҳурмат-эътибор, меҳр кўрсатиб, уни ёш авлоднинг қалбига сингдириш, тилимизнинг софлиги учун заҳмат чекаётган, уни бўлғуси актёрлар, режиссёрлар, нотиклар, бошловчилар тарбиясига чуқур сингдираётган мутахассисларимиз бор.

Қарши, Самарқанд ва Тошкентда санъат ва маданият йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларининг битирувчилари томонидан тайёрланган ва ўтказиладиган танловда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида сахналаштирилган спектаклларнинг сахна нутқи алоҳида эътибор ва таҳсинга сазовор бўлди. Она тилимизнинг софлиги ва гўзаллиги, мукамаллиги учун курашаётган “Сахна нутқи” фани мутахассисларининг ақлий салоҳияти намоён бўлди. Эришилаётган натижалар умидбахш, улар адабий ўзбек тилимизнинг ибратли намуналари йўлида узоқ ва изчил иш олиб борилаётганидан далолатдир. Аммо айрим ғализ, нуқсонли ва турли шеваларда талқин қилиниб, ҳар хил кўнгилсизликларга сабаб бўлаётган ишлар ҳам бор. Сахнадан, экрандан сўз айтишга эришган ҳар бир ижодкор тилимизнинг софлиги, равонлиги, таъсирчанлигини асрашга мажбурдир. Айни пайтда сўзнинг софлиги, бадий тўлақонлиги учун режиссёр масъул. Бу унинг профессионал бурчи ва вазифасидир. Соф адабий тил меъёрларига эришиб, уни ибратли ва намунали даражада муомалага айлантириш вазифалари доимий эътиборда бўлиши керак. Тилимизда жаҳон ва мамлакатимизда содир бўлаётган жараёнларни: маънавий-маърифий, маданий турмушимизнинг минг бир

тарзини ифодалар эканмиз, шак-шубҳасиз уни мукамал тарзда қалбимиз ва онгимизга сингишини истаймиз. Сўздаги мазмун, ғоя, ички ҳаракат, мазмун-моҳият, аслида, ижрочи, муҳаррир ва режиссёрнинг зехнига, эътиборига боғлиқлигини унутмаслигимиз зарур. **Миллий ўзлигимизнинг энг ноёб белгиларидан бири бўлган соф адабий тилимиз кўзимизнинг гавҳаридай асралиши лозим. Адабий тилимизнинг нурли манзаралари, тарбиявий қудрати, миллий маданиятимиз, маънавиятимиз юксалишида гивазифаларнинг улуғворлигини англаш, асраш, ҳаётга татбиқ қилиш – инсоний бурч ва садоқатимизнинг белгиларидан биридир.**

Саҳна ва экранда салмоқли тажрибага эришган, халқимизнинг том маънода ҳурматини, меҳрини қозонган, ўйнаган ҳар бир роли илиқ кутиб олинадиган актёрларимиз нутқидаги биров чапани, биров эркин ва шевага хос иборалар талабалар, томошабинлар томонидан «эх, эссиз шундай актёр шундай гапириб юборди» - деган кўнгилсиз таъналарига сабаб бўлади. Сўз санъати соф адабий талаффузимизнинг тўғри ва бетакрор ифодаси билан мустаҳкамлангандагина ибрат ва қудрат тимсолига айланади. Театрларимизда саҳналаштирилаётган ҳар бир асар муҳокамасида таниқли театршунослар, драматург ва адиблар, режиссёрлар, актёрлар, томошабинлар, мутахассислар, саҳнавий нутқнинг адабий тил меъёрларига қанчалар амал қилинаётгани, хусусида тегишли фикр-муносабатларини билдирадилар. Аммо кўп минг сонли кино, телевидение томошабинларига, радио эшитувчиларга тақдим қилинаётган она тилимизнинг ўзига хос нафосати, бутунлиги, ҳарорати ва шакл-шамойили, тоти-ифори, мағз-мазмунини мустаҳкамлашга эътибор берилмаяпти. Жаҳоннинг бой, латиф ва гўзал тилларидан бири сифатидаги ўзбекча ифодани ўзлаштириш ва тақдим қилишга эришиш мазкур кўрсатувга ёки эшиттиришга масъул режиссёр, ижрочи актёр ёки бошловчи ҳамда унга масъул муҳаррирнинг профессионал бурчи, вазифасидир. Шу муборак қутлуғ заминга киндик қони тўкилган, ўсиб-улғайган миллатнинг ориятли, кадр-қимматли ҳар бир вакили бунини чуқур ҳис этиши ва унга ҳисса қўшиши энг оддий саъй-

ҳаракатларимиздан бири бўлиши керак. Такдим қилинаётган мулоҳазалар турли изланишлар, ёндашишлар таълимнинг ноанъанавий усуллари, интерфаол янги педагогик технологиялар, инновацион ҳамкорлик орқали эришилади, деб биламиз.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида янада улуғвор вазифалар белгиланганки, бу аввало давлатимиз раҳбарининг миллий маданиятимиз ва санъатимиз олдида қўйган руҳлантирувчи теран мақсад ва вазифалари билан боғлиқ. Ижодкор шахс келажак авлод актёрлари, режиссёрлар ва сўз усталарини тарбиялаш – давр талаби. Бунга ҳисса қўшиш ҳар бир профессор-ўқитувчининг ҳаёт тарзи, асосий фаолият мезони бўлиши лозим. Халқимизнинг ўзига хос бетакрор анъаналари, бой маданий-маънавий мероси, қадриятлари, тарихи, маънавий хазинаси бадий сўзда ифодаланиши учун катта имкониятлар мавжуд.

Сўз – буюк тараққиётлар оқидамида юксалаётган инсоннинг мақсади, маслағи, хоҳиш-иродаси, ҳулқ-атвори, хатти-ҳаракати, ўз ўрнида борлиқнинг минг бир турланувчи оқидамида ўзини-ўзлигини англаниши ҳислату-фазилатларнинг сарчашмаси бўлиб қолаверади. Инсондаги энг ботиний хусусиятларнинг ички олами, борлиқни ҳис қилиши, тасаввурларининг теран ва чексизлиги, ҳаётбахшлиги жонли сўзга айлансагина, дунёни гўзаллик ва улуғворликка ошно этади. Сўз, шак-шубҳасиз, илоҳий, мўъжизакор, қудратли яратувчи ёки вайрон қилувчи, юксалтирувчи ёки тубанлаштирувчи, улуғловчи ёки мағлуб қилувчи ҳамма вазифаларга қодир воситадир.

Кундалик оддий мулоқот ҳар бир инсон, ҳар бир касб, илм, ижод, соҳибининг энг бирламчи мақсади, хатти-ҳаракатига айланиши зарур.

Турли тоифа, илм-фан, санъат ва маданият намояндалари асримизни “фанлар тараққиёти асри, “глобал юксалишлар асри”, маданият асри”, “космос асри” каби атамалар билан номламоқдалар. Ўз ўрнида сўз ўзининг қудратли беқиёс вазифасини намоён қилиб, инсониятга энг беминнат, бетакрор ифода воситаси бўлиб қолаверади. Жонли сўзнинг ранг-баранг таъсирчанлик хусусиятларини кундалик фаолиятимизу ижод ва ижро

имкониятларимизга татбиқ қилишимиз қанчалар асосли ва ўринли бўлса, комил инсонни миллий ғоя руҳида камол топтиришга эриша оламиз.

“Бадий сўз” санъатининг вазифаларига истеъдод ва меҳр билан ёндашиш йўллари излаймиз. Сўз санъатининг ижро жараёнларини ўзлаштириб, жамлаб боришимиз зарур бўлади. Тасвирда акс этган ҳар бир шахснинг вужуди, пластикаси, тасаввури, унинг ҳаракат эркинлиги мужассамлашган турли машқлар мультмедия имкониятлари билан кўрсатилганда талабаларнинг машқ қоидаларини эслаб қолиши осонлашади. Аммо, буни мукамал ижро даражасига айлантириш учун педагог билан биргаликда тренинг ўтказиши керак бўлади. Айрим ижодкор мутахассисларда баъзан учрайдиган айрим товушлар талаффузидаги нуқсонлар театр, кино-телевидение, радио, эстрадада соф адабий талаффуз меъёрларидаги ифодавий гўзалликка путур етказаётгани эътирозларга сабаб бўлмоқда. Сўзнинг кучи ва юкини тушунча ва туйғуларимизга сингдириш ижодкор актёр ва режиссёр, нотик ва бадий сўз устаси сифатида, нутқий техник имкониятларимиз, жонли сўзда ўзимизга хос ва мос сўзлашиш иқтидорига эга бўлишга чорлайди. Фикр ва туйғуларимиз, мақсаду маслагимиз тилмочи бўлган сўзнинг мўъжизалар яратишга қодир табиати ва хусусиятини чуқур англаш мақсадга мувофиқдир. Зеро Сўзга хассос зукколик, синчков зеҳн билан ёндашмасдан унинг пурвиқор қудратидан баҳраманд бўлишга, баҳраманд қилишга йўл борми? Ижодий маънавий-маърифий фаолияти доно сўз билан боғлиқ ҳар бир комил шахс, мўътабар инсон, етук мутахассис буни чуқур тушунса, амалий ифода қодир ва моҳир бўлса, улар ҳаёт ва тараққиёт тарзининг фаол етакчиларидан бўлар эди деб ўйлаймиз. Матн Сўздай илоҳий сарчашмамизни гўё қоидалар мажмуаси сифатида ҳис этишга, ўз ўрнида ҳис эттиришга қаратилган. Эҳтимол сўзга юкламоқчи бўлаётган ташбеҳларимизда мантиққа зид, муболаға монанд хусусиятлар сезилар, аммо бугунги кун тараққиёт таомилларидаги серқирра мураккаб жараёнларда инсоният фаолиятининг ҳар бир заррасида ақл, идрок,

фикр, муносабат ва унинг энг асосий ифодавий воситаси сўз эканлиги шубҳасиздир.

Таянч иборалар:

Сўзга ҳассос зукколик, илоҳий сарчашма, талаффуз меъёрлари, глобал юксалишлар асри, фазилатлар, мўъжизакор ботиний хусусиятлар, ориятли миллат, қутлуғ замин, профессионал бурч, сўзлашиш иқтидори, ҳамнафас, ҳамфикр.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Актёрлик санъатида сўз хатти ҳаракати ва бадиий сўз.
2. Бадиий сўзда тасаввур ва ижодий фантазия, ички нигоҳ, эмоционал хотира, муносабат фаоллигини такомиллаштирувчи омиллар.
3. Саҳнада ижодий муҳит яратишнинг давр билан уйғунлиги ва бадиий сўздаги ифодаси.
4. Ижро маҳорати мукамаллиги таҳлил ва талқинда: муаллиф ва ижрочи актёр ижодий жараёнларининг боғлиқлиги.
5. Маънавий баркамол инсон бўлиб тарбияланиш омилида бадиий сўз маҳоратининг роли.



М.Карим. “Ой тутилган тунда” драмасидан лавҳа. “Оқ йигит” – Э.Ҳакимов,
“Танга бека” – М.Орифхўжаева, “Девона” – И.Жуманов, “Эшмирза” –
И.Ибрагимова.



“Нутқ техникаси” амалий машғулотларининг интерфаол кўриниши

2.2. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати тарихидан лавҳалар

Нотиқлик санъати эрамиздан аввалги аср бошларида Юнонистонда шакллана бошлади. Юнонистонда демократия тузумининг ўрнатилиши натижасида давлат ишларида: халқ мажлисларида, сенат кенгашларида, суд ишларида ва йиғилишларда республиканинг ҳар бир озод кишиси эркин нутқ сўзлаш ҳуқуқига эга бўлган. Қадимги юнонлар нутқнинг чиройли бўлиши учунгина эмас, унинг мазмундор бўлиши учун ҳам ҳаракат қилганлар. Шунинг учун ҳам махсус нотиқлик мактаблари очилган, уларда нотиқлик санъати назариясини ўргатувчи риторика фани ўқитилган. Нотиқлар томонидан яратилган нутқ матнлари насрий ва поэтик ижод намунаси ҳисобланган. Ўтмиш шарқ нотиқлиги санъати ҳам ҳам ўзининг воизлик, бадиҳагўйлик, ваъзхонлик, қироатхонлик йўналишларида ибратли меросга

эга. Абу Райхон Беруний, Форобий, Абу Али Ибн Сино, Махмуд Қошғарий, Замахшарийларнинг нотиклик санъатига қўшган ҳиссаларини ўрганишимиз нотиклик, воизлик санъатининг шарқона мазмун-моҳияти ҳақидаги назарий билимларимизни янада бойитади. Ўзбек классик адабий нутқининг шаклланишида Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Умар Хайём, Форобий каби аломаларнинг таълимоти беназирдир. Европа ва жаҳон нотиклик санъати тарихининг шаклланиши ва тараққиётида Аристотель, Цицерон, Демосфенларнинг қўшган улкан ҳиссалари қанчалар қимматга эга бўлган бўлса, Шарқ нотиклигининг ривожланишида Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий, Бехбудий, Чўлпон, А.Қодирий, А.Фитрат, А.Авлоний каби алломаларнинг ижоди ҳам назарий ва амалий қимматга эга.

Аристотель (384 - 322)

Ўрта Осиёда Арасту номи билан машҳур бўлган Аристотель эрамиздан аввалги 384-йили Македония ярим оролидаги Халкидикда шифокор оиласида дунёга келади. Аристотель 17 ёшида Афинага келади ва бу ерда машҳур олим Платонга шогирд тушади. 342 йили Македония подшоси Филипп 13 ёшли ўғли Александрнинг тарбияси учун Аристотелни Митиендан чақириб олади. Бу ерда у фалсафа мактабини очади ва катта кутубхона ташкил қилади. Шу даврда Грецияда чиройли сўзлашга қизиқиш кучайиб кетади. Бунинг натижасида қатор нотиклик мактаблари очилади. Мактабларда сўз усталари – шогирдлар етиштириб чиқарилад эди.

Кейинчалик чиройли сўзлаш ҳақида қўлланмалар майдонга келди. Шундай асарлардан бири Аристотелнинг “Риторика” номли китобидир. Аристотелнинг “Риторика”си уч китобдан ташкил топган. Асарнинг биринчи ва иккинчи китоблари асосан чиройли сўзлаш, ишонтириш методлари ҳақида фикр ва мулоҳазалар бўлса, учинчи китобида нутқ мантиқига жуда катта аҳамият берилади.

Аристотелнинг нотиклик санъати 5 қисмга бўлиб ўргатилган:

- Материални кашф этиш (ҳар томонлама тайёрлаш).
- Материални жойлаштириш (режа).

-Материални эслаб қолиш (ўзлаштириш).

-Материални сўз ёрдамида тўғри акс эттириш.

-Материални тўғри талаффуз этиш

Аристотелнинг фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Демосфен (384 – 322)

Демосфен э.а. 384 йили Афинада тўқ оилада таваллуд топди. Отасининг исми ҳам Демосфен бўлиб, курул-яроғ устаси эди. Демосфен отасидан вақтли ажралади. У вояга етгач, отасидан қолган меросни ундириш бўйича ишни судга беради. Суд 5 йил давом этади. Шу йиллар мобайнида судья билан судда сўзлашиш учун унга нутқ тайёрлаб беради. Судда матн ёзиш ўзини қониқтирмайди ва ўзи нутқ сўзлашга ҳаракат қилади. Биринчи нутқи яхши чиқмайди, чунки у бироз дудуқланар ва “р” товушини талаффуз эта олмас эди, у мағлубиятга учрайди. Аммо яна уриниб кўришга жазм этади. Лекин бу сафар ҳам муваффақиятсизликка учрайди. Шундан кейин ўзининг устида ишлай бошлайди. Ҳар куни бир неча соатлаб нотўғри талаффуз этаётган сўзлари устида ишлайди. Оғзига тош солиб, “р” товушини тўғри талаффуз этиш учун кучук боласининг ириллашини кузатади ва ўзи ҳам шу товушни қайтаради. Ниҳоят машқлардан сўнг Демосфен ўз мақсадига эришади. Машҳур нотик бўлиб етишади. У ҳеч қачон тайёргарликсиз нутқ сўзламас, ҳар бир сўз устида пухта ўйлар, жумлаларни чиройли ва аниқ тузишга ҳаракат қилади.

Демосфен 30 ёшга тўлганда давлат ишларида қатнашади. Унинг халқ орасида ватанпарварлиги эътироф этилиб “Олтин гулчамбар” билан тақдирлашга тавсия этилган эди. Халқ мажлиси буни маъқуллаб, қарор қабул қилган эди. Ўша давр нотикларидан бўлган Эсхил бунга қарши чиқади. Суд икки нотикнинг яккама-якка олишувига айланиб кетади.

Суд бўлаётган майдонга халқ тўпланган, Демосфенни қоралаб сўзга чиққан Эсхил тухмат тошини ота бошлайди. Унга қарши сўз олган Демосфен ватанининг гуллаб-яшнаши йўлида тинмай курашганини ҳамда Эсхил сотқинликдан иборат фаолиятини нутқда образли тасвирлаб беради. Судда

Демосфен ғалаба қилади. Суд хукми билан Эсхилга катта жарима солиниб, Афинадан бадарға қилинади. Барибир Демосфеннинг душманлари уни сиртдан ўлимга хукм қиладилар. Чунки унинг суддаги муваффақиятларидан кейин Афина билан Македония ўртасида уруш бошланиб кетади. Афиналиклар мағлуб бўладилар, ватанпарварлар бадарға қилинади. Демосфен қочиб ибодатхонага яширинади. Душманлари уни тириклайин кўлга туширишга ҳаракат қиладилар. Аммо Демосфен захар ичади. У 322 йили 12 октябрда вафот этади.

Ц и ц е р о н (103 – 43)

Марк Туллий Цицерон Рим яқинидаги Арпина шаҳрида бадавлат оилада дунёга келади. Унинг отаси фарзандига яхши тарбия бериш ниятида Римга кўчиб ўтади. Цицерон у ерда юнон мураббийлари кўлида таҳсил олади. У юнон тили ва адабиётини мукаммал эгаллайди. Машҳур сўз усталари Литсиний Крас ва Марк Антений каби нотиқлардан сўз санъатининг нозик сир-асрорларини ўрганади. Цицерон ўз замонасининг кўпчилик сўз усталари сингари ўз фаолиятининг илк давриданок нутқидаги услубнинг чиройлилиги, ибораларнинг жонлилиги, жумлаларнинг нафис бўлишига катта эътибор беради. Цицероннинг фикрича, нотиқ суд ишларининг барча қонун-қоидаларини яхши биладиган шунчаки қонунпараст эмас, балки давлат ишларини чуқур тушунадиган, халқ қайғусига ҳамдардлик қила оладиган давлат арбоби бўлмоғи керак. Цицерон “Бурут” (47 йил), “Нотиқ” (56 йил) номли асарларида Рим нотиқлик санъати тарихи ҳақида батафсил фикр юритади. Цицеронни бутун инсоният олдида улуғлаган, обрўсини оширган нарса унинг ажойиб нутқлари бўлди. Уйғониш даврида Италия, Франция ва Олмониянинг инсонпарвар олимлари Цицероннинг илҳомбахш нутқларини севиб ўргандилар. Ўша даврда чиройли сўзлаган кишилар “Цицерончилар” деб аталар эди. Ўрта аср Римда нотиқлик санъати ривожланишдан тўхтаб қолди. Шу даврда нотиқликнинг диний томонлари авж олди. Улар ўртасида ҳам истеъдодли нотиқлар бор эди.

Улардан, айниқса Василий Великий, Григорий Богослав, Иоани Златоут ва Аврелий Августинлар катта шуҳрат қозондилар.

Ўзбек нотиқлиги тарихидан

Нотиқлик – ўтмиш сўз санъатининг энг баркамол оммавий жанрларидан бўлиб, бу санъат мусулмон Шарқида **воизлик** деб аталган. Ўрта асрларда Ўрта Осиё халқлари дунё маданияти тараққиётида олдинги сафларга кўтарилган эди. Ўрта асрларда фан, маданият ривожига Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Қошғарий, Навоий каби улуг сиймолар катта ҳисса қўшадилар. Адабиёт – санъат, фан, маданият тарғиботчилари айна вақтда воизлик (нотик) санъатини ҳам яратдилар. Булардан ташқари XI асрда Кайковус томонидан яратилган “Қобуснома”да ҳам нотиқлик санъати ҳақида батафсил тўхталиб ўтилган.

Нотиқлик жуда узоқ тарихга эга. Бу наслдан наслга мерос қолган анъаналар бизга ҳам етиб келди. Воизликнинг келиб чиқиши анча қизиқ. Швейцар олими Адам Мец маълумотларига кўра,¹ подшоҳлар эл олдига чиқиб, давлат тузуми, итоаткорлик, халқаро аҳвол, диний ақидалар, ўз сиёсатлари ва бошқа мавзуларда нутқ сўзлаб турганлар. Айниқса, жума номози кунлари уларнинг нутқ сўзлашлари шарт бўлган. Вақт ўтиши билан бундай ишларни махсус сўз усталарига топширганлар. Жумладан, Мавлоно Фахриддин Али Сафийнинг “Латойифут тавойиб” асарида айтилишича, Султон Ҳусайн Бойқаро бир куни Шерозга шоҳ Шижў олдида расмий давлат иши билан музокара олиб бориш учун бир вакил юбормоқчи бўлади ва аркони давлат билан маслаҳатлашиб, Мавлоно Иршодни муносиб деб топадилар.

Хуллас, Иршод барча расмий ишларни ижобий ҳал қилади. Аммо унинг нотиқлик маҳоратига қойил қолган шоҳ, унга жавоб бермай бир мажлис қуриб, кейин кетишини айтади. Иршод мажлисни жума кунига тайинлашларини илтимос қилади. Шоҳ ва унинг аёнлари Жоме масжидига

¹. Адам Мец. Мусулмон ренессанси. 63-бет

йиғиладилар. Мавлоно Иршод шундай эҳтиросли нутқ сўзлайди-ки, барча аъёнлар йиғлай бошлашади. Уни кўриб Иршод ўз нотиқлигининг яна бир жозибали кучини ишга солади. У шундай кутилмаган бурилиш ясайди-ки, ҳамма бирданига кўз ёши аралаш қаҳ-қаҳ уради. Шоҳ мамнун ҳолда Мавлоно Иршодни кузатиб қўяди. Ўзбек халқи орасида ҳам Мавлоно Иршодга ўхшаган нотиқлар жуда кўп бўлган. Улардан бири Фарғоналик машҳур нотиқ Қози Ўший бўлган. У Ўш шаҳарида қозилик лавозимида ишлайди, шу боис унинг тахаллуси Қози Ўшийдир.

Хожа Муайяд Меҳнагий

Ўз замонасининг етук нотиқларидан бўлиб, у оддий мазор шайхларидан эди. А.Навоийнинг ёзишича, у “зоҳир улумин такмил қилиб эрди”,¹ яъни юзадаги илмлар ўзига аён бўлган фанларнинг ҳаммасини ўзлаштирибгина қолмай, уни тўлдирган ва ривожлантирган эди. Унинг ҳар бир ваъзлари жўшқин ўтган ва ўз тингловчилари қалбига йўл топа олган. Бу каби нотиқлар ўша даврда жуда кам бўлган. Унинг сўз қудрати, заковатига султонлар, подшоҳлар бош эгганлар.

Мавлоно Риёзий

Риёзий – катта билимли нотиқ. У Зова деб аталган вилоятда ўсди, улғайди. А.Навоийнинг “Мажолисун нафоис” асарида ёзилишича, у айрим ўринсиз хатти-ҳаракатлари учун қозилик лавозимидан четлаштирилиб, кишанга солиб бадарға қилинган. Натижада у бир умр таъқиб остида юради ва ночорликда кун кечиради. Риёзий нотиқлигининг табиий томонларидан бири – ҳамдардлик туйғуларини биринчи ўринга қўя билишдир.

А.Навоийнинг ёзишича, “... ваъз айтиб, минбарда ўз ашъорини ўқуб, йиғлаб важди ҳол қилур эрди”¹.

Мавлоно Риёзий ўз нутқини кўз ёши даражасига олиб бориб, қалбидагини йиғлаб баён этар ва кишиларни шунга ишонтира олар экан. Демак, у жуда истеъдодли нотиқ, чинакам сўз санъаткори бўлган.

¹ Навоий А. Мажолисун нафоис. 12-том 42-бет.

¹ А.Навоий Мажолисун нафоис Асарлар 15 томлик. 12 том. 101 бет.

А.Навоийнинг ёзишича, Мавлоно Риеъий ўз фикрида қаттиқ турувчи ва шу фикр учун курашувчи шахс, садоқатли ва моҳир педагог бўлган.

Хусайн Воиз Кошифий.

Хусайн Воиз Эроннинг Сабзавор шаҳрида таваллуд топади, тахминан 1504-1505 йилларда вафот этади. Хусайн Воиз Кошифийнинг энг улуғ фазилати унинг илм эгаси эканлигидадир. У жуда кўп фанларни эгаллаган ва уларнинг ҳар бирида чуқур тадқиқотлар олиб борган машҳур олимлардан биридир.

Хусайн Воиз нотик сифатида ўз замонасининг машҳур нотикларидан бўлган. У ички руҳий ҳолатини турли ҳолатларда ифодалай олган.

А.Навоий, Ҳ.Бойқаролар ҳам ўз асарларини унга ишониб ижро учун топширганлар. 1492 йил 8 ноябрда А.Жомийнинг дафн маросимида нутқ сўзлайди ва А.Навоийнинг 7 банд 140 мисрадан иборат марсиясини ўқийди.

Хондамирнинг айтишига қараганда, у жуда чиройли овоз соҳиби, ички руҳий ҳолатни турли ҳаракатлар билан ифода қила билган. У ўз даврининг етук олими, ҳар томонлама билимдони бўлган.

Таянч иборалар:

Тарбия омили, марсия, улуғ фазилатли, истеъдодли нотик, ашъор, эҳтиросли нутқ, судда сўзлашиш, ибораларнинг жонлилиги, воизлик санъати.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Нотиклик санъатига ҳисса қўшган жаҳонга машҳур нотиклар.
2. Нотикликда замон билан ҳамнафас нотиклар.
3. Сўзнинг эстетик таъсир кучи, маънавий қудрати, ғоявий аҳамияти уйғунлиги.

2.3. Бадий сўз ижрочилигида олий мақсад ва етакчи ҳаракат

уйғунлиги

Бадий ижрочиликда олий мақсад ва етакчи ҳаракатнинг уйғунлиги ижровий матнларнинг танланиши, унинг мукаммал таҳлили ва амалий ижро маҳорати билан боғлиқдир. Танланган асар ўзининг мазмуни, воқеавий тизими, бадий мукаммаллиги ҳамда миллий истиқлол ғоялари чуқур сингдирилганлиги билан аҳамиятлидир. Адабий матнларнинг фалсафий теран, бадий пишиқ, бугунги кун ва келажак истиқболимизнинг юксалиши, ҳар биримизнинг дарду дунёмиз, яшаш тарзимиз ҳамда олий мақсадларимизнинг етакловчи ва ҳаракатлантирувчи қудрати олий мақсад ва етакчи ҳаракат таъсирчанлигини таъминловчи таянч манбаларидан биридир. Аслида, она замин, халқимизнинг руҳияти, уларнинг орзу-мақсадлари, ҳаёти акс этган матнлар танланиши лозим. Бу матнларнинг ғоявий кучи, жонли, таъсирли эмоционал хусусиятларини теран ҳис қила олиш ва талабаларга чуқур сингдириш муҳим аҳамиятга эга. Муаллиф ғояси, фалсафаси, олий мақсади ижрочининг шахсий фикр-мулоҳазалари мақсади, билан уйғунлашиб жонли, таъсирли сўз қудратини шакллантирадиган ижодий жараёнлардан биридир

Матн билан ишлаш жараёни талабаларнинг маънавий дунёси, профессионал ижро малакаси, фуқаролик бурчига садоқати, она Ватани, халқи, ўзи туғилиб ўсган ерига меҳр ва ардоқ уйғотишга сафарбар қилиниши учун манбадир. Талабалар билан амалий ишлаш натижалари шуни кўрсатадики, уларнинг фикрлаш қамрови, интизоми, қизиқувчанлиги, қунти, диққати, изланувчанлиги, тиришқоқлиги мукаммал даражада кучли бўлиши билан бирга, уларда ўзи яшаётган муҳит, атрофини ўраб олган борлиқ олам, турли воқеалар, манзаралар, тафсилотларга ўткир нигоҳи, синчковлиги, қизиқиши, аниқ муносабати бўлмаса сўз санъатида қоникарли даражадаги ижрочиликни кутиб бўлмайди.

Мантиқий таҳлил жараёнида, танланган асарнинг асосий воқеаси, олий мақсади, етакчи хатти-ҳаракати аниқ ва тўғри аниқланиши шарт. Инсон

борки, яшаш, камол топиш, бахту саодатга, ақлу заковатга беқиёс ижодга эришишни кўзлайди. Беқиёс заминимиз, ноёб табиатимиз «йўли ипак», «суви маржон», «олтин далалар», «зумрад осмон», «зилол бўстон»нинг борлиги ва биз шу заминда улғаяётганимиз, дунёмизнинг «дунё ичра тенгсиз»лигини юракдан ҳис этиш катта шукуҳ бағишлайди.

Сўз санъатида замон руҳи ёрқин акс этган яна бир шеърий намуналардан бири Муҳаммад Юсуфнинг «Ўзбекистон» шеъридир.

Ялпизлари кўкка туташ,
Йўли ипак, суви маржон.
Майизлари қотган қуёш,
Олтин дала, олмос қалам.
Зумрад осмон, зилол бўстон,
Кузда кетган қушлари ҳам.
Ёзда топиб келган айвон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон

Инсоннинг энг муқаддас, энг азиз маскани, киндик қони тўкилган манзил-мақонига битмас-туганмас меҳр ва эътиқод уйғотиш.

Дунё ичра тенгсиз дунё,
Зар чопон қалб, ялангтўшим.
Қўли очик, меҳри очик,
Қаҳри босиқ, кўнгил бўшим.
Ўғлига от бўлиб, чўкиб
Қизига аллалар айтган.
Белбоғиға борин тўкиб
Тўйга бориб, тўймай қайтган.
О бола феъл, о болажон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Тенгсиз дунёмизнинг олий неъматини бўлган инсонларимиз қалбининг тантилиги, саховати, меҳр ва муруввати, кўнгли бўйлиги, инсоний фазилатларини улуглаш.

Ўзини ўйламай ўйлаб,
Фарзандини юрган сизлаб.
Ўнгга кирмай боласи,
Сарпо йиққан қаллиқ излаб.
Бизда урф шу, борингни қўй,
Тўртта ўзбек тўпланса тўй.
Боланг учун керак бўлса
Жонингни сот, кўзингни ўй
Тўк топганинг, ёз дастурхон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Ўзбекона катта саховат сабабли, халқимиз табиатидаги болажонлик, фарзанд учун ҳеч нарсани аямаслиги, табиатидаги фидойилик, бутун молу-жонини бахшида қилиш одатлари сабабини англашга интилиш.

Буку бир шеър, садқа минг жон,
Ўзинг қўшиқ, ўзинг достон.
О отамдан қолган қўрғон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Буни англаш ва жонли таъсирчан сўз орқали ифодалашда:

Олий мақсад. Шу буюк заминни улуғлаш, тингловчиларни она заминимиз, муқаддас Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш.

Етакчи хатти-ҳаракат: Она замин ва муқаддас Ватанга меҳр ва эътиқод уйғотиш.

1-вазифа: Табиатимизнинг бетакрор сеҳри, жозибаси, гўзал оламини яратиш ва тасаввурда мустаҳкамлаш.

2-воқеа: Шу Ватанга борлиқ мавжудотларнинг меҳри ва садоқати.

3-воқеа: Халқимизнинг болафёъллик, болажонлик хислатлари.

4-воқеа: Миллатимизнинг тантилиги, сахийлиги, бағрикенглиги, фидойилиги.

5-воқеа: Тириклигу сўнгги маконимиз, отамиздан қолган кўрғоннинг азизлиги, тенгсиз қиммати.

Бу шеърни ўқиган талаба туғилиб ўсган она юртининг тенгсиз қимматини, муқаддаслигини ич-ичидан англаши лозим.«Ватан – саждагоҳ каби муқаддасдир» тушунчасини ҳар бир инсон бутун ақли, вужуди, қалби билан ҳис қилиш учун шоир улуғвор мақсад, олий шон, катта бир инсоний ардоқ билан отасидан қолган кўрғонни алқайди, мадҳ этади.

Таниқли шоир Азим Суюннинг “Аср баҳси”, Ибройим Юсуповнинг “XXI асрга”, Мухтор Шохоновнинг “Адашаган тараққиёт ёки Қайирхоннинг эълон қилинмаган фармони”, Улуғбек Ҳамдамнинг “Янги инсон” дostonларида муаллифларнинг ўткир фалсафий нигоҳи, ғоялари, дунёвий муаммолар ҳақидаги хавотирли қарашлари акс этган бўлиб, улар нафақат айрим миллат, балки бутун инсониятнинг эртанги кунда катта муаммолар келтириши муқаррар бўлган хатарлардан огоҳлантиради, қоралайди, турли маънавий таҳдидларга бир жон, бир тан бўлиб курашишга чақиради.

Мавжуд муаммоли вазиятни давлатимиз раҳбари чуқур эътибор билан таҳлил қилиб шундай ёзади: “Дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваломбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади. Бинобарин, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин. Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллат тафаккури ва турмиш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин. Энг ёмони, бундай хуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан

тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилганида намоён бўлмоқда. Маънавий таҳдид деганда, аввало тили, дини, эътиқодидан қатъи-назар ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим деб ўйлайман”. Президентимиз инсоният бошига хавф солиши муқаррар бўлган таҳдиддан огоҳ бўлишга, ҳар бир инсонни бунинг маъносини, аҳамиятини чуқур ҳис этишга даъват этади.

Талабаларимиз бадий сўз сирларини ўзлаштиришида ижровий матнларнинг танланиши, гуруҳнинг умумий ишларида миллий истиқлол ғоялари чуқур сингдирилган бадий-публицистик, адабий матнларга кенг эътибор қаратиши зарур. Кейинги йилларда аксарият гуруҳларда она замин, беқиёс Ватан, халқимиз руҳи, уларнинг орзу-мақсадлари, ҳаёти акс этган матнлар таҳлил қилинади. Матнларнинг ғоявий кучи, эмоционал хусусиятларини талабаларга чуқур сингдириш учун муаллифлар фалсафаси, дарди, эътиқоди, олий мақсадини англаш лозим.

Бадий сўз – ижро маҳоратини фаоллаштирувчи омилларнинг асосийларидан бири, албатта. Адабий матннинг танланиши уни талабаларга таъсирли етказиш ва жонли ижро маҳоратининг аниқ ва ҳаракатли танланишидир. Бадий сўз маҳорати ўқитувчиси асар таҳлили ва билан ишлаш жараёнида ижрочи тасаввурини уйғотиши, ишонтира олиши зарур.

Муаллиф ғояларини нафақат ҳис этиш, балки ўзига сингдирган ҳолда унинг дарди, хоҳиш-иродасини ўзиникига айлантириши зарур бўлади. Давлатимиз раҳбари: “Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган, ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Глобаллашув бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир. Шунини унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина

хабар ҳам ахборат оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин. Тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин”, дейди.¹¹ Президентимизнинг ҳар томонлама чуқур ва ҳаётий далиллари билан мустаҳкамланган теран фикрлари, назаримизда, энг ўткир ва қудратли таъсир воситаси бўлган жонли сўзимизга, тилимизга юклатилган вазифалардир деб ўйлаймиз. Бу кўрсатмалар сахна нутқи ва нотиклик санъати бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар, илмий маърузалар, ўқув қўлланмаларимизнинг фалсафий методологияси эканлиги кўринмоқда.

Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий ахборот коммуникацияси манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётгани, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган, бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда экан, маънавиятимизнинг энг ибратли, етакчи намоёндалари бўлмиш ёш ижодий авлод нутқида бугунги куннинг асосий мазмун моҳияти бўлмиш миллий истиқлол ғояларимиз сингдирилган жонли тилимиз ёшларимизни баркамол авлод даражасида тарбиялайдиган даражада такомиллашиши лозим. Глобаллашув ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар учун жуда катта ижтимоий-иқтисодий имкониятларнинг йириклашуви билан бирга инсоният учун катта таҳдидларга олиб келувчи муаммоларни олиб келар экан, шак шубҳасиз, ҳар бир давлатнинг соғлом фалсафаси, соғлом маънавияти, ғоясини ёш авлодга етказа оладиган, тарғиб қиладиган, тарбиялайдиган таъсирчан санъатнинг қудрати, сўз санъатининг тенгсиз имкониятлари асосий ифода воситаси бўлиб қолаверади.

¹¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. –Б.118.

Кейинги тўрт-беш йил ичида мамлакатимиз миқёсида ўтадиган энг йирик анжуманлар, юбилейлар, Наврўз, Мустақиллик, Конституция куни, Ватан ҳимоячилар куни каби байрамлар ва турли тадбирларда чуқур таъсирчан ғоя, маъно ва мазмун кашф этган, юксак бадий қимматга жонли сўзга жуда катта эътибор қаратилаётгани бор ҳақиқат. Мутахассис сифатида сўзнинг қудрати ва ҳикматига эришишнинг янада мукаммал, таъсирчан ифода воситаларини яратиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу эса иқтидорли талабаларга сўз санъати устида мукаммал ишлаш вазифаларини юклайди. Кейинги йилларда ҳар бир гуруҳда талабаларнинг нутқий имкониятларига, жумлаларнинг туб маъноси, мазмунини чуқур англаган ҳолда мақсадли ва хатти-ҳаракатли ифода этилишига эътибор қаратилмоқда. Аммо бу жараёнда кунт, ирода ва вақт имкониятларини тўла сафарбар қилгандагина ижобий натижаларга эришиш мумкинлигини яхши биламиз.

Таниқли қозоқ шоири Мухтор Шохонов ўзининг “Адашган тараққиёт ёки Қайирхоннинг эълон қилинмаган фармони” достонида бугун ва эртанги кунимиз тақдирини чуқур мушоҳада ва хавотир билан эслайди. Инсонни инсонга ёт, ёвуз душман қилиб, тумтоқ касларга айлантирувчи хирс ва нафс балоси қанчалар хатарли эканлигини кўрсатар экан, буюк тафаккур қудратининг ҳаётбахш имкониятлари ҳалок бўлаётган сайёрамизни қутқаришнинг ягона чораси эканлиги, унинг тоза ҳаводай инсониятга мудом зарурлигини катта шоирона қалб билан ёритиб, бутун инсониятнинг она сайёрамиз ва ундаги асл инсоний эзгу туйғулар ва муносабатларни асрашга чақиради. Достон бир актёр театри даражасида “Бадий сўз маҳорати”нинг мазмундорлиги ва таъсирчанлигини оширувчи фикрлар, ғоялар бирлиги билан бадий қимматга эга. У миллати, дини, эътиқоди, ватани айро бўлгани билан инсон ва инсоният тақдири, қисмати, келажагига таҳдид солувчи хатарлардан огоҳ бўлишга, чорлайди. Бу – инсоният олдида ҳаёт-мамот курашларидаги нажот қалъаси эканлигига катта фалсафий ишорадир. Достон драматик шиддати, фикр ва ғоялар шаршарасини йўналтирувчи қудратли

сўзлар тизимини шоирона катта қалб нидоси билан ифодалагани сабабли
бадий сўз устасининг ижро маҳоратида муҳим аҳамият касб этади

Айланади курраи замин,
Турфа ажинлари,
Турли доғлари,
Чандиқлари билан.

***1. Умуминсоний кўҳна манзил маконимизнинг даврлар, асрлар
чигиридаги зиддиятлар, курашлар замиридаги ҳаёт ва мамот кечмиши.
Тасаввур, фикр, муносабат уйғунлигида олам ва одам тарихи.***

Шўрлик Сукротнинг боши каби,
На ўз замонаси,
На ўз давраси,
На ўз ҳукмдори,
На ёлғиз рафиқаси,
Ксантиппа томонидан қадрланган.

***2. Даҳо ақл соҳибларининг тан олинмаган қадр-қиммати, лоқайдлик,
бефарқлик иллатининг ҳали-ҳануз мавжудлиги.***

Айланади курраи замин,
Сукротнинг фожиаси ҳали унда жо,
Алғов-далғовларда ҳорган,
Ҳоли танг
Боқаман асрлар чегарасида
Ҳиммат ва ёвузлик қутблари аро,
Орасида – ҳа, йўқ тушунчасининг.

***3. Аросатли муносабатлар тизгинида муаммолар оловининг ўчмаётгани,
алал оқибат инсон қисмати, сарсон-саргардонлиги.***

Айланади курраи замин,
Турфа давлатларнинг,
Маънавий ганжин,

Рухий иқлимларин қилмасдан писанд.

Буюк тараққиёт гармселида
Умуммаданиятлар шиори ила,
Кечмоқда инқилоб аксил маънавий.
Башарият топган чўнг қадриятлар,
Жаҳолат илмига ўтмоқда секин,
Жаҳолат кулфатнинг дояси бешак.

**4. Умуминсоний маънавият ва қадриятларнинг жаҳолат гирдобиди зарқ
бўлиш хатари кучайиб, ўргимчак тўридай ақл ва қалб нурларини ўз
домига тортиш хавфининг мавжудлиги.**

Энг юксак эҳтиром,
Қалб эҳтироми.
Энг олий тарбия,
Сўз билан эрур.

**5. Инсониятни бало-қазолар домидан асрагувчи азалий ва абадий қалқон,
асосий тарбия воситаси бўлган сўзнинг нуфузини улуглаш.**

Агар бугун
қизғин давралар аро,
кашанда овоз-ла,
ялонғоч кўксин,
Очиқ сонларини ўйнатиб дуркун,
Эрсираб куйловчи сахна юлдузи,
Суюмли, азизроқ бўлса ёшларга.

**6. Ёшларнинг қизиқишлари ва эътибори фақат “юлдузлар”га
қаратилиши.**

Ҳассос зотлар Ҳомер, Сенекалару,
Евтушенко, Вознесенскийлардан кўра,
Ҳамзатов ва Ориповлардан кўра.

**7. Буюк сиймолар яратган маънавият хазинасига лоқайд қараининг
оқибатларидан огоҳлантириш.**

Агар бутун,
Москвада, Олмаота, Бишкекда,
Ҳеч иккиланмай ўз отасини мўмай фойдага,
сотиб юбуровчи,
Янги чикқан олғир бизнесмен,
Эътиқодлар устида ракс тушиб,
Олий давраларда,
Тортса ўзига кўпроқ эътибор.
Насрдаги шоир,
Осиё руҳияти ёниқ овози,
Чингиз Айтматов шахсидан кўра.

**8. Инсоний қадриятлар ва маънавиятни назар-писанд қилмайдиган,
босар-тусарини билмаган, пулга тузоқ қўйиб, ҳамма нарсани пул ҳал
қилади дегувчи пулдорлар, олғир бизнесменларга бўлган эътибор,
қизиқиш, интилишлар, ибрат олиш, буюк адиблардан кўра баландроқ
бўлишнинг ачинарли оқибатлари.**

Агар бугун,
Чегаралар йўқолиб кетса,
Иймон ва муртадлик орасидаги,
истеъдод ва дидсизлик орасидаги,
Ва шарму ҳаёнинг тафт-ҳаракати,
Тушиб кетса энг паст кўрсатгич қадар,
Демак юксалмоқда мумтоз ваҳшийлик.
Қанотин ёзмокда оми маърифат,
Демак жамиятнинг қурч баданида,
Унинг қонларида ҳужайраларида,
Ўлган диёнатнинг ҳимоя кучи.
О, балки башарнинг томирларида,
Ширин ёлғонларга омухталанган,
Онгсиз истеъмолниги заҳар олуди,

Бормокда биксиб.

**9. Инсон қисмати, умуминсоний маънавиятни ўз домига тортувчи,
хатарлар, ахлоқсизлик, нафс балоси, тубанлик, эътиқодсизлик, мумтоз
ваҳшийликларнинг уйғониши хавфи.**

Ньютоннинг учинчи қонуни ҳам бор,
“Ҳар қандай ҳаракат,
Юзага келтирар зид ҳаракатни”.
Қачонки одамлар,
Ўйлашса яккаш бойликни,
Ўзларин шаҳвоний хоҳишларидан,
Ортмасалар ҳеч,
Унутиб руҳоний тушунчаларни,
Айлансалар ҳар хил тўмтоқ касларга.
Одатда бунақа қавмлар, бешак,
Ёмон кўра бошлар ёвдан бир-бирин.

**10. Инсонни инсонга ёт, ёвуз душман қилиб, тумтоқ касларга
айлантиргувчи ҳирс ва нафс балосини қоралаш.**

Мен Лотин Америкасидан,
Аён эшитаман Маркес овозин.
Шундан ғояни у уқтирар мудом,
Ҳалок бўлаётган сайёрамизни,
Қутқариб қолмаклик мумкиндир фақат,
Инсоний энг буюк тафаккур билан.
Жамики эзгулик кучларин тўплаб,
Ярата олсайдик умумбашарий,
Олий маънавият ва олий ахлоқ,
Зероки бу шиддатли тараққиётга,
Керакдир бамисли тоза ҳаводай.

**11. Тафаккур қудратининг ҳаётбахш имкониятларидан умидни
сўндирмаслик ҳалок бўлаётган сайёрамизни қутқаришнинг ягона**

чораси эканлиги, унинг тоза ҳаводай инсониятга мудом зарурлигини

огоҳлантириш

Инсондаги ниҳон, бераҳм ёвуз,
Туйғулар кулф уриб кетмасин учун,
Қўйишимиз керак мустаҳкам тўсиқ.

Магар сўниб бўлса халқона,
Ва руҳий камолот сарчашмалари.
Мурғак жоҳилларга телба зотларга,
Қарши қўйилмаса Данте ва Пушкин,
Моцарт ҳамда Гёте.

Агар Гитлер хочи билан кексайиб,
Ўтувчи тақирбош ёш фашистларга,
Боқамти қўймасак жўмард Манасни.

Буюк Шекспирнинг салоҳиятини.
Қори Ишкамба – хасисга қарши,
Қўймасак Сервантес Дон Кихотини.

У ҳолда ҳали кенг томир отмаган,
Инсондаги йиртқич бераҳмлик, ҳа,
Рухда патос боғлаб кетиши мумкин.

***12. Инсониятнинг азалий ва абадий йўлдоши, халоскори бўлган маънавий
хазинамизни асраш, аввайлаш ва уни қалбимизга, ақл-тафаккуримизга
жо қилиш, унинг инсоният бошига мислсиз кулфатлар ёғдирган,
ёғдириши мумкин бўлган хатардан асрашга чорлаш.***

Олдимизда учта мангу савол бор,
Қандаш асраш, қандай қўриқлаш мумкин,
Эзгулик ҳисларин одамлардаги.

Ёвузликни қандай маҳв этиш мумкин,
Нима қилмоқ керак туғилмаслик-чун,

Янги Чингизхонлар,

Янги Гитлерлар!

13. Умум инсоний хатар ва муаммонинг мавжудлиги ва унга ҳар бир инсоннинг ечим топишга бўлган виждон амри, ишонч-эътиқоди билан дунёмизни асрашга чорлаш.

Инқилоб бормокда аксил маънавий,
Ажиб жозибали шиорлари ила.
Инсон табиати ўзгача аммо,
Тоза гўзал руҳга ҳеч таянмаган.

14. Аксил маънавий инқилобдан огоҳлантириш, инсон табиатининг тозалигидан нажот излаш.

Бекиёс тўқлик,
Юҳо истеъмолчилик,
Одамни туб-тубидан айнитган беҳад.
Моддиюнчилик – худбин, яланғоч,
Содда хотиржамлик, лоқайдлик билан,
Ўз ҳолига ташлаб бўлмайдиган зинҳор,

15. Нафс балосининг ёнгин хатари, сув тошқинлари хатаридан кам эмаслигини уқтириш.

Йўқса у айланар шундоқ хатарга,
Чигиртка хавфидан,
Минг бор мудҳишроқ.

16. Ҳамма нарсани еб битириб она заминни тап-тақир тупроққа айлантирадиган чигиртка хавфидан ҳам хавфлироқ хатарни қоралаш, нафрат уйғотиш ва унга қарши курашга чорлаш.

Достонни мантиқий таҳлил қилиб, ҳаракатли бўлаклар асосида тасаввур ва фикрий ички ҳаракат ва вазифалар тизимини тузиб, ижро жараёнида шу вазифалар сингдирилган ҳолда ишлаш зарур. Достон ижроси устида ишлаш изланишлар, таҳлиллар, фалсафий, ғоявий қарашлар, тарихий ҳаётий мисоллар, баҳс ва мунозаралар билан чуқурроқ таҳлил қилиш орқали мустаҳкамланади. Муаллиф умумбашарий маънавиятни асрашга, она сайёрамиздаги жамики инсонлар, миллатлар, халқлар, элатларни огоҳ

бўлишга чақиради. Асар билан ишлашда асарнинг ғояси, фалсафаси, ҳаётий муаммоларини теран англаган ҳолда унга чора қидириш, инсоний муносабатлар ечимида талқин қила олиш ва қатор муҳим маънавий, ахлоқий-тарбиявий вазифаларни қамраб олиш вазифалари ҳам шаклланиб боради. Достон ўзининг умуминсонийлиги, фалсафий теранлиги, ғоявий яхлитлиги билан “Бадиий сўз санъати” танловларида ижро қилиниб, тингловчилар ақл-мушоҳадаси қалбидан чуқур жой оладиган, муаллиф ва бадиий сўз устасининг, бутун инсониятга қарата айтадиган нидоси, қалб тугўни, дарду ҳасрати бўлиб жаранглайдиган асардир. У ўзининг мавзуси ва мазмуни билан, миллатлараро энг ноёб удумлар, урф-одатлар, уларнинг нодир адабий хазинаси орқали яхлит ва уйғун мақсад, хоҳиш-иродага бирлаштиради. Асар чуқур эътибор ва ҳаяжон билан ўқилади ҳамда ижро қилиш истагини уйғотади. Шуниси ҳам борки, асарнинг таҳлили ва ижроси устида ишлашга енгил қараб бўлмайди, чунки таҳлил ва талқин доимо катта истеъдод, ирода, вақт талаб этувчи жарёндир. Бундай чуқур ғоявий, фалсафий қиммат юки бўлган асарни қисқа муддатда ёдлаш билан кифояланиб, енгил-елпи ижро қилиб бўлмайди.

Бадиий сўз маҳоратида асар ғояси, олий мақсади, ахлоқий, маънавий, тарбиявий ибратини чуқур англаган, ўзлаштирган ҳолатда, ҳақиқий ижодий қатламларини забт этишга сафарбар қилиш мумкин. Инсон табиати, ички оламига чуқур сингдирилган, унинг асосий дардига, фикр-туйғусига, мақсади ва маслагига айланган сўз, юксак таъсирчанликка уйғун сўз санъатига айланади. Сўз устида ишлаш, талаффузда адабий тил меъёрларининг мукамаллигига эришиш ва уни асраб қола олиш учун ҳам катта истеъдод, қунт, ирода зарур.

Бунга эришишда назорат ҳар томонлама мустаҳкам бўлмас экан, инсон табиати ва хотираси билан боғлиқ жузъий камчиликлар йўқотилганидан кейин ҳам янгидан чиққан ёқимсиз ярадай яна пайдо бўлиб, безовта қилаверади. “Бадиий сўз санъати” ижрочилигида асар билан танишиш, унинг ғоявий-фалсафий, мантиқий таҳлили бўлғуси ижрочилар ва

педагог-ўқитувчи руҳиятига чуқур таъсир кўрсатади. Уларни танлаш, таҳлил ва ижро маҳорати устида ишлаш “Бадиий сўз маҳорати” предметининг асосий вазифаларидан биридир. Мухтасар қилиб айтганда, жонли сўз – ижро маҳоратининг асосий таянчи, фундаментал асоси. Бадиий матнларни, юксак бадиий ижро даражада талқин қилинишининг асосий омилларидан бири, албатта, адабий матннинг танланишидир. Жонли ижро маҳорати таъсирчанлигини фаоллаштирувчи таҳлил, вазифалар, сўз хатти-ҳаракати ва бадиий сўз маҳоратининг бир-бирини тўлдирувчи жараёнлар, чуқур ва асосли мушоҳадани талаб қилади. Таассуфлар бўлсинки, магистрантлар орасида бундай кўп киррали, оғир вазифалар юкини кўтаришга қодир, иродали, талантли, изланувчан, сўз санъатига меҳр ва эътиборнинг доимийлиги билан, юксак натижаларга эришишга қодир алоҳида исътедод эгалари кўп эмас. Асар таҳлили ва талаба билан ишлаш жараёнида талабанинг тасаввури мустақил, эркин, кенг фикри ижодий фантазиясини уйғотиши, уни ишонтира олиши керак. Муаллиф ғояларини нафақат ҳис этиш, балки ўзига сингдира олган ҳолда муаллиф дарди, хоҳиш-иродаси ўзиникига айлантириши лозимлигини сингдира олиш зарур.

Талабаларнинг эшитиш ва эслаш қобилияти, диққати, синчковлиги талаффузида аниқлик, равонлик, эркинлик ва нафасида, овозида табиийлик ҳамда жонланишни намоён қилиш учун, тил, лаблар, жағ, томоқ, ҳиқилдоқда эркинлик ва фаолликни уйғотиш учун портловчи, сирғалувчи, сонор товушларнинг турли тарздаги бирикмаларини тузиб, унинг ритмли, мақсадли, муайян вазифали ифодаларини тузиш ва якка гуруҳли, мустақил ишларда мунтазам ишланиши зарур. Машқлар дастлаб талаффузда қийинчилик туғдиргандай туюлади, аммо машқлар мунтазамлиги туфайли, ноқулайликдан қулайликка, нутқ аъзоларимизнинг аниқ ва фаол ишлашига замин яратади, ўз ўрнида сўз таъсирчанлигини ошириб, нутқнинг тарбиявий вазифаларини мустаҳкамлайди.

Таянч иборалар:

Бирикмаларнинг тузилиши, фаолликни уйғотиш, нутқий имкониятлар, улуғворлик мақоми, ижодий қатламлар, ахборот коммуникацияси, фалсафий теран, замин яратиш, истеъдод ва қалб тугёни, ноёб удумлар, фаолликни уйғотиш, юҳо истеъмолчилик, чигиртка хавфидан хавфли хатар,

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Бадиий сўз ижрочилигида, олий мақсад ва етакчи ҳаракат уйғунлиги.
2. Адабий асар танлаш, унинг олий мақсади ва ғоясини аниқлаш вазифалари.
3. Бадиий сўз ижро ижрочилигида ғоявий, тарбиявий таъсирчанлик омиллари.
4. Ёш ижодкорлар тасаввурларининг ранг-баранглигига эришиш ва унинг бадиий сўз маҳоратидаги аҳамияти.

III боб. Фикр, ғоя ва мақсад уйғунлигининг ифодавий фаоллиги

3.1. Бадиий сўз маҳоратида фикр ва жонли сўз таъсирчанлиги

Бадиий сўз маҳоратида фикр ва жонли сўзнинг уйғунлиги ижрочининг етуклик даражаси, маданияти, маънавияти ва ақл-заковатини белгилайди. Бу нарса ижро маҳоратидаги ўзига хос ижодий жараён бўлиб, сўз санъатининг кўпқиррали, жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи, етакловчи омилларидан биридир. Ҳаётдаги турли нарса ва ҳодисаларда тараққиёт ёки таназзул, юксалиш ёки парчаланиш каби зиддиятларда инсон омилининг таъсирини инкор қила олмаймиз. Инсон бу нарсаларга дахлдор, ўз фаолиятида турли давраларда муомала, мулоқот жараёнларида сўзнинг қудрати ва таъсирчан кучига таянади. Бадиий сўз маҳоратида фикр ва жонли сўз таъсирчанлигини ҳар бир инсонда мукамал шакллантириш учун кунт, ирода, сабот, хоҳиш, вақт ва меҳр зарур. Сўздаги ҳар бир маъно муддаони ҳис этиш доимий эҳтиёжни талаб қилади. Шак-шубҳасиз, бадиий сўз маҳоратида фикр ва жонли сўз таъсирчанлиги, сўзнинг қудрати, жозибаси,

сеҳрини эгаллаш учун нутқий техник мажмуалар, сўз ва сўз устида ишлашнинг асосларини ўзлаштириш ҳамда аниқ фикр, тасаввур, хотира камровининг мустаҳкамлиги, фаоллигини ривожлантириб бориш керак бўлади. Биламизки, ҳар бир етук шахс ўз ақл-заковати, тафаккури, мушоҳадаси, хоҳиш-иродаси, интилишлари билан ўз ҳаёти ва фаолияти давомида самарали из қолдиришга интилади. Бу ўринда ҳам сўзнинг асл маъноси унинг замиридаги мазмун, фикр-муддаони оча билиш ва тингловчига етказа олиш алоҳида жараёндир.



Ҳар бир инсоннинг муомала ва мулоқот ихтидори, эркинлиги, фаоллиги; сўзамоллик, ҳозиржавоблик, ўз фикрини ёрқин, бетакрор, таъсирчан тарзда ифода қила олиш лаёқати ва маҳорати билан боғлиқ. Бадиий сўз маҳоратида фикр ва жонли сўз таъсирчанлиги, ифодавий таъсирчанликка эришишга интилган ҳар бир мутахассис, бадиий сўз устаси

Ўзининг сўз хазинасини бойитиши, турли мавзулар, воқеалар, тафсилотлар, тасвирлар билан ўз бадиий сўзининг имкониятларини мукамаллаштириб бориши керак.

М.Юсуф

Осмоннинг охири қаерда дедим бир донишга, у миқ этмади. Менга жуда ёқди бу жавоб. Осмоннинг охири йўқ ахир. Ирмоқнинг охири дарё, дарёнинг охири денгиз, осмоннинг охири йўқ. Йўл четида юмалаб ётган тошни тепдим. Тошдан садо чикмади. Худога солдим дегани бу. Чумоли чумолининг ўлигини ташийди. Бия қулунидан кўз узмай ўтлайди. Оқибат фақат одамларда етишмайди. Ер одамни боқади, кийинтиради. Одам эса бир куни уни сахрога айлантиради. Сув одамнинг мардикори, ҳосил беради. Тегирмон юргизади. Одам уни ўйламайди. Дунёдаги ҳамма нарса одамга яқинлашиши билан ўзлигини йўқотади. Одам одамга яқинлашганида ҳам топганидан йўқотгани кўпроқдир. Офтоб қаерга ботади дейман бобомга? Осмоннинг охирига дейди у. Офтоб осмоннинг охирига бориб ботмайди, балки йиғлайди. Дунёдаги барча йўлларнинг охири йиғи. Одам йиғи нималигини англаб етгунича яқинлари оламдан ўтган бўлади. Билиб туриб одамга озор беришдан ёмони йўқ. Ўзинг ҳам билмасдан бировга яхшилик қилишдан ортиқ яхшилик йўқ. Одам дунёга бир марта келади. Шу бир калима сўз билан қанча савоб ишлар қилиш мумкин, шу бир калима сўз пинжида қанча гуноҳга ботиш мумкин.

Бадиий сўз маҳоратимизни доимо ошириб боришга, эришилган малаканинг ижровий жиҳатларини асрай билиш ҳам масъулиятли ижодий жараёндир. Бу бежиз эмас, талаффузимизнинг айрим ҳоллардаги сустлиги, ноаниқлиги, ямланиши ижрочини ҳам, тингловчини ҳам қониқтирмайди. Фаолияти бадиий сўз, нутқ билан боғлиқ турли касб эгаларида турли сабаблар: чарчоқлик, толиқиш, кўнгилсизлик, ташвишлар, асабийлашишлар талаффузга ҳам таъсир қилиб, юқорида қайд этилган нуқсонларни келтириб чиқаради. Қуйидаги тавсия этилаётган товушли бирикмалар талаффузимиздаги доимий фаолликни, равонликни асраб қолишга

каратилгандир. Бу машқлар доимо, ҳар қандай чиқишлар, маърузалар, маънавий тарбиявий тарғибот тадбирлари, радио, телевидение, эстрада, театр, кино, дубляж жараёни олдидан аниқ, равон, эркин, таъсирчан бўлишига ёрдам беради. Уни сўз санъатининг ифодавий мукамаллигини мустаҳкамлаётган ёшлар ҳамда катта тажрибага эга мутахассислар татбиқ этишлари мақсадга мувофиқдир. Тузилган қуйидаги матнлар қўшимча матн тарзида - асосий матндаги ҳодиса, жараён ва объектларни ўрганиш бўйича баён қилинган ўқув материални мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга, амалий кўникма ва малакаларни ривожлантиришга хизмат қилувчи ўқув материални ўз ичига олади. Мисоллар муаммоли ва қизиқарли саволлар, ҳаётий тажрибалар ва амалий-ижодий жараёнлар асосида тузилган. Бундай материалларнинг берилиши таълим олувчиларнинг нафақат назарий билим олишлари, балки ўз назарий билимларини амалиётда қўллашга ҳам йўналтиради:

3.2. Бадий сўз маҳоратида талаффуз равонлиги, фаоллигини

таъминловчи товушли бирикмалар:

- *Рқч-қ қирр қира қирров қаранглар бирров!*
- *Урра-нурра нур нара нмров чиқдик биз иков.*
- *Ўмуруму кнтуруму кампра-кумпра-кимпра каров,*
- *Дабараба-бадаров, бизз-бада-бада бидизумм.*
- *Анг-қала-қолонг, Анг-қала-қолонг, Анг-қала-қолонг,...*
- *Мирмудири-мужири-мужурум, мирмудири-мужири-мужурум...*
- *Варр-важири-вужири вужурумм.*
- *Чала —чулна чирнарак-чарҳналак-чунарака-ка-чапарана-чунарак.*
- *Умнтрақа-нтрупп-кнт-мк-мкпктумм*
- *Мукаламака-камалак-рупа-така ракатрумм...*
- *Тўрт марта тўрт томонга, айланамиз айвонда,*
- *Нафасимиз меёри, доим бўлсин тан жонда.*

Тасарруф,

Тараннум

Таажжуб

Тааллуқ

Тасодиф

Тараққиёт

сўзларидаги товушларнинг аниқ, тиниқ, равон, тоза талаффузини таъминлаш учун куйидаги товушлар бирикмаларини такрорлаймиз: Имкон қадар давомли ва кутилган натижага эришгунча

- тп-чп-тп-чп-чптрррр-чп-тп-чп-тп-тпчрррр
-жб-дб-жб-дб-жбдррр-бж-жб-бж-жб-бждррр...
-тп-тп-тп-тп-тпупппо-пт-пт-пт-пт-птупппо...
-тптрррр-рп-чп-рп-чп-чптро-дбтрррр-рб-чп-дбтррр-бчпдров...
-упалапа-лупалапа-тпримм-тприп-тпруммм....
-уфалафа-луфалафа-тпруммм-тприп-тпруммм...
-мжмн-мнмжбрум кп-чп-тпчптуп-гб-жб-жбдбдуб...
-тп-тп-тп-тупп-пи-тп-тп-тп-тупп-пе-тп-тп-тп-тупп-па
-тп-тп-тп-тупп-по-тп-тп-тп-тупп-пў-тп-тп-тп-тупп-пу
тп-тп-тп-тупп-пи
-дб-дб-дб-дб-жб-жб-мжмидрим
-дб-дб-дб-дб-жб-жб-мжмедрем
-дб-дб-дб-дб-жб-жб-мжмадрам
-дб-дб-дб-дб-жб-жб-мжмодром
-дб-дб-дб-дб-жб-жб-мжмўдрўм
-дб-дб-дб-дб-жб-жб-мжмудрум
-дб-дб-дб-дб-жб-жб-мжмидрим
-лп-тп-дб-тп-дим-лп-тп-дб-тп-дем-лп-тп-дб-тп-дам
-лп-тп-дб-тп-дом-лп-тп-дб-тп-дўм
-лп-тп-дб-тп-дум-лп-тп-дб-тп-дим
-ткрк-трум-тприп-чптри-ткрк-трум-тприп-чптремм
-ткрк-трум-тприп-чптрамм-ткрк-трум-тприп-чптромм
-ткрк-трум-тприп-чптрўмм-ткрк-трум-тприп-чптрумм
-ткрк-трум-тприп-чптримм....

Талаффуз

маромимни

аниқлаштираман,

тиниқлаштираман,

фаоллаштираман.

чпрпт-чптроввв, ткмкrm-ткрмкм-мкмнтруп.

чпрпт-чптроввв, ткмкrm-ткрмкм-мкмнтруп.

чпрпт-чптроввв, ткмкrm-ткрмкм-мкмнтруп.

Талаффузим меъёрларини

*Равонлаштираман,
Давомлаштираман,
Осонлаштираман,
Гўзаллаштираман,
Афзаллаштираман,
Мукаммаллаштираман,
Муфассаллаштираман.*

*МКМ-ЧПТРОВ-ТКМ-МЖ-МКПТРОВВВ МКМ-ЧПТРОВ-ТКМ-МЖ-МКПТРОВВВ
МКМ-ЧПТРОВ-ТКМ-МЖ-МКПТРОВВВ*

Талаффузим

*Аниқлиги,
Тиниқлиги,
Равонлиги,
Таъсирчанлиги билан
Тингловчиларимни,
Таъсирлантираман,
Тўлқинлантираман.*

ТКРН-ЧМРИЧЧ-ЧПРПЧРТУПП ТКРН-ЧМРИЧЧ-ЧПРПЧРТУППО-

*Хар бир товушимни аниқ, тиниқ,
Тўлиқ, мукаммал, муфассал ,
Мураккаб, муваффақ,
Мужассам тарзда.*

*Мукаммаллаштираман,
Муфассаллаштираман,
Мураккаблаштираман,
Муваффақлаштираман,
Мужамсамлаштираман.*

*ЧМРИЧЧ-ЧПРПЧРТУПП- ТМРМЧМ-ЧМЧКР-ЧПТПЧТРОВВВ
ТМРМЧМ-ЧМЧКР-ЧПТПЧТРОВВВ- ТМРМЧМ-ЧМЧКР-ЧПТПЧТРОВВВ*

*Сўзларим чинни,
Мусаффо шинни.
Сўзларим маржон,*

Сўзлайин достон.

Самою осмон,

Чаману бўстон,

Сўзларга чўмсин,

Зиёга кўмсин,

Сўзларим тинглаб,

Эзгулик истаб,

Халқим улгайсин!

-МБРЕТТО-ЖБРЕТТО-ВБРЕТТО- МБРЕТТО-ЖБРЕТТО-ВБРЕТТО....

- АЧЧИГИ-ЖУГА- АЧЧИГИ-ЖУГА- АЧЧИГИ-ЖУГА-ЖО.....

- УМПЛАКА-УКАЛАКА-ЛПРРР-ТПРМММ....

-ЧУВРАҚАЧИ-ЧАҚАРИРО-ТОРРИ-ҚОРА-РАҚАРИРО

- ЧУВРАҚАЧИ-ЧАҚАРИРО-ТОРРИ-ҚОРА-РАҚАРИРО

-ЧУВАЛАЧ-ЧПРИ-ЧПТРУП- ЧУВАЛАЧ-ЧПРИ-ЧПТРУП

-ЧУВАЛЧАНГ-ЧИЛТОН-ЧИПРИСТОН-ЧУВАЛЧАНГ-ЧИЛТОН-ЧИПРИСТОН

Чиллада чаён чувалчангга чимирилдими?

Чиллада чувалчанг, чаёнга чимирилдими?

Чиллада чаён чувалчанга чимирилмади.

Чиллада чувалчанг чаёнга чимирилмади,

Чиллада чаён чаёнга,

Чувалчанг чувалчангга,

Чумоли чумолига,

Чигиртка чигирткага,

Читтак читтакка,

Чирилдоқ чирилдоққа,

Капалак капалакка,

Кўнғиз кўнғизга,

Ўргимчак ўргимчакка,

Сўна сўнага чимирилди.

Тена-тена-тенада,

Капа-капа-капада,

Кўна-кўна кўпада,

Кена-кена-кенада

Пат-пат учган капалакми?

Тап-тап учган капалакми?

Капалакми,

Папалакми,

Пўпанакми,

Кўпанакми,

Чаканакми,

Чакалакми?

- Рқч-қ қирр қира қирров қаранглар бирров!

- Урра-пурра пур пара пмров чиқдик биз иков.

- Ҳмуруму кптуруму кампра-кумпра-кимпра каров,

- Дабараба-бадаров, бизз-бада-бада бидизумм.

- Анг-қала-қолонг,

- Мирмудири-мужири-мужурум,

- Варр-важири-вужири вужурумм.

- Чала-чулна чирпарак-чархпалак...

- Чупарака-ка-чапарана-чупарак....

- Умптрақа-птрупп-кпт-мк-мкпктумм ...

- Мукаламака-камалак-руна –така ракатрумм....

- Тўрт марта тўрт томонга, айланамиз айвонда,

- Нафасимиз меъёри доим бўлсин тан-жонда.

- Қўлларимиз тўлқинли, нафасимиз ёлқинли,

- Ҳар бир товуш чақинли.

- Қушдай қанот қоқамиз,

- Дарёлардай оқамиз...

- Ажжалама –жумала-жаманов...

- Нафасимдан чиқарми олов,

- Унлиларни унлайман бир-бир,

- Ҳар бир товуш болдайин яловв,

*-Шамоллардай эркин хаёлим,
-Ҳаракатдан тонай жамолим,
-Сўзимдадир фикр жамолим,
-Маишқлар билан тўлсин жавоним.*

(шамоллар маишқи)

*-Ғир-ғир-ғир айланаман шамолдан,
- Бир-бир-бир қувват олай хаёлдан,
-Кўп-кўп-кўп, кўп-кўп-кўп куч тўплансин танамда.
-Ток тўпланса сўзим жонли тилимда!*

Овоз ва овознинг жаранглар жамулжамлиги жамламалари.

*Биз денгизмиз денгизмиз ,денгиздаги тўлқинмиз,
Куч-қудратда тенгсизмиз, тиниб-тинмас ёлқинмиз.
Чайқаламиз шамолдан, баланд-баланд сакраймиз,
Тўлқинлармиз тизгинсиз, бу заминни асраймиз.
Асрал инсон довулдан, кемаларда жонинг бир,
Маконига интилгин кутмоқда нурли манзил.
Вишишиш-вушишиш-фуву-вушиш...*

Маишқни мустаҳкамловчи тез айтишлар:

Денгиз тенгсиз дедингизми?

Денгиз энсиз дедингизми?

Денгиз томсиз дедингизми?

Денгиз тонгсиз дедингизми?

Денгиз музсиз дедингизми?

Денгиз тубсиз дедингизми?

*Тенгсиз денгиз демаганмиз,
Энсиз денгиз демаганмиз,
Томсиз денгиз демаганмиз,
Тонгсиз денгиз демаганмиз.*

*Тунсиз денгиз демаганмиз,
Тубсиз денгиз демаганмиз.*

*Денгиз тенгсиз, тенгсиз денгиз,
Денгиз енгсиз, енгсиз денгиз,
Денгиз томсиз, томсиз денгиз,
Денгиз тонгсиз – тонгсиз денгиз
Денгиз тубсиз – тубсиз денгиз,*

*Оролимиз сувга тўлсин,
Қадимгидай денгиз бўлсин.
Денгизлардай тенгсиз бўлсин,
Денгизлардай тубсиз бўлсин деймиз.
Умммонда сув тўлқинлари,*

Табиатдан товланади тасаввур

Тасаввурдан жамланади тафаккур.

Тафаккурдан таажжубда тасвирим,

Тасвиримдан жилолансин жамолим,

Жамолимда мужассамдир камолим.

Камолимнинг кам-қўстлиги хаёлим.

Хаёлимнинг жилолари ҳавода,

Юрагимнинг нидолари навода.

Наволарим намолари даводир,

Саболарим садолари маъводир.

Маъволарнинг маънолари сўз-сўзда,

Сўзларимнинг сунбуллари сир-сехри.

Юрагимнинг қуввати-ю дил меҳри,

Заминимга замонамга уйғундир.

Сўзим билан борим-йўғим ўзимдир.

Гавҳар сўзнинг умри-жони узундир.
Узун-узун сўз айтолсак чайналмай,
Топганимиз-тотганимиз тузимдир
Тўзим берсин-сўзим ноним, тузимдир
Сўзим чашма- тилга ошна ҳаётим,
Сўзим мақсад, сўзим хоҳиш, нажотим.
Сўзим билан баланд парвоз ҳаётим.
Сўзим билан ижодим ҳам равондир,
Сўзим асраб сарфлай олсам уммондир,
Сўзим осмон, сўзим бўстон, сўзим бахт
Сўзим билан ижобатдир олий аҳд!
Саф-саф сўзлар сафимизда сафодир,
Саф-саф сўзинг нафсиз бўлса жафодир.
Саф-саф сўзинг қиммати-ю-қудрати
И н с о н л а р г а қ а р а т и л г а н н а в о д и р.

3.3. Овоз жарангини жонлантирувчи сонор товушли бирикмалар:

Хуммомо ҳоммом-юммомо ёммом яқа ёқо юқайёвв.

-Замину замонга,

Уммонга осмонга, ўрмонга, зору гирмонга,

-Самога, мавога, ҳавога, сабога, саҳрога жарангласин овозимм.

-Юввово юввов-луллоло луллов уввово уввов

- Нунноно нуннов нуёноно нуёновв. жарангласин, овозимм..

-Осмонга уммонга, ўрмонга, гирмону хирмонга,

-Замину, замонга, саъмога, маъвога, даъвога, саҳрога, жарангласин

овозиммм.

-Увоёво ювоёвв уёёла юёловв...

-Ёҳ-ёҳо ёҳ-ёҳ.ёҳа ёҳа юҳайёвв

-Лб-дб дум-дум,лм-лм-лум-лум

- Умаёна юнанов- умаёна юмааёв....

- Хирмону уммонга,
- Ҳаммому хумдонга,
- Ўрмону уммонга,
- Замину замонга
- Оламу инсонга жарангласин овозиммм...
- Олов-лов-лов лояла ялов...
- Олов лов лов лояла яловв...
- Мен оловман, оловман, ялов-ялов яловман...
- Хумдонларни қиздирган,
- Ўрмонларни ёндирган,
- Майдонларга ёйилиб осмонларга ўрлаган олов, ялов, яёвман.
- Куйдираман заминни,
- Эритаман чўянни,
- Эритаман кумушни,
- Эритаман пўлатни,
- Эритаман тиллани,
- Қудратим қалов-қалов.
- Ҳатто зумда тафтимда
- Оловда пишса палов
- Дуо қилиб енг дейман,
- Бизга олам кенг дейман.
- Оламдаги одамлар бир-бирига тенг дейман,
- Сиз ўт билан ўйнашманг,
- Ғамингизни енг дейман,
- Қадрингиз билинг дейман,
- Аслингиз улуг дейман..

Олов- олов -лов-лов..

Ювала ёловово овоё явовв- ювая явов ёвая явовв.

3.4. Талаффузни жонлантирувчи, фаоллаштирувчи товушли бирикмалар

*Осонларким,
Қачонларким,
Осмонларким,
Бўстонларким,
Қачонларким,
Забонларким,
Замонларким,
Инсонларким
Имконларким...*

Ушбу машқнинг имкон қадар бир нафас сиғимида талаффуз қилиниши нафаснинг сарфи учун мустаҳкамланишига ҳам ёрдам беради, сўз бирикмаларининг мантикий давоми ўрнида табиатдаги куч-қудрат, кенглик, равонликни тасаввурда жамлаш янада аниқ тасаввурга, фикрга муносабати йўналтириш учун:

*Мен бўронман, бўронман,
Қор қаҳрига ёронман.
Уйғонаман самода,
Қудратим кўр саҳрода,
Океанлар измимда,
Олам замин ҳукмимда,
Қоронғи тун, тонг саҳар,
Совуғим-ғоят заҳарр.*

Талабаларнинг бўрон қудрати ва эркинлиги, кенглиги, бепоёнлигини тасаввурида жонлантира олиши ва эркин, равон, табиий кенг овозда талаффузи ундаги фаолликни, ички ҳаракатнинг шаклланиши ва мустаҳкамланишини таъминлайди.

3.5. Тасаввур эркинлиги фаол ва пластик ҳаракат кучи-қудрати.

*Мен оловман-оловман,
Ловв-ловв ёнган ёв-ёв-оловман,
Ўрмонларга ўт кетса,*

Ёндираман ёв-ёвман.

Олов билан ўйнашманг,

Ўйиндан ўт чиқариб,

Култепага жойлашманг!

Тасаввур асосида эркин ҳаракатланиш, вужуд эркинлиги, товушлар сўзнинг жонлилиги ва фаоллигини шакллантиради:

Мен вулқонман-вулқонман,

Ер қаъридан ўпқонман

Қудратимдан тоғ пайдо,

Зилзила бўлар саҳро,

Денгизлардан отилсам,

Ороллар бўлар бино.

Тасаввурда вулқоннинг қудрати, она заминни тебратган кучини кўра олиш, ҳис қила олиш ижрочининг ўз имкониятини тўлақонли очишга, мустаҳкамлашга, мадад беради деб ўйлаймиз. Талабадан эркинлик, фаоллик, кенглик талаб қиладиган бу машқларни меъёрида бажаришга эришиш лозим, зўрма-зўракилик катта куч талаб қилиб, сиқикликка олиб келиши, чарчатиб кўйиши табиий. Ўз ўрнида секин, эркин ва фаолликда бажариладиган машқлар билан талабалар нафасларини ростлаб олишлари мумкин:

Шччшувв-сшччтувв-чт-тттувв-чшччувв

Кўршапалак-кўршапалак,

Кўршапалакдан кўп-кўп дарак,

Қанотлари пат-пат-пат,

Боилари сарак-сарак,

Тун зулматин қучади,

Қоронғуда учади,

Сезгир моҳир ва чаққон,

Кўршапалак-кўршапалак,

Кўршапалакдан кўп-кўп дарак.

Пингвинлар саф-саф-саф,

Бўлиб қолса хавф-хавф-хавф,

Жипслашиб саф-саф-саф,

Қиламиз тез даф-даф-даф,

Шундан бизга наф-наф-наф.

Даф бўлса гар хавф-хавф-хавф,

Даврамизда завқ, шавқ, шодонлик, зебу забонлик.

Бундай машқларни талабанинг ўзлаштиришга кўра мураккаблаштириб бориш назарда тутилади

Актёрлик санъатида талаффуз, сўз хатти-ҳаракати, образли сўз, нуткий характерлар яратиш тизимининг изчил-амалий, ижодий кўникмаларини яратиш муҳим вазифалардандир. Бу эса доимо изланишни, ижод қилишни тақозо этади. Ҳаётдаги ҳар сонияда содир бўладиган турли ибратли воқеалар, ҳолатлар, муаммолар, ташвишларимизни эслаш кўнгилдан ўтказиш, тасаввурда жонлантириш ҳамда уни мақсадли тарзда такомиллаштириб бориш ҳам сўз хатти-ҳаракати, бадиий сўз маҳоратини мустаҳкамлашнинг фаол ифодавий омилларидан биридир. Воқеалар, шарт-шароитлар ижрочининг ички тасаввурига монанд ҳаракат ва муносабатини белгилаб тавсия этилган товушлар бирикмалари талабанинг фаол сўз ҳаракатини мустаҳкамлашга шароит яратади. Сўз санъатида сўз сеҳри, унинг таъсирчанлик қудрати, жумлалар қурилиши ва жозибадор, бетакрор бўлиши, тоғу-тошлардан жўшқинлик ва қудрат билан оқаётган шалоладай фусункорлик кашф этиши беқиёс аҳамиятга эга. Табиийки, бу ўринда бадиий сўз устасининг нафас меъёрлари, овозининг шираси, жарангдорлиги, таъсирчанлик кучи ҳамда талаффузининг аниқлиги, равонлиги, бенуқсонлиги муҳим аҳамият касб этади. Ўз ўрнида ҳар бир сўз ўз мазмуни ва таъсирчанлигини, ҳаракат ва муносабат фаоллигини назарда тутган ҳолда ижро қилиниши унинг ижродаги даражаси назорат қилиниши, бадиий сўз маҳоратида фикр ва жонли сўз таъсирчанлигини мустаҳкамлайди. Театрларда ижод қилаётган санъаткорлар, санъат, маданият ва маънавият

тизимида фаолият кўрсатаётган бадий сўз усталари, нотиклар, педагоглар ҳамда ўз нутқини ўстиришга интилаётган журналистлар, юристлар ҳам мазкур усулдан фойдаланишлари мумкин. Айти пайтда турли товушлар талаффузининг софлигини таъминлашга етаклайдиган турли матнлар тузилиши ва улар такомиллаштириб борилиши зарур. Ижодкор ижрочиларнинг сўз бойлиги ўз тасаввуридаги жилоларини ўзлаштириши хорижий тиллардаги географик номларнинг талаффузи, урғуланиш ўринларини мустаҳкамлашга қаратилади. Бадий сўз маҳорати устида ишлаш жараёни нутқ техникасининг турли катламларини камраб олади. Ифодада аниқлик, равонлик, таъсирчанликка ва нутқий темпо-ритмик муаммалликка эришишда ижрочининг диққати, матнга кунт билан ёндашиши унли ва ундош, чалғитувчи, ёндаш товушлар доирасида ҳам тез ва соз, аниқ, равон талаффуз қилиш масъулиятини юклайди. Магистрантлар нутқида аниқлик, фаоллик ва равонликка эришиш учун ишланадиган матнларда ҳам айнан уларни аниқликка, фаолликка чорловчи вазифалар белгиланиши керак. Ўзбек тилида кўпроқ учрайдиган товушлар талаффузидаги камчиликка эътибор қаратиш учун қуйидаги машқий матнлар тавсия этилади:

Матннинг тузилишидан мақсад:

1. Ўзбек тилида “С” товушининг талаффузида аниқликка эришиш.
2. «С» товушидаги аниқликка эришиш вазифасини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш.
3. Сўз сўзлаш санъатининг муаммаллигига эришишда вазифаларнинг ошиб боришини ўзлаштириш.
4. Талафуз муаммаллиги, тизимли сўз ҳаракати, ошиб бориши жараёнида мантиқий изчиллик, вазифаларининг юкки ҳажми ортиб боришига эришиш.
5. Бадий сўз маҳоратида ҳаракат ва вазифалар тизимининг ошиб бориш жараёнида бадий сўз маҳорати доирасида аниқлик, таъсирчанлик равонлик, бетакрорликка эришиш ва саналётган сўз ҳаракати.

тизимларининг изчиллигини таъминлашга эришиш. Ижрочининг тингловчига таъсир кучини ошириб бориш.

3.6. Сўз санъатининг сир-синоатлари

- Сўз сўзлашда -соф сўзлашиб, соз сўзлаш.
- Сўз сўзлашда -соф сўзлашиб, соз сўзлашиб, мос сўзлаш.
- Сўз сўзлашда- соф сўзлашиб, соз сўзлашиб, мос сўзлашиб, хос сўзлаш.
- Сўз сўзлашда соф сўзлашиб, соз сўзлашиб, мос сўзлашиб, хос сўзлашиб, рост сўзлаш.
- Сўз сўзлашда соф сўзлашиб, соз сўзлашиб, мос сўзлашиб, хос сўзлашиб, рост сўзлашиб, сизлашиб сўзлаш.
- Сўз сўзлашда соф сўзлашиб
 - соз сўзлашиб, мос сўзлашиб
 - хос сўзлашиб, рост сўзлашиб
 - сизлашиб,
 - изланиб,
 - озланиб,
 - тезланиб,
 - кизланиб,
 - қизғаниб,
- меҳринг билан, завқинг билан,
 - шахдинг билан, аҳдинг билан,
 - шавқинг билан, сеҳринг билан,
 - қаҳринг билан, васфинг билан,
 - жаҳдинг билан, оринг билан, зоринг билан,
 - инону-ихтиёринг билан, мақсаду-қароринг билан сўзлаш.
- Сўз сўзлашда соф сўзлашиб, соз сўзлашиб, мос сўзлашиб, хос сўзлашиб, рост сўзлашиб, сизлашиб,
- Изланиб, озланиб, тезланиб, кизланиб, қизғаниб,
- Меҳринг билан, завқинг билан, шахдинг билан, аҳдинг билан, шавқинг билан, сеҳринг билан, қаҳринг билан, васфинг билан, жаҳдинг билан, оринг

билан, зоринг билан, инону-ихтиёринг билан, мақсаду-қароринг билан
сўзлаша олмасанг!

- Тугал,

-мукаммал,

- мухтасар

- муддаоли,

-иддаоли

- маҳоратда, шижоатда,

-жасоратда, ҳароратда,

- саодатда, фароғатда, нафосатда

- Фаол, бемалол, безавол,

- Бетакрор, беқиёс хатти-ҳаракатда,

-Равондан-равон, аниқдан-аниқ, ёниқдан-ёниқ,

- Ёйиқдан-ёйиқ, тўлиқдан-тўлиқ,

- Бўлиқдан-бўлиқ сўзлаша олмасанг.

-Сўзингда иснод, ўзингда иснод, кўзингда иснод.

- Ақлу-ҳушинг, ижодий қушинг.

-Қудрат-ғайрат-ҳайратин

-Савлатинг-давлатинг-қадру-қимматинг, олий ҳикматинг,

- Ғуруринг ва суруринг, омаду бахт қушингда

- барбод-барбод-барбод!

- Қисматинг-ҳурматинг-иззатинг-қадр қимматинг

-Санъатинг-сарҳадинг-савлатинг-давлатинг

- Меҳнатинг-шиддатинг билан

Ижод ва ижро сарчашмаларини бунёд қил бунёд!

-Баланд парвоз, лочин қанот, ижодкор ёшлар!

Бундай махсус тузилган матнларда айрим товушлар, сўзлар, жумлалар,
гап бўлаклари талаффузида янада аниқликка, таъсирчанликка эришиш
вазифаси ижрочининг ўз нутқи ва унинг ифодавий гўзаллиги
таъсирчанлигига эришишнинг аниқ мақсад-вазифаларини белгилашга ва

унга амалий эришишга интилади. Нутқнинг инсон ҳаёти ва фаолиятида ранг-баранглик, мукаммаллик ва мутаносибликни такомиллаштиришга қаратилган ушбу матнда бизни қувватлантирадиган фалсафий фикрлар ва татбиқ қилиниши лозим бўлган мақсадлар мавжуд. Қайд этилган фикрлар амалида бадиий сўзнинг ифодавий хусусиятларини шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири. Сўзлар, жумлалар, гап бўлақларининг талаффузида узвийлик, изчиллик, аниқлик, равонлик, табиийлик ва интонацион таъсирчанликка эришиш учун айрим машқларни тавсия қиламиз; Бунда турли матнлар, жумлалар, бирикмалар танланиб жамланди. Фалсафий мушоҳада билан ижро қилинади ҳамда такрорий такомиллаштирилади. Махсус тузилган турли сўз бирикмалари, товушлар ҳамда тез айтиш ёки саж тизимидаги қофияли тузилмалар билан нутқини чархлаши, аниқликка, темпо-ритмик ўзгарувчанликка эришиш учун тренинг асосида мунтазам такрорлаб туриш талаб қилинади. Эътиборлиси, бу тузилган матнлар фольклор жамоаларнинг бошловчилари ҳамда турли ансамбллар бошловчиларининг бадиий сўз маҳорати учун ҳам тавсия қилиниши мақсадга мувофиқдир.

3.7 Алфавит тартибида турли давлатлар ва шаҳарлар номи

ўша давлатнинг нуфузли олимлари, адиблари, санъат ва маданият намояндалари тимсолида уларга мурोजаат қилиш. Бадиий сўз маҳоратида мулоқот ва муомала билан тингловчиларга мақсадли мурोजаат қилиш, уларни қизиқтириш, равон, аниқ, ривожланиб боровчи, ифодада фаол, эркин, таъсирли ҳолатда, тасаввур, фикр ва муносабатнинг сўздаги ифодавий фаоллигини мустаҳкамлаш, қизиқтириш, улуглаш, чорлаш, вазифаси.

Эй дунёнинг донишлари,

олимлари,

орифлари,

одиллари,

қобиллари,

кодирлари,
нодирлари, Ангренга мархабо!
Ангрендан бир садо,
Тинглайсиз бўлиб шайдо!
Нотикликни кўзлайсиз,
Ифода сўз излайсиз,
Тўлиб-тошиб сўзлайсиз,
Билинг, асло чўзмайсиз.
Нутқингизнинг мазмуни,
Ҳаётнинг ёруғ куни,
Бахт-саодат ҳақида,
Эзгу одат ҳақида.
Гўзаллигу нафосат,
Ҳақгўйлигу адолат,
Нутқингизда янграгай,
Кунимизга ярагай!
Эй Бразилиянинг,
Болгариянинг,
Боғдоднинг,
Бирманинг,
Бельгиянинг,
Бомбейнинг,
Будапештнинг,
Берлиннинг,
Бувайданинг,
Балиқчининг
нотиклари, содиқлари, донишлари, олимлари, орифлари, қобиллари,
кодирлари, нодирлари машҳурлари!
Бухорага мархабо!
Бухоро қутлуғ фано,

Зиё бахшу, қадамжо!
Келаверинг ошиқиб, нотиқликка орзиқиб!
Эй Венесуэланинг,
Вашингтоннинг,
Варшаванинг,
Воронежнинг,
Вильнюснинг нотиқлари адиблари, етуклари!
Сизлар сўзнинг сардори!
Келингиз водий сари!
Гўзал шаҳар Фарғона,
Удумлари афсона,
Таровати шарқона,
Фарғонамиз ягона,
Фурсат оздир шошилинг, нотиқларга қўшилинг!

3.8 Илтифот, иззат-икром, ҳурмат-эътибор билан чорлаш.

Эй Гондураснинг,
Голландиянинг,
Грециянинг,
Грузиянинг,
Германиянинг,
Гананинг,
Гонконгнинг нотиқлари,
Ошиқлари, сардорлари, саркорлари, сарбонлари,
Сизни кутар Гулистон,
У ҳам бир боғу бўстон!
Сирдарёнинг юраги,
Халқимизга кераги,
Бағоят меҳмоннавоз,
Илтифотли ва шоввоз,
Кутар, қўли кўксида,

Ғубори йўк ичида!
Эй Даниянинг,
Дехлининг,
Доғистоннинг,
Дортмунднинг нотиқлари,
Собиқлари, содиқлари,
Ботирлари, кодирлари,
Моҳирлари, машҳурлари,
Келинг дарҳол Деновга,
Қулоқ солинг чорловга,
Деновнинг ҳам сеҳри бор,
Меҳмонларга меҳри бор,
Анъаналар бешиги,
Табиатнинг ошиғи,
Бахшиёна қўшиғи.
Сизга доим мунтазир,
Келсангиз албат татир,
Тандир кабоб, зўр патир,
Эътиборга кўп арзир!
Эй Тайланднинг,
Токионинг,
Тюменнинг,
Таллиннинг,
Туркиянинг,
Тибетнинг,
Туркманистоннинг,
Техроннинг,
Тожикистоннинг,
Туланинг,
Татаристоннинг,

Тўлиб-тошган,
Тоғлар ошган,
Нутқи жўшган,
Сўзи пишган нотиқлари,
Орифлари, олимлари,
Одиллари, афзаллари
Сизни Тошкент кутади,
Ажиб ашъор битади,
Салоҳият етади,
Ҳар тўқисда ўтади,
Турли тадбир, анжуман,
Шаҳарлар аро чаман,
Келинлар бўлиб омон!

Эй Мексиканинг,
Мўғилистоннинг,
Молдавиянинг,
Марокашнинг,
Минскнинг,
Москванинг алломаю, афсона,
Нотиқликда шоҳона,
Илғор фикр замона,
Нотиқлари келингиз,
Шамоллардай елингиз!
Сизни кутар Марғилон,
Уларда азиз меҳмон,
Бўлса агар тил забон,
Тўлиб, тошиб сўзлайсиз,
Эзгуликни кўзлайсиз,
Нотиқликдан нишона,
Келаверинг тортинмай,

Иккиланмай, оғринмай!

Эй, Канаданинг,

Калькуттанинг,

Кишенёвнинг,

Конибодомнинг,

Киевнинг,

Конгонинг,

Каттакўрғоннинг,

Кениянинг,

Жудаям чапдаст,

Бири баланду, бири паст,

Бири сусту, бирида шашт,

Карманага келингиз, шамолдайин елингиз!

Қолиб кетмай армонга,

Нутқни мослаб замонга,

Сўзлагайсиз беармон,

Бу юртдан олиб дармон!!.

Бу ўзига хос мурожаат, чорлов жараёнида нутқнинг ифодавий ранг-баранглиги, ўзгарувчанлиги, талаффузнинг аниқлиги, муносабатнинг фаоллиги, урғуларнинг турли миллий тилларга хос қўйилиши, фикрнинг англанишидаги фаоллик ва эркинлик таъминланишига эътибор қаратилади

Бугунги кунда мамлакатимизнинг жаҳоннинг энг тараққий этган кудратли давлатлари билан ҳар томонлама иқтисодий, ижтимоий, маданий алоқаларимизнинг мустаҳкамланаётгани, мустақиллигимизнинг улуғвор неъматларидан биридир.

Бугун Ўзбекистонни ҳар томонлама чуқур ўрганишга, ундан ибрат олишга интилаётган нуфузли давлатлар сафи ортиб бораётгани истиқболимизни белгиловчи омиллардан деб эътироф этишимиз ўринли. Шу жиҳатдан ҳам бу чорлов номлари зикр этилган ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос халқаро обрўси, тарихи, маданияти санъати, анъаналари, географик

тузилиши, тили, қадриятлари тасаввурда назарда тутилган ҳолда чорланиш вазифаларини белгилайди. Ғўё оддий жар кўринишидай чорлов бўлиб туюлгани билан матнга юкланадаган мақсад, ички ҳаракат анча терандир.

Турли мақсадлар, вазифалар тизими билан тузилган, машқлар ва матнлар тўплами нутқимизнинг ифодавий жозибадорлиги, мазмундорлиги, бетакрорлиги, таъсирчанлиги учун сўзлар, иборалар, ҳикматлар, халқ мақолларини танлай билишга, уларни керакли ўринларда моҳирона ишлата олиш, нутқимиздаги фикр, ғоя, тарғибот, ташвиқотни ишонарли тарзда тақдим қилинишига ёрдам беради. Сўз танлаш ва жумлаларнинг қурилиши бетакрор, гўзал тасаввур уйғота оладиган ҳамда ички ҳаракатни акс эттирадиган бўлиши керак. Жонли сўз санъати сирларини ўрганиш, ўзлаштириш ва сўз устасига айланиш инсоннинг асл кўрки, зийнати, обрў-эътибори, жамият ва ижтимоий фаолиятининг рамзи бўлиб қолаверади. Шу фикрларимизнинг амалий ифодаси учун бадиий сўз маҳорати ва нотиқлик санъатида, матн танлаш ва таҳлил хусусиятларида жумлаларнинг бир хил товушда эканлиги эътиборга олинishi зарур. Бунда ижрочининг ўзига хос диди, сўз танлаш иқтидорини шакллантириш, танланган жумладаги табиий, ҳаётий ифодалашга кўникма ҳосил қилиш вазифаси назарда тутилмоқда. Шу боис бир қадар ноанъанавий услубларда нутқий техник жиҳатлар устида ишлаш ҳамда уни жонли сўз билан мустаҳкамловчи ранг-баранг товушли бирикмалар, талаффузда тўсиқлар, тутқилар ҳосил қилувчи жумлалар, сўз бирикмалари назарда тутилган. Талабаларда ҳам шундай тез айтишларни тузишга бўлган интилишлари уларнинг тасаввур ва фикр доирасини кенгайтиради ҳамда ёзма ва оғзаки нутқда ўзининг истеъдодини ўстиришга сафарбар қилади.

Таянч иборалар:

Қисмат, кадр-қиммат, сарҳад, савлат, шиддат, ижро сарчашмалари, бунёд этиш, нуфузли олимлар, адиблар, намояндалар тимсоли, географик тузилиш,

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Талаффуз равонлиги ва бурролиги, таъсирчанлиги, жарангдорлигини артикуляцион эркинлик ва фаолликни такомиллаштиришга замин яратувчи воситалар.
2. Турли товушли бирикмаларнинг магистратура ва ундан кейинги жонли бадий сўз маҳорати ижро жараёнларини мукаммаллаштирувчи жараёнларда такрорланишининг аҳамияти ва вазифалари.
3. Актёрлар, суҳандонлар, бадий сўз усталари, нотиклар фаолиятида сўз.

IV боб. Сўз фалсафаси, ибрати ва ҳикматлари

IV. 1. Сўз санъатининг фалсафий қиммати, ибрати ва ҳикматлари

Бадий сўз маҳоратида ҳам сўз санъатининг фалсафий қиммати, ибрати ва ҳикматларига чуқур эътибор қаратилган ҳолда матн танлаш, таҳлил қилиш талабалар билан ишлаш кўникмаларини такомиллаштиради. Донишманд мутафаккир алломалар наздида, сўз фалсафасининг теран қатламларини бадий сўзимизнинг қувватлантирувчи, унга жозиба, нафосат, ҳаракат ва таъсирчанлик берувчи манбаларини ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ. Чунки:

- инсон ҳанузгача сўздан ҳимояланиш чорасини топган эмас, бир оғиз миннат, таъна, ҳақорат умр бўйи эсдан чиқмайди, тирикликда юракдан, ўлганда суякдан кетмайди.
- Зил-замбил юкларни кўтарадиган алп паҳлавонлар баъзан бир оғиз сўз, ҳақорат ёки таъна-ю маломатга тоқат қилолмайди.
- Сўзларни ҳавога ўхшатса бўлади, чунки уларнинг иккаласи ҳам кўзга кўринмайди ва уларсиз яшаб бўлмайди.
- Сўз дастлаб инсон вужудининг қайси аъзосида пайдо бўлади: бўғиздами, оғиз бўшлиғидами, ўпкада ё тилда? Шайх Нажмиддин Кубро бу хусусда

шундай дейди: Шубҳасиз, сўз – қалбдадир. Агар ўз фикрларингизнинг шоҳи бўлолмасангиз, атрофингиздагиларнинг қулига айланасиз.

– Биз доимо ҳаётимизга, фаолиятимизга қандайдир мазмун-мақсад, маслак баҳшида қилишимиз зарур, акс ҳолда ақлсизлик балосига гирифтор бўламиз.

– Бир ҳовучгина бўлиб кафтимизга сиғадиган “бош мия” деб аталадиган мўъживий аъзомиз ўн икки миллиард нерв толаларидан иборат. Уларнинг ҳар бири ўн мингта толалар орқали бошқа мия толалари билан мунтазам боғланади. Оқибатда эса биз бир юз йигирма триллион ақлий алоқа толаларига эгамиз. Инсон мияси бутун коинотлар оламидаги энг мукаммал тузилмалмадир.

– Ҳаётда ҳар ким омадли, саодатли, қудратли, муваффақиятлар соҳиби бўлишни истайди. Бунинг учун эса ўз ақлингизни оғриқ берар даражада ишлатишингиз зарур ҳолос.

– Ўз ақлингизнинг ҳукмдори, ўз фикрларининг фармонбардори бўлиш тинимсиз, изчил, мунтазам, машаққатли меҳнатни талаб қилади, унинг самаралари эса фантастик натижаларни беришга қодир.

– Ақл-фаросатимиз штанга кўтарувчи полвоннинг қўл мускулларидай чиниқтирилишига ва сарфланишига муҳтож, уни доимо чиниқтириш ва мустаҳкамлаш зарур. Бу ҳаётнинг энг ноёб, энг нодир кашфиётидир.

– Ақлнинг бебаҳо неъматини, озуқасини, уни такомиллаштирувчи, мустаҳкамловчи, мукаммаллаштирувчи манба – бу мутолаадир.

– Фикр – қувватингиз чашмаси, қудратингиз манбаидир. Фикрлаш учун фурсатни йўқ деманг асло. Фикрлашга сарф қилинган вақт, вақтни тежашнинг энг олий усулидир. Ўтинчи ўз болтасини чархлаганда ҳеч қачон вақти беҳуда сарф бўлмайди.

– Эшитганинг, минг-минг афсус, эсда қолмайди. Кўрганинг минг-минг алаҳхусус қочиб кетади. Ўзингнинг кечинганинг, ўзингнинг изланганинг, ўзингнинг уриниб эришганинг эса абадул абад сеникидир.

– Инсон ҳар қандай жисмоний, руҳий ноқулайлик, номувофиқлик машаққатларига бардош беришга қодир. Аммо ҳеч қачон ҳаётининг бемақсад, беазмунлигига бардош бера олмайди

-Доимо ўзингиздаги иккиланиш, ваҳм ва қўрқувнинг ғолиби бўлинг. Инсоннинг энг даҳшатли душмани – иккиланиш ва қўрқувдир, у билан сиз ҳар куни тўқнашасиз. Улар сизнинг вақтингиз ва кучингизни аёвсиз ўғирлайди. Швед халқининг бир ажойиб моқоли бор: ташвишли одам учун ҳар қандай майда нарсаларнинг ҳам сояси узундир.

А.Франс: Сўздан қудратлироқ нарса йўқ, ўткир далил ва юксак фикрлар сафини ёриб ўтиш мумкин эмас. Сўз ёвузларни яксон қилади, қалъаларни йиқади. У кўзга кўринмас қурол, сўз бўлмаса дунё дағал кучлар қўлида қолар эди. Сўз сеҳридан кучлироқ сеҳр йўқ дейди.

А.Н.Толстой: Сўз билан ифодаланган ҳар қандай фикр таъсир кўлами тугамайдиган кучдир. Сўз – буюк нарса, шунинг учун ҳам буюкки, сўз одамларни бирлаштириш, сўз орқали уларни бир-бирларидан юз кўрмас қилиб юбориш мумкин. Сўз билан меҳр қозониш, сўз билан нафрат ва адоватга йўлиқиш мумкин. Одамларни бир-бирларидан ажратадиган сўзни айтишдан сақлан.

Сўз тузади, сўз бузади. Олқиш ҳам сўздан, қарғиш ҳам сўздан. Обод қилгувчи ҳам, барбод қилгувчи ҳам сўз. Борлиқ ҳам сўз билан, йўқлик ҳам сўз билан. Сўз кулдиради, сўз ўлдиради. Топиш ҳам сўз билан, қопиш ҳам. Омонлик ҳам сўз билан, ёмонлик ҳам. Оламнинг яралиши ҳам сўз билан, йўқ бўлиши ҳам.

Машҳур нотиқ Марк Тулий Цицерон: ”Аниқлик ва тозаллик – нутқнинг зарурий шартидир” деган эди.

Аристотель эса, “Чиройли сўзлаш ишонтириш ва мантикий асослашда бирламчи” дейди.

Нотиқ Дионис Галикарнас эса, Нутқда мақсадга мувофиқликни муҳим деб ҳисоблайди. Шак-шубҳасиз, бугунги тезкор тараққиёт, ахборот асрида ҳам бу пурҳикмат сатрларнинг кадр-қиммати заррача камаймаган.

Айтишларича, Вольфганг Гёте бир жамоада маъруза қилади, ҳамма уни олқишлайди. Маъруза ниҳоятда таъсирчан, жонли ва омманинг талабини тўла қондаради. Шунда улар “Биз ҳеч қачон бундай маъруза тингламаганмиз, эшитган бўлсак ҳам бу даражада қаноатланмаганмиз, бу маъруза учун қанча вақт сарфлагансиз деб сўрашади. Гёте “Бутун умр бўйи ва яна икки соат” деб жавоб беради.

Бадиий сўз маҳоратининг техник жиҳатлари, ифода воситалари ҳамда кўникмаларини қандай машқлар, тавсиялар, вазифалар билан ўзлаштириш мукаммаллаштириш мумкин? Артикуляция, дикция, нафас ва овоз маромларини чиништириш, чархлаш, фаоллаштириш, эркинлаштириш учун аутотренинг машғулотларини такрорлаб туриш лозим. Турли давраларда кечадиган бадиий сўз ижрочилигида ифодавий ранг-баранглик, фикр баёнининг таъсирчанлиги учун мураккаблаштирилган воқеали тузилмалар, бадиий тўқималар ҳамда уларнинг тўғри йўлга қўйилиши талабаларда фикрлаш тарзи ва унинг ифодавий мазмунини, сўз хатти-ҳаракатидаги кўникмаларни мустаҳкамлайди. Бундай матнларнинг яратилиши ва ўзлаштирилиши бадиий сўз маҳорати орқали мустаҳкамланади ҳамда ҳар қандай оммавий чиқишларда, камера, микрофон олдида эркин, дадил аниқ ишонарли гапира оладиган бадиий сўз устасига айланиши учун таянч бўла олади. Бадиий сўз усталари ҳар қандай шароит ва вазиятларда; “Агар мен ўз фикрларимнинг шоҳи бўла олмасам атрофимдагиларнинг соясига қулига айланишим муқаррар” - деб ўзида куч, журъат, дадиллик уйғотиб, зиммасидаги ғоят маъсулиятли вазифани оқилона ҳал қилиши зарур. Айни пайтда фиклари-ю ғояларининг аслини, мақсад-муддаоларини тақдим қилишга тўғаноқ бўладиган журъатсизлик, иккиланиш ва ваҳиманинг баҳридан ўтиши лозим бўлади.

Иоганн Гёте айтганидек, “Актёр аниқ ва равшан дикцияни ўзлаштиришга уриниши керак. Зероки емирилган бир ҳарф ёки ноаниқ талаффуз этилган бирор сўз бутун жумлани икки маъноли қилиб қўяди ва томошабинга сингиб бораётган иллюзияни қатъиян бузиб, баъзида ҳатто энг

жиддий пайтларда кулишга мажбур қилади”. Товушларни тўғри талаффуз қила олмаслик, улардан унумли фойдаланмаслик ва сўзга бeфapқлик ижрoчилик санъaтининг ашaддий душманидир.

К.С.Станиславский “Товуш ва ҳижоларни ҳис этиш, уларнинг моҳиятини пайқаб билиш керак” дейди. Бунинг учун эса ҳар бир товушнинг пайдо бўлиши ва кучланиш манбаини билиш, ўша нутқ аъзосининг ютуқ ва камчиликларини ўрганиш, лозим бўлган чоғда эса маълум фойдали машқларни қўллаш лозим.

Соф талаффуз, яхши йўлга қўйилган овоз ва нафасга эга бўлмасдан туриб, сўз билан боғлиқ бўлган ижрoчилик санъати ҳақида фикр юритишнинг ўзи ҳам кулгилidir. Бадиий сўзда ҳар бир ижрoчи, қандай ҳаракат қилмасин ва қандай ажойиб нарсаларни ўйлаб топмасин – барчаси маълум бир жумла, сўз, парчанинг туб маъносини, бошқача қилиб айтганда, бирор мақсадни очиб беришга хизмат қилади.

К.С.Станиславский таъкидлаганидек, агар шу сўзлар ёзма шаклда бўлса, хуснихати ёмон бўлса ҳам, бир илож қилиб ўқиб олиш мумкин, лекин саҳнада туриб айtilган нотўғри сўзни, айниқса, ижрoчи ўзи сезмаганлиги сабабли (чунки ўзи сезса тузатади) қайтариб бўлмайди. Бундай ҳолларнинг олдини олишнинг энг қулай ягона тўғри омили – дикция устида қилинадиган тинимсиз меҳнатдир

Бадиий нутқнинг ифодавийлиги ва унинг кўникмаларини шакллантириш устида ишлашда яна турли машқлар билан нутқимизни такомиллаштириб боришимиз мумкин. Ҳар бир бадиий сўз устаси, ўзининг табиати, хулқ-атвори, тасаввури, ижодий ёндашиши, изланишлари билан ўзининг сўзамоллиги, эркин, жонли, таъсирли, қизиқарли гапириш иқтидори ва маҳоратини доимий ўстириб бориши, катта доиралардаги чиқишларига пухта, жиддий тайёргарлик кўриши лозим бўлади. Бундай масъулиятли вазифани амалга оширишда нутқий техник машқлар, ифодавий кўникмалар сизга таянч бўлиб, нутқингизнинг мазмуни, таъсирчанлиги, қудрати таъминланишига мадодкор бўлади. Умумкомплекс, пластик ҳаракат

фаоллиги, ранг-баранглиги, нафас кучи кенглиги, мустаҳкамлиги, талаффуз ва сўз хатти-ҳаракати, тасаввур, муносабат, диққат учун махсус матнлар танланади ёки яратилади. Машқ мобайнида, масалан, табиатнинг қудратли ҳодисаси бўлган шамол образида ифодавий табиийликка эришишга интилиш жараёни нутқий техник ифодавий ранг-баранглик ва фаол ички ҳаракатларнинг динамик, темпо-ритмик ривожини, бевосита танланган ёки махсус тузилган матнларининг воқеавий ривожини, мантикий узвийлигини тақозо этади. Бундай “ижробоп” матнлар устида ишлаш бўлғуси ижодкорларни интерфаол усулда тарбиялаб? профессионал тарбия талабларига эришишда таянч бўлади. Биз турли спектакллар, бадий фильмлар ёки ҳужжатли, илмий-оммабоп фильмлар, шунингдек, ҳаётда ҳам шамолнинг кўзга кўринмас, аммо тенгсиз қудрати, бир бошланса ҳафта ва ойлар давомида тинмаслигини, шиддати ҳайратомуз ҳодисаларга қодирлигини биламиз, тасаввур қиламиз, Нафаснинг мустаҳкамлиги, давомийлиги ҳамда меъёрий сарфланиш жараёнларини мустаҳкамлаш учун танланган “шамол” машқи ўзлаштирилиши лозим. Такрорий машқлар эса талабанинг тасаввури ва пластик хатти-ҳаракат ранг-баранглиги, ўзгарувчанлиги, эркинлиги, импровизацион имкониятларини мустаҳкамлашга қаратилади. Ижодкор талаба шамол образида сахна бўйлаб эркин, ранг-баранг, тезкор, ўзгарувчан ҳаракат траекториясида айланиш, жой танлашнинг бетакрорлигини ҳамда тинимсиз шамолдай Ш ш ш ш ш товуши талаффузида нафасини имкон қадар кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратиши керак. Диафрагмасининг фаол ишлаши, чиникиши, нафасини ушлаб тура олиши, меъёрий тизимли сарфлаш имкониятини мустаҳкамлайди. Бу машқ боғча, мактаб, коллеж, институтнинг бакалаврият босқичи ҳамда магистратура, ҳатто катта сахнанинг ижодий жараёнларида ҳам тренинг сифатида тавсия қилиниши мумкин. Магистратура бўлими талабалари ҳам ўзлаштириш жараёнида пластик ранг-баранг ва эркин ҳаракатга, импровизацион топқирликка кўникма ҳосил қилишга йўналтирилади. Бадий сўз маҳоратининг ифодавий таъсирчан

бетакрорлигига тасаввур ва сўз ҳаракатида ёрқин, бетакрор ижро кўникмаларига эришиш учун тасаввур ва муносабатни шакллантирувчи ва такомиллаштирувчи, турли, воқеалар, манзаралар, шарт-шароитлар, тафсилотларни хотиралар асосида эслаш ва қайта ҳикоялаш, такрорлаш орқали бадиий сўз устаси ўз нутқининг табиийлигига эришиши мақсадга мувофиқдир. Ранг-баранг вазифалар тизими ва уларнинг ижодий ечими орқали сўз устасининг сўз бойлигига, унинг бетакрор ва мазмундорлигига, оғзаки ва ёзма нутқнинг уйғунликдаги бадиий таъсирчанлигига эътибор қаратилади. Маълумки, аксарият одамлар тасаввури ва муносабатларининг фаоллиги учун турли ширинликлар, сархил ва тотли мевалар, тансиқ таомлар ҳақида эслаш ва уларнинг асл тотли, хушбўйлиги, иштаҳа очувчи мазаси ҳақида гапирганларида тингловчилар беихтиёр диққат ва қизиқиш билан тинглайдилар. Бадиий адабиётда юксак маҳорат билан тасвирланган манзаралар, мухташам обидалар, турли хулқ-атвори, тасаввурни фаоллаштирувчи тасвирлар, таомлар ҳақидаги бадиий тасвирлар жонли ва таъсирчан бадиий сўзнинг ифодавий қимматини мустаҳкамлайди.



Нутқ маданияти ва маҳоратини мукаммал эгаллаш учун муҳим бўлган боғча, мактаб, гимназия, лицей, коллеж ва бошқа санъат ва маданият масканлари, ҳарбий билим юртлари, юридик коллежлар, университетлар, педагогика таълим масканлари, давлат қурилиши академияси, маънавий диний таълим даргоҳлари сиёсий тарғибот мутахассисларини етиштирувчи соҳа йўналишларида сўз санъатига, нотиклик маданиятига етарли эътибор қаратилиши зарур. Ўз ўрнида булар учун катта ҳаётий, маънавий, бадиий баркамоллик намуна минбари бўлиши лозим бўлган санъатнинг театр, кино, телевидение, радио ва бошқа томоша турларида сўз санъати ҳамиша ўзининг қудратли, таъсирчан, етук ва гўзал ифодаларини такомиллаштириб бориши зарур. Чунки бу ҳолат ривожланаётган давлат қудратининг манбаларидан биридир. Тилнинг ривожланишига етарли ва мукаммал миқёсда эътибор бўлмаган мамлакатда ижтимоий, сиёсий, тарбиявий йўналишларда оқсоқликлар, узилишлар англашилмовчиликлар бўлиши мумкин.

Масалан, Япония ўз тараққиёти билан дунёни ҳайратга солиб келаётган давлат. Бу давлатнинг қудрати, бойлиги, фаровонлиги, маданияти энг нуфузли давлатлар томонидан эътироф этиб келинмоқда. Оддий мушоҳада илан таҳлил қилинса ҳам маълум бўладики, бу тараққиётнинг асосий омилларидан бири – илмга жуда катта эътибор ва талаб қўйилишидир. Аслида, илм ва тил, сўз, нутқ ёнма-ён юради, бир-биридан қувват олади, бир-бирини тўлдиради, ривожлантирилиши учун бир-бирига, ёритувчи, ифодаловчи, ривожлантирувчи манба ва восита бўлиб қолади. Сўз санъати билан ўзининг ижодий салоҳиятини намоён қилувчи ижодкор, гоҳ муаллиф асарини фикр, қалб, мушоҳада олами билан уйғунлаштириб ўз тингловчисига таъсирли, бетакрор йўсинларда тақдим қилса, гоҳ маълум мавзу, мақсад, ғоя, шарт-шароитлар асосида ибратли воқеалар, ҳаётий лавҳалар, шарҳлар, тафсилотлар таҳлиллар, тарғибот, ташвиқот манбаларини талқин этади. Демак, саҳнавий сўзлаш санъатининг илк машғулотлариданок нутқ ўстириш машқлари билан ёш мутахассиснинг нутқий имкониятлари, мантикий мушоҳадаси, мустақил, эркин, ранг-баранг фикри, қарашлари, борлиқ, нарс

ва ҳодисалар, воқеаларни фаол муносабат билан ҳис қила олиши ҳамда уни жонли, мароқли, таъсирчан, бадиий етук мақомларда эркин ифодалаш кирраларини ўзлаштириб бориши катта аҳамият касб этади.

Таянч иборалар:

Ифодавий жараёнлар, ғоя ва мақсад муштараклиги, импровизация, матнларнинг яратилиши, унумли фойдаланмаслик, пластик ҳаракат уйғунлиги, манба ва восита, бадиий баркамоллик.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Сўз санъатининг фалсафий қиммати, мазмун-моҳияти ҳақида ибратли ҳикматлар.
2. Бадиий сўз ижро маҳоратининг мазмундорлиги, таъсирчанлигини мустаҳкамловчи фикрлар.
3. Бадиий сўз маҳорати ижро жараёнларида такрорлашнинг аҳамияти ва вазифалари.
4. Актёрлар, суҳандонлар, бадиий сўз усталари, нотиклар фаолиятида сўз.
5. Бадиий сўзнинг таъсирчанлик, ҳиссий-эмоционал қудрати ва ҳикматини таҳлил ва талқин қилиш.
6. Бадиий сўзда амалий ижро хусусиятларини чуқур англаш ва қобилятини ўстириш.

4.2. Бадиий сўз маҳоратида тасаввурнинг жонланиши, эслаш, фикрлашнинг ўзига хослиги ва амалий ифодавий жараёнлари

Инсоният ўзининг XX1 асрлик манзилини сир-синоатларнинг ечилиши, илм ва тафаккурнинг ҳайратомуз парвозлари, санъат, маънавият ва ижтимоий ҳаётнинг ранг-баранг кўринишлари, курашлар, ютуқлар, мағлубиятлар, талотўплар, бўҳронлар силсиласи билан юкинган тарзда босиб ўтди. Гоҳ юксалди, гоҳ таназзулга юз тутди. Ҳар бир даврда ҳам сўз ва сўз санъати ўзининг яратувчилик, уйғотувчилик каби буюк қуратли кучини намоён этиб

келмоқда. Сўз санъати ҳамиша ўз замонининг руҳи, дарди, дунёси, муаммоларини акс эттириб келмоқда. Бинобарин, сўзнинг теран маънолик хусусияти ижрочидан қанчалик кўп вазифаларнинг ижодий ечимини топишни талаб этади. Ўз ўрнида ижрочи ижодкор ўз замонасининг энг илғор фикрли, жўшқин эътиқодли ва ранг-баранг талқин, ифодавийлик маҳоратини мукаммал эгаллаши ҳам зарур. Ҳар бир ижрочи аввало ўз замонаси, даври муҳитини ўзида сингдирган, ўзи яшаётган жамиятни ҳар томонлама теран англаган, унинг ютуқларидан чин инсоний қалб билан қувона оладиган, фахрланиб ардоқлаб, олқишлай оладиган ижодкор фуқаро бўлиши ҳам керак. Шунингдек, у давр иллатлари, умуминсоний кадриятларга ёт саркитлар, инсон табиатига ёт нуқсонларга муросасиз курашчи ва ташвиқоти, тарғиботчи бўла олиши лозим. Демак, ижровий матн танлаш, таҳлил қилиш ва талабалар билан ишлаш жараёни шу жиҳатларга бўйсундирилиши керак. Сўз санъатида замон руҳининг жаранги тараннум этилиши, илмий-назарий, амалий асосларда чуқур ёритилиши муҳим. Жаҳонда ҳар сонияда тезкор содир бўлаётган ва бир лаҳзада бутун оламга ёйилиб, инсониятни жумбоқларга дучор қилаётган воқеалар; терроризм, коррупция, мафия, наркотик моддаларнинг тинимсиз кулфатлари; ахлоқий тубанлик, ёшларнинг ёт таъсирларга чалғиб қолиши ва бошқа кўплаб ғайринсоний, ғайриоддий вазиятлар ўз келажагини, тинч бахтини, ижодий парвозларини кўзлаган ҳар бир инсондан, ҳар бир ижодкоридан, санъаткордан ўз замонаси руҳини теран англашини ва огоҳликни тақозо этади. Бор вужуди, ақли, тафаккури, қалби билан буюк яратувчиликни мадҳ этувчи, истиқлол мафкураси, миллий ғоялар билан дунёқараши шаклланган ижод мезони ҳаёт тарзимиз, умримизнинг мазмуни, эътиқодимиз, садоқатимиз тимсолига айланиши керак. Томоша санъати, хусусан, актёрлик санъатида ижодкор етук малакага, ижро маҳоратига эга бўлиши учун ҳам унинг борлиққа бўлган аниқ ва фаол муносабати ҳамда уни ифода қила олиш салоҳияти лозим бўлади. Биз сўз санъатида замон руҳининг катта ҳаётий аҳамиятини тўлароқ англашимиз, ҳис этишимиз учун Президентимизнинг қатор асарларини ўрганиб ва талабаларга

чукур ўрганишни тавсия ва тарғиб қилиб, турли саволларнинг мантикий ечимини топамиз.

Сўз санъатида ўзининг узоқ йиллик педагогик ва назарий тажрибасига эга ҳар бир мураббий устозга маълумки, ижровий адабий матн танлаш жараёни масъулиятли, диққатталаб, синчков ва зукколик билан ёндашишни тақозо этадиган давр. Танланган асарнинг пишиқлиги, катта истеъдод ва маҳорат билан ёзилганлиги, мантиғининг кучлилиги, тасвирларининг мукамаллиги, воқеаларнинг қизиқарлилиги, тасвирларининг пишиқлиги, асарнинг инсоний қадриятларга монандлиги, ҳар бир ижрочи ва тинловчининг дарду дунёсига таъсир кучи, ижрочининг тасаввури, муносабати, иродасини уйғота олиш хусусияти муҳим аҳамият касб этади. Аммо асар аввало уни танлаётган ижрочига манзур бўла олмаса ҳамда унда замона руҳи, миллий истиқлол ғояси ва мафкураси акс этмаса ўз-ўзидан бўшлиқ пайдо бўлиши, зўрма-зўракилик, сунъийлик юзага келиб, тўлақонли талқин ҳамда ижро маҳоратига ҳалал бериши мумкин. Ҳар бир ижодкор аввало ўзи туғилиб ўсган юртнинг ер-у тупроғи, мусаффо ҳавоси, суви, тоғ-утош, боғ-у роғлари, ундаги халқнинг бахти, тинчлиги фаровон, бой-бадавлат яшаши учун фидокорлик қилаётган инсонларга ҳақиқий меҳр-муҳаббат эҳтиёжини ҳис этмас экан, унинг ижоди ва ижросида одамларга таъсир қилувчи, ишонтирувчи, ҳайратларга солувчи кучни топиш қийин кечади. Негаки, тарихий қадриятларимиз ва анъаналаримизни, одамларда ҳақиқий фахр, меҳр, кадр уйғота олган борлиқни ҳис эта билиш, бугунги кунимиз учун бир дақиқа ҳам ўйлашдан, курашдан тўхтамаган буюк инсонлар, алломаларимиз, мутафаккирларимиз, ҳақида яратилган асарларга мурожаат қилиш лозимлигини тўлароқ ҳис этмоқдамиз. Катта истеъдод билан яратилган, бадий пишиқ ва етук, воқеалари таъсирли, муаллифнинг ғояси, мақсади бугунги кунимизга, миллий истиқлол ғояларига уйғун асарларни танлаш ва уларга талабаларда ҳақиқий меҳр, чанқоқлик, кучли хоҳиш уйғота олиш каби вазифалар ўз ечимини кутмоқда. Нутқ техникаси, мантиқ, сўз билан ишлашнинг ҳамма жараёнларида ҳам талабада сўзга, таъсирчан

бетакрор сўзга доимий меҳр, чанқоқлик уйғотиш зарур. Талаба сўз – энг ноёб, бебаҳо ижод манбаси эканлигини ҳис этиши, қадрлай олиши, сўзга, хассос сўзга чечан бўлиши ва бунинг ижодкорлик баркамоллигининг энг асосий омилларидан бири эканини бор вужуди, қалби, тафаккури билан ҳис этиши керак.

Сўзга меҳри, ташналиги бўлмаган талаба сўз орқали ўз томошабинларининг ишончи, хайрихоҳлиги, диққатини забт этиши қийин кечади. Жамият тараққиётининг ҳамма поғоналарида ҳам сўз гўзалликнинг, баркамолликнинг етакчи сабабларидан бири бўлиб келган. Халқимиз, миллатимизнинг тафаккури, мафкураси, маънавияти, дунёқараши эҳтимол ҳаёт-мамот учун танланиш, ўзгариш, юксалиш жараёнида экан, яшаш ва ижодий фаолият тарзимизда замон руҳи акс этиши лозим.

Мушарраф истиқлолимиз шукуҳи сабабли яратилган, замон руҳи билан уйғун, бадий-илмий-назарий, публицистик асарлар, қиссалар, романлар, сахна асарларини танлашимиз, таҳлил қилишимиз, талабалар билан ишлаб уларнинг тафаккурини, қалбини уйғотишимиз керак. Бундай вазифалар ҳар биримизни безовта қилиши табиий. Биз масалага ҳар томонлама илмий-назарий жиҳатдан ёндашмайлик, барибир аниқ амалий ижодий иш жараёни ўзининг ҳал қилувчи натижасини беради. Тинчлигимиз, тинч-осуда тараққиёт йўлидан кетаётган илдам одимларимизнинг кадр-қиммати, еримиз, сувимиз, ўту гиёҳлар-у, хазиначаримиз, қазилма бойликларимиз, томчиси асалга монанд шарбатлар берувчи меваларимиз, она юрт қадри, Ватан қадри, одамларимизнинг қадри катта қалб катта муҳаббат ва эъзоз билан ёзилган шеърларни катта меҳр, фахр, ардоқ билан тўлиб-тошиб айтиш – бурч ва масъулият бўлиб қолиши керак.

Талабаларда шеърни тўлақонли ҳис этиш учун қатор изланишлар, кунт, ирода зарур. Ҳозирги даврда кўпгина фуқароларимиз ҳаёт ташвишлари билан банд бўлиб, илоҳий юксак туйғулар: бурч, ватанпарварлик, халқпарварлик, адолат, ҳақиқат, инсоний қадриятларни эъзозлаш каби хислатларга доим ҳам эътиборли бўлолмаётгандай кўринади. Тараққиётимизнинг тақдири эса,

аслида, шу муқаддас туйғуларнинг гуллаши, камол топиши билан боғлиқ. Бу ўринда ўз-ўзидан кўриниб турибдики, санъат, кино, телевидение, радио, адабиёт, матбуот зиммасида бекиёс вазифалар турибди. Ватанпарварлик туйғусининг инсоний муносабатларда асл ҳолида акс этиши ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши, гуллаб-яшнашида етакчи манба, куч бўлиб келган. Шунинг учун Президентимиз бу туйғуга жуда катта эътибор билан қараб, ўзининг ҳар бир асарида бунинг нечоғлиқ муҳимлигини қайд этиб келмоқда. Замон руҳи матбуотимизда, нашр қилинаётган янги-янги асарларда, театр, кино, телевидение, радиода имкон қадар ёритиб келинмоқда.

Юртимиз том маъноси билан, мазмуни теран, қадимий қадриятларимиз билан боғлиқ байрамлар, юбилейлар, тадбирларига бой мамлакат. Халқимизнинг оддий гапидан тортиб, турли маросимлари, анъаналари алоҳида бир маъно мазмун, кашф этади.

Сўз орқали томошабинлар тасаввурига, дунёқарашига муайян борлиқ ва воқеалар тизимига бўлган муносабатига таъсир қила олиш салоҳияти ижрочининг иродаси, аниқ мақсад асосида қаттият билан томошабинга таъсир қилиш нуфузини доимий ўстиради. Бунинг учун қатор услубий тавсиялар, машқ ва машғулотлар мажмуини ишлаб чиқиш, берилган вазифанинг тасаввурни уйғота олиш манзараси, вазиятнинг талабада муносабат уйғота олиши, бефарқ қолдирмаслиги муҳим аҳамиятга касб этади. Чўл ва саҳрода қуёшнинг аёвсиз қиздириши, ташналик, толиққанлик шароитида ишлашга сафарбар қилиш ва сафарбар қилиниш талабаларда ирода, интилиш, ички ҳаракат, аниқ мақсад сари йўналтиради. Бу эса уларнинг ақл-у фикрини сафарбар қилишга, интилиш жараёнида тасаввур ва сўзнинг уйғонишига ва сўз ҳаракатининг табиий фаоллашишига ёрдам беради.

Ўқитувчи томонидан танланган матн талабалар учун ҳар доим ҳам жозибали, фикр-у ёди, қалбини ром қилиб қўядиган бўлавермаслиги мумкин. Аммо агар тасаввуримизда сўзлар манзаралар, образлар бўлиб жонланса ва

мустаҳкамланса, бизни чуқур фикрга, аниқ муносабатларга боғлай олса унинг ифодаси фаол ва таъсирчан кечади. Матнга фикран ва қалбан мафтун бўлиш учун муаллиф асарнинг яралиш муҳити ва туйғуси, безовталигини ҳис қила олиши керак бўлади. Талабанинг интилиши, унинг тасаввурини забт этган воқеалар, манфаатлар, хоҳиш, қизиқиш матндаги манзара, воқеа, тасвир-тафсилотга ҳамоҳанглик уйғотиши – устозлик маҳорати қирраларидан биридир.

Буюк мутаффакир Мир Алишер Навоий – умуминсоний мезонлари бўйича жаҳоннинг буюк сиймолари қаторидан жой олган даҳо. Таниқли шоирамиз Барот Бойқобилов «Сўз мулкининг соҳибқирони» шеъри билан буюк даҳо Мир Алишер Навоийга ҳаммамизда уйғониши лозим бўлган эътиқод, меҳр, ҳайратни изҳор қиладики, шеърни гуруҳнинг умумий иши ёки яқка ижро матни тарзида ўрганиш буюк бобомизни англашга ёрдам беради. Ҳазратнинг ибратларга ва ҳайратларга тўла ҳаёти ва ижоди замонлар оша Навоийни англаш ва ундан баҳраманд бўлишга чорлайди. Инсоний ҳислат ва буюклик ақл, қувват ва сўздай учта ҳаётӣ таянч устида турса, сўз ақл ва қувватнинг такомиллашувида муҳим аҳамият касб этади. Барот Бойқобиловдай ҳассос шоир Навоийнинг сўз қудрати, сўз сеҳри, сўздаги буюклигини катта ҳайрат ва меҳр билан ёритмоққа интилар экан ўзи, ўқитувчилар ва ижрочилар учун Навоийдаги ноёб ва бебаҳо қирраларни кашф этишга интилгандай бўлади. Жаҳондаги ҳамма миллатлар ҳам тенглар ичра тенг, улар бебаҳо, беқиёс, мўъжизавий олий шон қимматидаги ҳазрати инсонлар тоифасига дахлдордирлар. Ҳар бир миллат умумбашарий ўлчамларда даҳо даражасига кўтарилган мутаффакир олимлари, шоири замонларини улуғлайди. Ҳар бир миллат ўзининг буюк заҳо мутаффакирларининг ижодӣ меросини чуқур ўрганиб эҳтиром кўрсатса, ардоқласа, улуғласа, унинг илмӣ-назарӣ, ижодӣ меҳнатларини ёки қаҳрамонликларини хизматларини ёдида тутса, бу нарса миллатнинг баркамоллиги, ривожланиши ҳамда умуминсоний тараққиётида аҳамиятга эга бўлади. Ёш ижодкор ижрочилар буни бор вужуди, борлиқ оламга бўлган

нигоҳи ва муносабати билан чуқур ҳис қилиши, ибрат олишга интилиши зарур. Танланган шеърлар имкон қадар образли, воқеали, таъсирчан; миллатнинг донолиги, олийжаноблиги, заковати, салоҳиятини ўзида мужассам қилган бўлиши зарур. Муаллифдаги шу олий матлабни ижрочи кенг ва чуқур ҳис этиб, ўз олий муддаосига сингдириши шеърнинг ҳаётийлигини, таъсирчанлигини шакллантиради. Чунки ижрочининг олий мақсади кишиларни инсоний даҳо, умумбашарий ижодиёт, ақл-у заковат, комиллик манзиллари сари чорлашдир.

Етакчи ҳаракат: Ҳазрат Алишер Навоийдаги буюк салоҳият, ижодий юксакликлар, мўъжизавий сўз қудратини улуғлаш!

Миллий истиқлол ғояси: Миллат ва Ватан тараққиёти йўлидаги буюк инсонларнинг ноёб фаолиятини ижодий англаш ва шу руҳда келажак авлодни тарбиялаш.

1-воқеа: Инсоний бахт-саодат ва сўз санъатининг муштараклиги.

2-воқеа: Алишер Навоийнинг сўз санъатидаги тенгсиз хизматлари.

3-воқеа: Алишер Навоий, «Ҳамса», «Ҳазойин-ул маоний» асарлари бебаҳо хазина сифатида. Уларнинг Хуросон, буюк Турон ва жаҳон адабиёт хазинасидаги қиммати.

4-воқеа: Қилич қудратидаги қалам соҳиби ва унинг она замин, мусаффо осмондаги ўрни.

5-воқеа: Алишер Навоийнинг беназир ҳаёт, тириклик оламида илдиз отган устамон, дилхоҳ, маддоҳ ва суллоҳларни фош қилувчи қудрати.

Сўз мулкида гарчи кўп ўтган шоҳлар,

Сиз каби музаффар кишваристон йўқ.

Ҳоқондек сийлаган олий даргоҳлар,

Сизга тенг донишманд хисрав нишон йўқ.

Йўқдир сиздек буюк ва табаррук зот,

Аҳли дилга шафе комил инсон йўқ.

Йўқдир аҳли жоҳга бергувчи нажот,

Калом кишварида фаҳри даврон йўқ.

Шодумон этгали аҳли замонни,
Инсон тилин билган бир забондон йўқ.
Як қалам қилгали озод давронни,
Закий соҳиб қалам бир суҳандон йўқ.
Йўқдир сўзга шавкат бергувчи даҳо,
Муаззам тоғ каби бир соябон йўқ.
Йўқдир турк улусин уйғотган садо,
Хурликдан ўкирган бир арслон йўқ.
Гарчи ақлим олди не-не даҳолар,
Назм давлатида сиздек султон йўқ.
Падари бузургдек қилмиш дуолар,
Сиздек менга азиз бир меҳрибон йўқ.
Йўқдир турк назмида сиз қадар даҳо,
«Хамса»дан буюкроқ асар ҳамон йўқ.
Йўқдир «Ҳазойин-ул-маоний» якто,
Сизсиз Хуросон йўқ, буюк Турон йўқ.
Не бахт муқаррамсиз аҳли оламга,
Сизсиз нозимларга даври-даврон йўқ.
Қиличлар қудратин бермиш қаламга,
Сизсиз она замин тоза осмон йўқ.
Ҳамонки, маддоҳлар устамон, дилхоҳ,
Ўзининг дардидан бўлак армон йўқ.
Саноҳонлик қилур, сўзамол суллоҳ,
Тилини тийгувчи марди-майдон йўқ.
Йўқдир калом қадрин баланд тутган зот,
Сўз бозори касод, фидойи жон йўқ.
Йўқдир суҳанпарвар сарвари, Барот,
Иншодан бахтиёр аҳли иймон йўқ.
Не шараф улусга раҳнамо падар,
Қадрингиз сарбаланд этмаган он йўқ.

Миллий боғимизни қилиб мунаввар,
Сизга гул элтмаган аҳли замон йўқ.
Йўқдир сизга таъзим қилмаган меҳмон,
Президенту Қирол, шоҳу султон йўқ.
Йўқдир номингизни билмас ўзбекхон,
Чордовон етмаган ҳур хонадон йўқ.
Сиздек бунёд этиб олий қасрлар,
Ҳазрати сарвардан, балки шодмон йўқ,
Ҳавас қилса арзир эллар, насллар,
Машрикда бундайин дорул-омон йўқ.
Йўқдир бундан обод дорус-салтана,
Улусга Ватандин азиз макон йўқ.
Йўқдир ўзга юртда бундай тантана,
Сардори фидойи меъмор инсон йўқ.
Сиз миллат рамзисиз, миллат фахрисиз,
Сиздек шамсул миллат, зеби жаҳон йўқ.
Сиз билан то абад баланд қадримиз,
Тангри назар қилган сиздек комрон йўқ.
Йўқдир элга сиздек азизу ғамхўр,
Улусин ўйлаган соҳиб даврон йўқ.
Йўқдир ҳар каломи минг дурри шоҳвор,
Маснавийда сиздек фаҳри жаҳон йўқ.
Сизга шаҳар қурдик Навоий дебон,
Бундан зиёд балки, зўр армуғон йўқ.
Замон фарҳодлари қилолди бўстон,
Ўзбекдай меъмору қўли гул жон йўқ.
Йўқдир икки қадам шаҳарда армон,
Улуғ кентлар аро бундай бўстон йўқ,
Йўқдир ҳайрат билан боқмаган инсон,
Бир тўхтаб ўтмаган азим карвон йўқ.

«Янги Ҳамса» битдим сизга, эй устоз,
Бу айём бундан-да улуғ дoston йўқ.
Бир умр боғингиз этурмен обод,
Мен сизни унутсам – Ўзбекистон йўқ.
Йўқдир сиздек ҳокон бу жаҳон аро,
Назмда забардаст бир қаҳрамон йўқ.
Йўқдир пири комил бир дostonаро,
Сўз мулкида сиздек Соҳибқирон йўқ!

Ўқитувчи томонидан танланган матн талабалар учун доим ҳам жозибали, фикру, ёди қалбини ром қилиб қўядиган бўлавермаслиги мумкин, аммо унинг таҳлили ва белгиланган вазифалари, мақсади аниқлангач матн ишонч ва иштиёқ билан ўзлаштирилиши мумкин. Матнга фикран ва қалбан мафтун бўлиш учун муаллифнинг асарни яратиш муҳити ва туйғуси, безовталигини ҳис қила олиш керак бўлади. Талабанинг интилиши, унинг тасаввурини забт этган воқеалар, манфаатлар, хоҳиш, қизиқиш ҳамда матндаги манзара, воқеа, тасвир тафсилотга ҳамоҳанглик уйғотиш устозлик маҳорати қирраларидан биридир. Ёш ижрочилар буни бор вужуди, борлиқ оламга бўлган нигоҳи ва муносабати билан чуқур ҳис қилиши ҳамда буни тарғиб қила олиш бурчи ва масъулияти билан ёндаша олиши учун ҳам танланган матн қимматли манба бўлади. Миллатнинг донолиги, олийжаноблиги, заковати, салоҳиятини ўзида мужассам қилган қатор буюк сиймолар қаторида Алишер Навоий ушбу шеърда ўзидан сўнмас нуру-зиёни ақл ва қалб кўзи билан ҳис этишга чорлаётгандай туюлади. Ҳар бир ижровий матн ўзига хос аниқликда изчил ёндашишни тақозо этади. Воқеалар, берилган шароитлар, қиёслашлар тафсилотларнинг мантикий, изчил ва фаол ифодавий ечимини топишимиз керак.

Турли мавзуларнинг берилган шарт-шароит, муаллифнинг ғояси, муддаоси, асосий фалсафий туйғулари ижрочи томонидан аниқ ва чуқур англаниши лозим. Бу вазифалар ҳар бир талабанинг хотираси, ҳаётий кузатувлари ва кечинмаларини эслашни, қайта уйғотишни талаб этади Ҳар

бир инсонга хос ҳолатлар, тафсилотлар, кечинмалар, воқеаликни чуқур ҳис қила олиши муҳим. Таклиф қилинган мавзу йўналишида тасаввур ранг-баранглиги ва унинг сўзидаги ёрқин, қизиқарли ифодаси эркин, жонли ҳикоя қилинади. Ҳикоялаш машқи ижрочи ва тингловчилар учун ҳаяжонли, мароқли, ишонарли тарзда амалга оширилади. Сўз танлаш ва жумлаларнинг қурилиши бетакрор, гўзал тасаввур уйғота оладиган ҳамда ички ҳаракат хоҳиш-иродасини акс эттирадиган бўлиши керак. Жонли сўз санъати сирларини ўрганиб ва ўзлаштириб сўз устасига айланиш – инсоннинг асл кўрки, зийнати, обрў-эътибори, жамият ва ижтимоий фаолиятининг рамзи бўлиб қолаверади.

Шу фикрларимизнинг амалий ифодаси учун яна айрим машғулот ва тафсилотларимиз устида тўхталмоқчимиз. Соғинч ҳар бир инсонга хос энг яқин, аниқ мақсад, хоҳиш, интилиш, орзун и ёркин ва кучли ифодаладиган кечинма, беназир туйғу. Соғинч ўз яқинлари: ота-она, ака-сингил, дўст, кувноқ танишлар, туғилган манзил, яхши илиқ таассурот қолдирган манзаралар, турли мароқли машғулотлар, ўйинлар, сайру-саёхатлар томошалар, санъат асарлари, талантили актёрлар, ором олиш ёки турли ширинликлар, лаззатли таомлар ва ҳоказоларга нисбатан бўлади ва турли одамларда турлича кечади. Талаба шу топда нимани тез-тез эслайпти, кўмсаяпти, соғиняпти. Эслашни, соғиниш даражасида соғинаётган нарсасини мақташи, интилиши билан гапириб бериши керак бўлади. Ижрочи талабанинг «Соғинч туйғулари» жараёни изчил, таъсирли ва жонли сўз орқали ифодаланиши керак. Соғинган сиймо, манзара, манзил, машғулот, таом, гул ва дарахт бетакрор, ёркин, ижрочи ва тингловчида ўткир тасаввур уйғотиши зарур. Хаёлан ички нигоҳ орқали кўриш ва кўрсата олиш қудратини ҳис этиш тасвирланаётган манзара, воқеалар, персонажлар ва қаҳрамонларнинг фикрлаш ва хатти-ҳаракат тарзига айланмоғи лозим. Кучли эътибор, меҳр, ҳавас уйғота олиш маҳорати, соғинган, эслаётган манзарани кўришга интилиш интилиш қирраларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Машғулот мобайнида ёш талабаларда руҳан уйғониш, тасаввур

жонлилиги, мантикий аниқлик ва табиий жонли ифода хусусиятлари кузатилди. Ҳар бир ижрочи ижодкор аввало ўзи учун аниқ, ўзи учун белгили, кўрган-кечирган, бошидан ўтказган таассуротлар ҳақида табиий, эркин ва таъсирли гапириш маҳоратини намоён қилиши бадий сўз маҳорати шаклланишининг асосларидан биридир. Хотирада сақланган, бот-бот эсланадиган шундай лаҳзалар бўладик, у ҳар сафар эсланганда инсон руҳиятига қувват берувчи жараёнларни жонлантиради. Бу ҳақда жонли сўз орқали таъсирли лавҳалар тузиб суҳбатдош ёки тингловчига гапириб бериш талабада чуқурроқ из қолдириши табиий. Ҳикоя қилинган айрим «соғинч лаҳзалари» талабаларда чуқур эмоционал муносабат уйғота олади.

... Мана, киндик қонимиз тўкилган ота манзилимиздан йироқда таҳсил кўра бошлаганимизга ҳам озмас кўпмас тўрт ойдан ошибди. Шунинг учунми, болалигим ўтган, дала-ю қирлар, шинамгина ҳовлимиз, ўз кўлим билан экиб парваришлаб ўстирган узум, ўрик, нок, хурмо, жийда, ёнғоқлар, тик қомат бўлиб ўсаётган адл 48 та теракларимни тез-тез эслайман. Кеча дарсдан кейин хонамга чиқсам чойнакда иссиққина чой дамланган-у, хонадошим йўқ. Қўшни хоналарга чиққандир деб ўйладим. Чойнакни кўрдим-у онажоним яна эсимга тушди. Мактабдан очиқиб-ҳовлиқиб келганимда доим шу чойнакда дамланиб қалпоқ ғилофи кийдирилган қайноқ чой, ликопчада майиз, туршак, дастурхонда эса меҳрибон волидаи мўътабарим ўз кўлларида ёпган нонлари мени интизор кутиб тургандай бўларди. Хаёлимда онам бу сафар ҳам чойни дамлаб ўз ишлари билан машғул бўлиб юргандай эди. Бир зум ўйланиб қолдим-у бутун борлиғим вужудим билан онам, дадам, бувим, укаларимни соғинганимни ҳис этдим. Дилимда илинж, соғинч, маъюслик ўрнашиб олган-у, тобора авж олиб қизиб бораётгандай эди. Тезроқ рейтингларни топширсаг-у таътилга чиқсак, қушдай учиб кетгим келарди.

Эслаганим сари онажонимнинг парвона бўлишлари, меҳрибонлиги, шўхлик, ўйинқароқлик, ўжарлик қилган пайтларимда қуюнчақлик ва меҳр билан тушунтиришлари, пешонамни бағрига босиб елкаларим, орқамдан

силаб қўйишлари эсимга тушарди. Ҳар бир она бетакрор улуғвор ҳимматга эга, лекин ҳар бир фарзанд менинг онам ҳамма оналардан доно ва гўзал дейишга ҳақли. Чунки фарзанд ўз онасига фарзандлик кўзи, калби, меҳри билан қарайди. Мен ҳам шундай фарзандлардан бириманку!

Соғинчим тобора ортиб мени тинимсиз тезроқ уйга кетишга ундаётгандай эди. Ниҳоят қишки таътил бошланиб орзиқиб кутилган кун келди. Кечаси билан ухлаёлмай чиқдим ҳисоб. Эрта тонгдан чой ичишга сабр етмай йўлга отландим. Уйга кетишга деб жамғарган пулим вилоят марказига етиб олишга етарди холос. Марказдан қишлоғимизга етиб олиш учун ҳам автобусда элик дақиқалик йўл. Худога таваккал қилдим-у тижоратчилар ташийдиган “Икарус”лардан биронтасига илиниш илинжида ипподромга бордим. Йўлкира нархи анча мунча семирибди. Талабалигимни рўкач қилиб қайта-қайта илтимосимдан кейин ҳайдовчи ўринсиз олиб кетишга рози бўлди. Ўзимни дунёдаги энг омадли инсондай ҳис этиб, «тик» турганимча деразадан бепаён она юртимнинг тароватли манзараларини мириқиб томоша қилиб кетяпман-у, бот-бот уйга етиб боришим-у қандай кириб боришим, онам дадам, бувим, укаларим билан кўришишимни эслаб энтиқиб кетаман. Хаёлот ва бетакрор манзаралар томошаси билан анчагина йўлни босиб қўйибмиз, уддабурон ҳайдовчи биздек талаба йўловчилар ғамида тахталалар тайёрлаб қўйган экан. 2 ўриндик орасига қўйиб, кечаги уйқусизликда ўтган тун уйқуси кучи билан билан мизғиб қолибман. Ниҳоят эрта тонгда вилоят марказига кириб бордик. Таниш ва қадрдон манзиллар. Қишлоққача бўлган масофани пиёда забт этиш мақсадида йўлга тушдим. Ҳадемай қуёш кўтарилиб қиздира бошлади. Қорин оч, йўлда учраган жойда сув ичиб кетаяпман. Ниҳоят, она қишлоғимизнинг энтиктирувчи илиқ манзараси, адл дов-дарахтлари, уйлари, кўзга ташланди-ю кучимга куч қўшилгандай бўлди. Қишлоғимизга кираверишдаги қир-далада итлар галасига кўзим тушди. Негадир чўчигандай бўлдим. Қизиқ? Қаердан пайдо бўлди экан? Қадимим бир тезлашиб, бир юришга иккиланардим. Хайрият эътибор беришмади. Мана мени беҳад соғинтирган

уйимиз. Тақиллатмасдан дарвозани сурдим, очилди. Ҳовлимиздаги тандир олдида онажоним нон ёпардилар. Негадир кўнглим бўшашиб томоғимдан орзиқиш, соғинч ёшлари ўтгандай бўлди.

- «Ойижон, мен келдим»- демоқчи бўламан-у, овозим етмаётгандай бўлади. Онамлар эса – «Вой, вой, болагинам, келдингми» дейдилар-у нон узаётганлариниям, кўлида иссиқ нон олганларини унутдилар чоғи, саватгаям солмай нони билан мени кучоғига олдилар. Ох, бу лаҳзаларнинг таърифига тил ожиз.

Бир зумда чувиллашиб укаларим, дадам, ҳатто калишларини ҳам оёқларига илмай, судралиб бувимлар ҳам чиқиб келдилар.

Анчагина меҳримиз кониб-қонмай сўрашганимиздан кейин: «Ойи қорним оч, ейишга нимангиз бор?» деб сўрадим.

- «Ўйда косада қаймоқ турибди, мана бу иссиқ нон билан еб тургин. Ҳозирок қозон осамиз».-дедилар. Кўз ўнгимда тандирдан узилган иссиқ юмшоқ нон ва қаймоқ лаззати мени соғинч, она меҳри, ҳаёт мўъжизаси билан яқиндан огоҳ қилаётгандай эди...

Сўз санъати ижро маҳоратида бундай кечинмали эркин таассуротлар тизими ва ифода йўналиши жонли мулоқот, таъсирли ифода, равон, эркин ҳикоялаш маҳоратини мустаҳкамлаш билан бирга талабаларда инсоний хислатлар, она юртга, ўзининг қондош жондош халқига, Ватанига, ҳаётга меҳру-мурувват, садоқат, эътиқодни мустаҳкамлайди. Бундай машғулотлар талабаларда миллий истиқлол ғояларини чуқурроқ ҳис этиши ва ўзининг ижро маҳоратида татбиқ қилишига замин бўлади. Бор меҳри ардоғи билан ўз соғинчини баён қилаётган талаба ўз тингловчиларига ҳам меҳри дардини юқтиради ва ўзида ҳам шу туйғуларни ривожлантиради. Муаллиф матни билан ишлаш жараёнида муаллиф ғояларини ўзига сингдириши табиийроқ кечади. Гуруҳдаги бошқа талабалар ҳам ҳикоядан эмоционал таъсирланиб диққат ва ҳавас билан тинглаб ўзлари ҳам муносиб тарзда ўз соғинчларини изҳор қилишга уринадилар. Талабаларни биргаликда, ҳамкорликда ишлашга руҳлантира олсакки улар биздаги билимни қабул қилишга тайёр бўлишади.

«Диалог» ўқув мавзусининг талаба ва ўқитувчи ҳамкорлигидаги муҳокамасидир. Хотира қонуниятлари кўра инсон эшитган, ўқиган нарсасининг 10% гина мазмунини, кўрганининг 30%, ҳам эшитиб, ҳам кўрганининг 50% фоиз, ўзи гапириб берган нарсаларнинг 80%, ўз қўли билан бажарган нарсалар мазмунининг 90% фоизини эсида сақлаб қолади. Чунки «Эшитдим–унутдим, кўрдим–эслаб қолдим, бажардим–тушундим» ибораси бежиз айтилмаган.

Талабалар тасаввурларининг бойлиги, изланувчанлиги, топқирлиги шаклланиб мустаҳкамланиб бориши ва ижро маҳоратида ҳаётий, ўткир тарзда ифодаланиши мураббий ўқитувчи ва талабанинг доимий эътиборидаги одат бўлиши керак. Юқоридаги машқ ва машғулотлар чуқур ўзлаштирилиб, талабалар эркин, жонли, қизиқарли, мантикий пишиқ, таъсирли сўз маҳорати лаёқатини намоён қила бошлаганларидан сўнг берилган шарт-шароит ўзгаради. Ижрочи агарда мен табиатимга зид хулқ-атворли, мақсад ва хатти-ҳаракатли одам ўрнида бўлиб қолсам, шу берилган шарт-шароит ва воқеани қандай:

- Тасаввур қилган.
- Қандай мақсад қўйган.
- Қандай баҳолаган.
- Қандай ҳаракат қилган.
- Қандай ривожлантирган.
- Қандай якунлаган бўлардим? , дея ўйлай бошлайди.

Ҳаёлий режасини, хатти-ҳаракат тарзини ўзлаштира бошлайди. Масалан, Мен, мен эмас, хат ташувчи Саттор тажанг бўламан. «Тажанг» лақабини менга мактабда ўқиб юрганимда-ёқ синфдошларим «ямаб» қўйишган. Тажанг ҳам эҳтимол бувамлардан юққандир, жудаям серзарда ўтган эдилар. Ғашларига тегадиган майда, арзимаган сабабларгаям «гуриллаб, повиллаб, ёниб, тутаб» кетардилар. Ҳатто иштаҳам бўғилиб қолсаям бувамларнинг тутақиб кетишларидан чўчиб турардим. Мактабга борганимда саводим чиқиши билан бирга тажанглигимнинг ҳам саводи ошиб

борарди, чоғимда. Болаларнинг ҳижжалаб китоб ўқиши, хунук ёзуви, жавобининг сустлиги, ҳатто ўқитувчининг қўйган баҳосигача диққатимни тортиб қилдан-қийиқ ахтарардим. Болалар мени «биғиллатиб» қўйиб томоша қилиш учун ҳам тез-тез жаҳлимга «мой» қуйишарди. Ҳатто бир куни тўп тепиб мактабимиз фарроши Холида холанинг деразаси ойнасини синдириб қўйган, ўзимдан уч ёш катта Бектош билан роса жикка мушт бўлиб «бурним қонаган». Мактабни битиргач «тажанг»ликданми ё омадсизликданми тузукроқ ўқишга кириладим. Вақтим бекор ўтмасин деб почтага «Шошилинома» ташувчи бўлиб ишга жойлашдим. Кўпинча қавватли уйларга хат-хабар, шошилинома ташийман. Қавватли уйларда яшовчи рус, нўғай нафақахўр бувилар кўпинча овози ёқимсиз ит асрашади. Тажанглигимни билишадими пайдо бўлишим билан итлар «хори» бошланади. Бир куни почтадан хат-шошилиномаларни олиб йўл-йўлакай «супермаркет»дан ярим кило сарделка олиб кўрсатилган манзилга йўл олдим. Ҳовлида эгизак кучукларини шамоллатгани олиб чиққан сариқ сочли чол мудраб ўтирарди. Итваччалар мени кўриши билан ўзининг ботирликларини кўрсатишга тушишиб ёқимсиз ҳура бошладилар. Жаҳлим чиқиб шошилганда кўлимдаги халтадаги сарделка билан даф қилмоқчи бўлиб халтани улоқтирибман, илиб олишди-ю ихоталар орқасига ура солиб ғойиб бўлишди. Мудраб ўтирган чол чала ўзбекчалаб менга танбеҳ берди. Аввалига ёшларини ҳисобга олиб ўзимни босишга тиришдим, зерикиб ўтирганига мен айбдордай дакки беришдан тинмаяпти. Олиб қочилган «сарделка»нинг аччиғини кимга сочишни билмай тургандим ғазабимни жамлаб турли товушларга жойладим-да: Ҳқғч-прсфзм зклмнпрр-ждгваччичи-зхқчптрм-фсчқх ҳомоно-муни-минаморомм-чпжу ву жу жу жу, жуфиси-питурупп-жуқамучуқурр сапи-сипи-зупассчч.

Машқни бажариш талабадан жуда катта диққат, тасаввур-фикр-ички ҳаракат, ишонч ва фаол муносабатини тўла сафарбар қила олиш лаёқатини талаб қилади. Чолнинг бу «тушунмас» тилдаги серзарда жавобимдан попури пасайгандай бўлди. Қолган шошилинома узоқроқда бўлиб, автобусда

бориш керак эди. Автобусга чикиб тўртта бекат юришим билан кондуктор билетимни суриштирди. Шу пайт бошим ловиллаб кетгандай бўлди. Почта томонидан берилган «ойлик чипта», сарделкадан қолган «қайтим» ҳам талончи итваччалар олиб қочган халтада эди...

Талабаларнинг ижодий тасаввурига биноан воқеанинг мантикий давоми яна ривожлантирилиши, давом эттирилиши мумкин. Бу машқ талабани қалтис вазиятда унинг ички хатти-ҳаракати, фикри ва сўзнинг ҳаётийлиги, ўткирлиги таъсир қудратини ўстириш учун жуда фаол фикрлаш, ишонч, муносабатни талаб қилиб ҳиссий жўшқинликда вазият ва жараёни аниқ батафсил ҳикоялаш вазифаси қўйилади. Тасаввур тасаввурни, сўз сўзни, воқеа воқеани, фикр фикрни, муносабат муносабатни, мақсад мақсадни уйғота олиши лозим. Воқеликни тинглаётган талабалар ҳам диққат билан эшитаётган воқеаси ичида ўзини иштирокчи сифатида тасаввурлай олиши ва навбати келганида муқобил ёки ўхшаш лавҳа тузиш ва ҳикоя қилиши лозим бўлади.

Иш жараёнида талабалар берилиб, ишониб, қизиқиб ишладилар ва таъсирли, ишонарли, ғаройиб тафсилотлар туркуми тузилди. Фикр, тасаввур, ички ҳаракат мантиқи асосига қурилган бундай машқларда ҳатто битта воқеанинг айнан ўзини 8-10-12 та талаба такрорлаганларида ҳам талабалар катта диққат ва фаолликда тингладилар, гуруҳдошларининг айнан шу воқеани ўзини берилиб бутун вужуди, ақли, қалби билан ёрита олаётганидан завқланиб, ижобий эътирофларини билдирдилар. Дарсларнинг ижодий, тўлақонли, фаолликда ўтиши катта аҳамиятга эга. Дарсларда ижодий жараёнларга эътибор кўпроқ қаратилганлиги учун талабаларда «кўникма» ҳосил бўлиб қолиши табиий. Бундай шароитда зўр бериб уларни фикрсиз, аниқ мақсадсиз, аниқ ижодий тасаввурсиз турли вазият ва шарт-шароитларсиз «қуруқ» техник машқлар мажмуалари билан банд қилиниши сиқикликка, сунъийликка, юзакиликка, лоқайдликка олиб келиши мумкин. Талабаларнинг «топилган ижодий машқлар»нинг қадрига ета олиши, уни мустаҳкамлай олиш иродаси, интилиши ижодий изланувчанлик билан

бойитиши, ранг-баранг ижодий ижро даражасига етказиши унинг ижро санъатининг такомиллашишига, бетакрор ва бой бўлишига асос бўлади.

Қаҳрамонимиз «тажангполвон» асаблари бузилиб автобусдан туширилганидан кейин шошилиночномаларни тарқатиб, хориб-чарчаб, чанқаб уйига пиёда келса, аксига олиб уйнинг калити ҳам олиб қочилган халтада экан. Уйда ҳеч ким йўқ, уйдагилар вилоятга, қариндошиникига тўйга кетишган. Қорин таталаб, тинмай овқат сўраяпти. Уйга кира олмайди, тажанглиги ўзига маълум, шунинг учун қўшниларидан ўзини тортиброк юради. Боши қотиб уйи олдидаги очик майдондаги ўриндикда оёғига дам бериб ўтирганда, ўчакишгандай шаррос ёмғир қуйиб юбориб роса шалаббо килди. Сувга тушган мушукдай дийдираб ўтириб тонг оттирди. Эрталаб уйи олдида одамлар тўпланишяпти. Ош бор шекилли, оч қоринда умид, илинж пайдо бўлиб сергакланди, лекин таклиф қилинмаган. Умидвор бўлиб, одамлар олдида бориб салом берди. Олдиниға унга эътибор бермадилар, кейин нега ҳўл, сувга тушиб кетганми деб қизиқа бошладилар. Воқеани эшитиб юр ошга, биз билан бориб келасан деб таклиф қилдилар. «Ош» сўзини эшитиб тажангвойимизнинг оғзига сув тўлгандай бўлди-ю, тезроқ бориши, оч қоринга малҳам бериш учун қанот боғлаб учгиси келди. Ош берилаётган уйга етиб келдилар. Одамлар навбат кутиб тик туришарди. Тажангвой қўл узатса етадиган стол устидан бир бурда нонми, сомсами, варақами шарт олиб оғзига тикқиси келарди-ю, орияти, тажанглиги устун келиб қўл узатишдан ўзини босди. Ниҳоят столга ўтириш навбати келди-ю, тажангимизга яна жой етмади... Ниҳоят янги келган гуруҳга қўшилиб ўтирди. Чой қуйиб атрофидагиларигаям узатиб, ўзи ҳам қайноқ чойдан титраганича ҳўплади. Бутун танасига жон киргандай бўлди. Яна ичди, бир бурда нон олиб, оғзига солди. Нон оғзида эриб кетгандай бўлди. Нон ҳам шунчалик ширин бўладими. Ниҳоят, лаганларда ош ҳам етиб келди. Ёғлари кил-киллаб турган тўй оши, ўзбекнинг ўзбеклиги, тантилиги, жиндай «манманлиги», бир жиҳатдан «ҳотамтойлиги» рамзи. Ош вужудига ош бўлиб эмас, «малҳам», «дармон», «қувват» бўлиб кирарди.

Бунақа ширин ошни анчадан бери емовди шекилли... Оҳ, тўй оши!!!

Тасвирий санъат мактабида ёш мусаввирлар «инсон анатомияси»ни чуқур билиши уни ички мушак пайларигача жуда аниқликда ҳис эта олишлари ҳамда уни полотнога оддий қалам ёки рангларда ҳаётий аниқликда акс эттира олишлари учун йиллар давомида машғул бўладилар. Актёрлик санъатида ҳам образларнинг ички дунёсини, сезгиси, фикри ва тасаввурини, мақсади ва хоҳиш иродасини мукаммал аниқликда ҳис қила олишлари учун, буни яна таъсирли, жонли, сеҳрли сўз орқали «жонлантириш» учун ижрочи изланишлар уйғунлигини ўзида кўра билиши, ҳис эта олиши катта аҳамият касб этади. Ижодий жараёнларда ижодкор эркин, ранг-баранг, гўзал, лаззатли сўз сеҳри ва қудратини забт эта олиши учун бунга эришишнинг мураккаб ва машаққатли шакллари катта ирода, хоҳиш ва меҳр билан ўзлаштиришга етарлича вақт, куч, асаб топа билиши керак. Республикамиздаги мавжуд театрларимизда тил, нутқ техникаси, сўзнинг баркамоллиги, ютуқ ва камчиликлари ҳақида мулоҳаза, мунозара, эътироз ва эътирофлар саҳналаштирилган асарнинг мавзуларидан бири бўлиб келмоқда. Бу анъанани ўз вақтида ўзбек театр санъатининг ассосчиларидан бири Маннон Уйғур катта салоҳият билан бошлаб берган эди. Ижодий фаолияти сўз санъати билан боғлиқ актёрлар, сухандонлар, нотиклар, сўз усталари нутқ техникаси ва сўз санъати устида мунтазам катта куч, ирода, хоҳиш ва меҳр билан ишламас экан, нутқ маданияти, сўз санъати жозибали, таъсирли жаранглаши қийин кечади. Нутқ техникаси мажмуаларини ўзлаштириш машқларини доимий такомиллаштириб боришни талаб этилади. Демак, ёш ижодкорлар учун ўз майли, хоҳиши, қизиқиши, интилиши эҳтиёжи табиий даражада ижро бадийлигини очувчи калитлардан биридир. Биз бу қўлланмамизда ҳаётбахш жонли сўз санъатининг илк имлоларини жамлашга интилдик. Сўз санъати устида ишлаш ижодий бойитилган мазмунда давом этиши мақсадга мувофиқдир.


Таянч иборалар:

Талаффузни равонлаштирувчи бирикмалар, -Ҳқғч-прсфтм, -зклнмнпрр-
ждгваччичи, -зҳқчптрм-фсчқх, -ҳомоно-муни-минаморомм, -чпжу ву жу жу
жу-жуфиси-питурупп-жуқамучуқурр,- сапи-сипи-зупассчч.- хаёлотда
бетакрор манзаралар, мукаммаллаштириш машқлари, очиқиб-ҳовлиқиб,
истиқлолимиз шуқуҳи.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Сўз санъатининг фалсафий қиммати, мазмун-моҳияти ҳақида ибратли ҳикматлар.
2. Бадий сўз ижро маҳоратини мазмундорлиги, таъсирчанлигини мустаҳкамловчи фикрлар.
3. Ижро жараёнларини мукаммаллаштирувчи жараёнларда бадий сўз маҳоратининг аҳамияти ва вазифалари.

4. Актёрлар, суҳандонлар, бадий сўз усталари, нотиклар фаолиятида сўз.




Хулоса

Драматик театр ва кино актёрлари ижодида бадиий сўз маҳоратининг ўрни аҳамияти ва вазифалари, бадиий сўз санъатининг ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий, маърифий жараёнлардаги тарбиявий аҳамияти давримизнинг долзарб вазифаларидан биридир. Ўзбек ва жаҳон бадиий сўз санъати таниқли усталарининг ижрочилик маҳоратидаги асосий назарий ва амалий ижро жараёнларини ўрганиш ва бўлғуси мутахассисларга сингдириш бугунги кунимизда янада теран маъно касб этмоқда. Театр, кино, эстрада, радио ва телевидение санъатида бадиий сўз усталарининг ижодий чиқишлари муҳим аҳамиятга эга. Давр руҳи, замон талаби миллий истиқлол ғояларининг бадиий сўз санъатидаги ифодавий тенденцияларини тақозо этмоқда. Жаҳон илмий, маънавий оламида кадр топган Имом Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Фарғоний, Аҳмад Яссавий, Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, буюк саркардалар: Спантамано, Жалолиддин, Амир Темури, Темури Малик ҳамда миллат истиқлоли йўлида қурбон бўлган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир ва бошқа кўплаб аллома сиймолар яшаган юрт – Ватанда яшаш бурчини, ижодкор бўлиш шарафи масъулиятини қалб ва ақл заковати билан ҳис этиш, муносиб санъаткор туйғуси шакллантириши лозим. Илк сабоқларданок умуминсоний фазилатларга меҳр, эътиқод руҳи, уларнинг ички дунёсида, ишончи, табиати уйғонишида муҳим ижобий аҳамиятга эга. Сўзнинг асл маъноси, унинг замиридаги инсон тасаввури, фикри, мақсади, хоҳиш-иродаси ва бунинг сўздаги юкини ҳис қила олиш лаёқатининг шаклланиши кўп вақт, кунт талаб қиладиган жараёндир. Бунда ҳар бир ёш ижодкорнинг хотираси, тасаввури, билими, тафаккури, иқтидори, борлиқни англай олиш қобилияти, хатти-ҳаракатидаги табиийлик ва жўшқинлиги, қобилият, унинг сўз орқали ифодадаги таъсирчанлигини вужудга келтиради. Ҳаётда сўзамол ўз мақсади, фикрини ёрқин ифодалаш фикрига эга.

Инсонларни кузатиб ўрганиш, сўз хазинасининг бойиши ва ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракатдаги фаоллиги, мақсадини англатиши керак. Ўрганиш орқали ёш ижодкорларда сўзнинг кучи, қудратини ҳис қилишга ва

диққатини жамлай олиш иқтидорини шакллантириш муҳимдир. Биз яшаётган муҳит, олам бой ва ранг-баранг, бетакрор табиат манзаралари, меъморчилик обидалари, биз танишаётган бадиий адабиётлар, томоша санъатининг минг бир жилвалари, тасвирий санъат, кино олами тасаввур дунёмизда жилваланиб, таассурот ва тасвирлаш ранг-баранглигини шакллантиради. Сўз ёрқин, бетакрор ифода уйғотувчи манбадир. Талабаларда сўзнинг кадр-киммати, маъноси, қудратини ҳис қилишга табиий эҳтиёж, қизиқиш, чанқоқлик ҳассос муносабат уйғотиш муҳим аҳамиятга эга. Нутқ техникаси билан баробар талабаларда сўзга меҳр уйғотиш, уларнинг тасаввур оламини уйғотиш, маънавияти, тафаккурини бойитиш лозим бўлади. Ҳар бир инсоннинг ўз кадри, ғурури, эътиқоди билан бирга диёримизнинг кўҳна ва азим шаҳарларидаги жаҳон меъморчилик санъатининг хайратланарли обидаларига ички нигоҳ билан назар солиш лаёқати шакллантирилади. Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Тошкентимиз жамоли, кўрки, салоҳияти ўзига оҳанрабодай тортувчи жозибаси билан жаҳон сайёҳларини мафтун қилувчи таассуротлар уйғотади. Кўҳна ва бетакрор обидалар тасаввуримизга қувват баҳшида қилиб, уни жонлантириб, ҳар бир талабани гўзалликни англаб сўз орқали тасаввур уйғота билиш иқтидорини ошириб боришга йўнатилади.





Маъруза ва маърузачининг характери

Ранг	Аҳамияти	Фикрлаш тарзи ва далиллаш
Оқ	Оқ ранг – бетарафлик ва ҳаққонийлик	Оқ рангли йўналишдаги фикрлаш факт ва далилларга кўра маълумотлар сони фаолияти ахборотидир.
Яшил	Яшил ранг яшил майса таъсуротида ниш ураётган кўкаламзор туйғусини беради.	Яшил фикрлаш жараёни янги ғоялар ва ижодий изланишлардан далолатдир.
Сариқ	Сариқ ранг қуёш нури билан мутаносибликни билдиради ва завқ ҳамда ижобий муносабатлар тимсолидир.	Сариқ ранг кўтаринкилик ва ишончнинг мустаҳкамлигидир. У умид ва ижобий фикрлар уйғунлигини намоён қилади.
Қизил	Қизил ранг огоҳлантирувчи ва хиссиётни фаоллаштирувчи хусусиятга эга.	Қизил ранг хиссий эмоционал муносабатлар, нигоҳ ва қарашлар ифодасидир.

Талабаларнинг фикрлаш, тасаввурлаш доирасини кенгайтириш, сўз бойлиги, талаффуз равонлигини ошириб бориш учун ўқув машғулоти жараёнида нафас, овоз, талаффуз ҳақида тушунчалар, тасаввурда жонланган манзаралар, тоғлар, дарёлар, денгизлар, океанлар, мамлакатлар, турли сайёраларнинг номлари, ҳайвонлар, мавжудотлар номлари аниқ тасаввур, муносабат ва аниқ мақсадлар тизимида талаффуз этилиши ва бир-бирига улаб ҳар бир номнинг ўзига хослиги, аниқроқ, ёрқинроқ тасвир уйғотиш вазифалари белгиланади. Бадиий сўз маҳоратида фикрлашнинг кенг қамровлиги, тасаввурнинг мустаҳкам ва аниқлигига, аҳамият берилади, талабалар бирин-кетин бир-бирларини тўлдириб борадилар. Албатта кўпчилик талабалар бу давлатларни расмлар, фильмлар орқали кўрмаган бўлса тасаввурлаши қийинроқ кечади. Бу ўринда кинотасвирлар, китоб, ва


рўзномалар, махсус расмлар орқали ўз тасаввурларини шакллантиришлари мумкин. Талабаларга тинглаш жараёнида ўз тасаввурида номлари зикр этилаётган давлатларга «саёҳат» қилади. Бетакрор манзаралар билан ҳаёлан юзма-юз бўлишга ва уни атрофидагиларга тасвирлашга уринади. Дарахтлар ҳақидаги тасаввур уйғотишга ўтилганда жараён соддалашади. Ҳар бир дарахтнинг ўз манзараси, ранги, бўйи, меваси, барглари ҳақида батафсил тасаввурлаш, нигоҳан бошқа дарахтларга ўтишида тасаввурнинг узилиб қолмаслигига аҳамият қаратилади: чинор, жийда, мажнунтол, терак, тут, ўрик, анжир, анор, арча, олхўри, олча, олма, ҳурмо, дўлана, нок, ёнғоқ, бодом, садақайрағоч ва ҳоказолар. Ҳар бир туркум сўзлар айтилиши билан тасаввур узлуксизлиги таъминлангач, бунинг тезлигини ошириб бориб турли тезликларда тасаввурлаш ва ифодалаш мақсадга мувофиқдир. Машғулот гуллар, дарёлар, ҳайвонлар, миллатлар, шаҳарлар номи айтилиши билан давом эттирилади. Машқ мобайнида талаба овозининг жаранги, нафаси, талаффузи, фикрлаш қобилияти табиийлиги, эркинлиги, фаоллигига эътибор қаратилиши лозим. Бажарилаётган ҳар бир машқ талабанинг тўлақонли фикрлаши, нутқдаги равонлик, таъсирчанлик, овози жаранги, талаффузидаги мукамалликка чуқур эътибор қаратилгани учун албатта якка ва умум машғулотларда кунт, кўп вақт талаб қилади. Тасаввур ва сўз уйғунлиги машқи жараёнида талаффузнинг бурролиги овоз жаранги уйғониши учун турли товушлар бирикмасини турли ритм тезликда такрорлаб нутқ аъзолари чархланади:

Нафас, овоз, артикуляция, дикция, пластик мутаносиблик, товуш бирикмаларининг ранг-баранглиги ва бир-бирини тўлдириши мантикий боғланиши вазифалар уйғунлигида амалга оширилади. Тасаввур, фикр ва муносабатлар фаоллиги учун махсус матнлар жамламаси доимий тарзда ўзининг нутқий ва бадий сўз маҳоратини такомиллаштириб боровчи ижодкор ҳамда булғуси устоз–мураббийлар, нотиклар, бошловчилар, суҳандонлар, актёрлар режиссёрлар, сўз усталари учун нутқий ифода ва бадий сўзнинг равон таъсирчан, жонли ва ранг-баранг бўлиши, нутқ

аъзолари фаоллиги ва эркинлиги, овоз марказини топиш, артикуляцион, дикцион мутаносибликка эришишда тренинг даражасида такрорлаш учун куйидаги товушли бирикмаларни оддийдан мураккаблаштирилган талаффуз ифодасида жонлантириш вазифаси белгиланади. Бу матнлар жамламаси “Бадиий сўз ижрочилиги” маҳорати учун танланган ранг-баранг матнлар олдидан нутқ аъзоларини чиниқтириш учун ҳам тавсия қилинади. Талабалар бу тавсияни умумий ва биттадан такрорлайдилар.

Таъкидлаш жоизки жамланган ва танланган матнларда шаҳарлар ва давлатлар номи такрор ва такрор берилмоқда. Бунинг ўзига хос юки ва вазифаси бор, чунки бадиий сўз ижро маҳоратида, сахна, эстрада, кино санъати, радио, телевидениеда, актёрлар, сухандон ва бошловчилар, муаллифлар нутқида хорижий тилларда талаффуз қилинадиган атамалар, давлатлар, шаҳарлар номлари географик номлар талаффузидаги урғу кўйилишида чалкашликлар учраб қолади. Ўз ўрнида талаффуздаги ғализликни тозалаш унда орфографик ва орфоэпик қоидаларга амал қилиш кўникмаларини ўзлаштириш учун танланмоқда. Шу ўринда биз грамматик, фонетик қоидалар билан кўрсатиб ўтишимиз ҳам мақсадга мувофиқ бўларди, аммо амалий ифодавий кўникма ва машқлар орқали оғзаки нутқда талаб қилинган натижаларга эришиш мумкинлигини англаган ҳолда махсус матнлар яратиб, шу матнлар орқали талқин, ифодавий мукамалликка эришиш мумкинлигини англадик. Шу мураккаблаштирилган машқлар ва уларнинг ўзлаштирилиши орқали талабалар бакалаврият йўналишида, иккинчи босқичдан дубляж санъати орқали бир қанча мураккаб ижодий жараёнларни эркин ва фаол уддалай олдилар. Ўз ўрнида дубляж режиссёрлари бунинг эътирофи этиб, ана шундай мураккаблаштирилган бадиий тўқималар билан ишлаш ўз самарасини бераётганини эътироф этдилар. Нутқ маҳоратини шакллантириш, ўстириш, талаффузни чиниқтириш, унинг софлигига эришиш жуда кўп вақт, хоҳиш, тиришқоқлик, кунт, куч талаб қилади. Машқ ўзлаштирилгандан сўнг тилнинг «ўткирлиги», бурро ва равонлиги учун ҳатто ижрочининг етуклик даражасида ҳам машқларни


такрорлаб овоз ва нутқ «созланади». Кўплар адабий талаффуз, нутқ устида ишлаш жараёнларини осон ва кўп вақт, куч талаб қилмайди, деб енгил ўйлайдилар. Бу – мутлоқо нотўғри тушунчадир. Сўзда баркамолликка эришиш узлуксиз давом этади, ҳар бир шахс мунтазам, жиддий ва чуқур ўз нутқининг таъсирчанлиги, жозибаси, сеҳри, қудрати, мукамаллиги учун интилиши керак. Зеро ҳаёт, инсон фаолияти, жамиятнинг тараққий этиши билимга, тараққиёт қонунларига боғлиқ экан, буларнинг аксарияти сўз орқали англонади ва англантилади. Фикрлаш сўз хазинасини бойитиш, турли мавзулар, воқеалар, тафсилотлар, тасвирлар билан инсон нутқининг имкониятларини очиб, такомиллаштириб бориш асносида, машғулотлар, турли бошқотирмалар, топқирлик синовлари турли машқлар билан тез-тез тўлдирилиб турилиши бир йўналишда толиқиб қолишдан асрайди. Кузатувчанлик, тасаввур маҳорати ва ўткир хотира ижодий жараён ва истеъдодни бойитувчи манбалардан биридир. Таълим ва тарбиянинг бошланғич давридан ижодий фаолиятнинг шаклланиш ва етуклик даврларида ҳам кузатувчанлик сўз маҳоратининг таъсирчанлик қудратини таъминлайди. Инсониятни ҳайратларга солган даҳо ёзувчилар, тасвирий санъат намояндалари, режиссёрлар, актёрлар, сўз усталари ижодий фаолиятининг мукамаллик мезонларига эришишида дунёнинг бор сеҳри, жозибаси ранг-баранглиги, бетакрорлигини кўра олиш, ҳис қила олиш салоҳиятининг аҳамияти катта бўлган. Ёш ижодкорларда нутқ маҳоратини ўстиришда унинг тасаввур олами, идрок қила олиши, кузатувчанлиги, диққати ва буларни ифодалаш маҳорати устида ишлаш муҳимдир. Бу йўналишдаги вазифалар, шарт-шароитлар, хатти-ҳаракатлар асосига қурилган машқлар талабанинг мукамал фикр, ички хатти-ҳаракат ва сўз санъати ўзининг ижобий-ижодий таъсирини кўрсатади. Бадий сўздаги жарангдор гўзал, таъсирли ифоданинг мукамаллиги албатта бакалаврият тизимида ўзлаштирилган нутқ техникасининг самаралари билан узвий боғлиқдир. Бу ўринда нафаснинг давомийлиги, чиниққанлиги овоз жарангдорлигининг маҳсулидир.



Муаллиф матнини ўрганиш, таҳлил қилиш ва асар устида ишлаш жараёнида муаллифнинг асарни яратиш тафсилотлари, унинг дунёга келиши сабаб бўлган воқеалар тизими, тасвирдаги давр руҳи манзараларининг тафсилотлари, қаҳрамонларининг ҳаёти, мақсади, интилишлари, хулқ-атвори, фазилатларини чуқур ўрганиш ижровий етукликнинг асосларидан биридир. Шу ўринда асарлари кўплаб тилларга таржима қилинган машҳур америка адиби Ирвинг Стоун Оксфорд университетида ўқиган маърузасидан айрим фикрларини қиёсан келтириш саҳнавий сўз ижрочилик санъатини эгаллаш учун фойдалидир:

«Биографик қисса бир инсон ҳаётининг хужжатлар билан тасдиқланган ҳаққоний тарихи бўлиб, унда ҳаётдан олинган ҳикояларга сайқал берилади ва муаллиф томонидан чинакам бадиий асар даражасига кўтарилади. Бу жанрнинг асосида сюжетларни етказиб берадиган энг яхши манба инсондир

ва шу маънода инсон ҳаёти битмас-туганмас хазинадир, деган эътиқод ётади».¹²



Ирвинг Стоун ҳозирда асарлари бебаҳо саналадиган мусаввир Винсет Ван Гогнинг биографик қиссасини яратиш учун Оврўпага келиб, Винсет юрган йўлларни бир-бир босиб ўтгани, у Боринжда тушган шахтага тушгани, Дениз хонимнинг нон дўкони ёнида у ижарага турган уйда ижарага тургани, Ван Гог каби Голландияда бир руҳонийнинг уйида яшагани, Франциянинг жанубини бошдан-оёқ яёв кезгани, Сарик уйда ишлагани, Ван Гогни ётқизишган психиатрия хастахонасида яшагани, ниҳоят Овердаги кичкина меҳмонхонада Ван Гог вафот этган хонада, у вафот этган тўшакда бир кеча

¹² Ирвинг Стоун. Биографик қисса ҳақида. –Жаҳон адабиёти, 2000 йил 7-сон, 147-бет.

ётганини эътироф этади.¹³ Ирвинг Стоун Эрнст Ҳеменгуэй билан учрашганида Ҳеменгуэй шундай деган эди: Тўқима, аслида, йўқ нарсa. Биз нимаики ёзсак, уларнинг ҳаммасини бошимиздан кечирган воқеалардан оламиз ёхуд уларни бошқалар бошидан кечирганда кузатган бўламиз.¹⁴

Биз сўз санъатида замон руҳи ифодасининг катта ҳаётий аҳамиятини тўлароқ англашимиз, ҳис этишимиз ва уни “Бадий сўз маҳорати”да ҳаётга ва ижодимизга татбиқ қилишимиз зарур. Негаки, биз Президентимиз И.А.Каримовнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт”, деган пурҳикмат ибораларига муносиб ижодкор авлод вакиллари тарбиялаймиз.

Таянч иборалар:

Давримизнинг долзарб вазифалари, ҳаётий аҳамияти, ҳаёт тарзимиз, теран англаш, яратувчанлик, тасаввур кенглиги, ижод мезони

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Бадий сўзнинг таъсирчанлик, ҳиссий-эмоционал қудрати ва ҳикматини таҳлил ва талқин қилиш.
2. Бадий сўзда амалий ижро хусусиятларини чуқур англаш ва қобилиятини ўстиришда ижодий изланишлар.
3. Бадий сўзнинг жамиятда тутган ўрни, вазифаси ва аҳамияти.
4. Телевидение ва радиода, режиссёр ва актёрнинг бадий сўз таъсирчанлигини оширишга муносабати.
5. Томошабин ёки тингловчининг тасаввури, дунёқарашига таъсир қилиш воситалари.
6. Бадий сўз билан таъсир қилиш, ўзгартириш, тарбиялаш каби вазифаларни бажаришда индивидуал ижодкорнинг вазифалари. Ирвинг Стоун. Биографик қисса ҳақида. –Жаҳон адабиёти, 2000 йил 7-сон, 147-бет

¹³ Ирвинг Стоун. Биографик қисса ҳақида. –Жаҳон адабиёти, 2000 йил 7-сон, 156-бет

¹⁴ Ўша жойда.

ГЛОССАРИЙ

МУЛЬТИПЛИКАЦИЯ – кинодаги мультфильм қўғирчоқли ёки чизилган ҳолда бўлади. Чизилган мультфильмда чизмалар тасвирга олинади. Тасвирланган персонажлар алоҳида ҳаракат фазасида ифодаланади. Мультфильм Америка расмони Уолт Дисней номи билан машҳур. Қўғирчоқ фильмида чехославакиялик режиссёр ва рассом Иржи Трики машҳурдир.

Инфратовуш - 16 герцдан кам частотали товуш.

Ультратовуш– 20000 герцдан ортиқ частотали товуш.

Формантлар - товуш тембрини ифодаловчи ва унинг бошқа товушлар тембридан фарқини кўрсатувчи частоталар.

Спектограф - товуш формантларини аниқловчи махсус аппарат.

Экскурсия - артикуляциянинг биринчи босқичи.

Ўрта ҳолат (иш ҳолати) - артикуляциянинг иккинчи босқичи.

Рекурсия - артикуляциянинг учинчи босқичи (талаффузнинг қайтиши).

Перцептив аспект - фонетиканинг эшитиш ва ҳис этиш билан боғлиқ жараёнларини ўрганувчи аспекти.

Лингвистик-функционал аспект - фонетиканинг юқори босқичи. У фонетик бирликларнинг тил механизмидаги ролини, демак, ижтимоий моҳиятини ўрганади.

Вокализм- унли фонемалар тизими.

Фокус - талаффузда фаол ва нофаол нутқ аъзолари орасида ҳосил қилинган тўсиқ. ўпкадан келаётган ҳаво оқимининг портлаб ёки сирғалиб ўтишидан шовқиннинг юзага келиши ана шу фокусда содир бўлади.

Консонантизм - ундош фонемалар тизими.

Интервокал ҳолат - ундош фонеманинг икки унли орасидаги ҳолати.

Ассимилятив ҳолат - нутқ оқимида фонемалар ассимиляциясига олиб келувчи вазият.

Диссимилятив ҳолат - нутқ оқимида фонемалар диссимиляциясиг олиб келувчи вазият.

Дивергент - дивергенция йўли билан бир фонеманинг оттенкаларидан ўсиб чиққан янги фонема. Айтилганда оғиз бўшлиғида тўсиқларга учраб шовқин билан ҳосил бўладиган товушлар ундош товуш деб аталади. Ундошларни характерлаш ва классификация қилиш унлиларга нисбатан мураккаброкдир. Чунки ундошлар пайдо бўлиши, жаранглилиги, жарангсизлиги, овознинг иштироки, соф ҳамда мураккаблиги ва шунга ўхшаш бир қатор белгиларига кўра хилма-хилдир.

Орфоэпия – тўғри (адабий) талаффуз меъёрлари тизими.

Силлабема- бўғиннинг фонологик бирлик сифатидаги номи.

Силлабика- бўғин (силлабема) ҳақидаги таълимот.

Акцентема - урғунинг сўз ёки нутқ оқимидаги фонологик-акцентологик хусусиятларига нисбатан номланиши.

Фоностилистика – фонетик-фонологик бирликларнинг, шу жумладан, урғунинг ҳам матндаги услубий хусусиятларига оид таълимот. У стилистиканинг бир бўлими саналади.

Интонация - оғзаки нутқнинг ритмик-мелодик томони, ундаги овоз (тон) товланишлари.

Семасиология – лексик бирликларнинг семантик таркиби ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганувчи соҳа.

Ономасиология – лексик бирликларни номлаш ва тушунча англатиш принциплари ҳамда қонуниятлари ҳақида маълумот берувчи соҳа.

Этимология – тилшуносликнинг сўз ва морфемаларнинг келиб чиқишини ўрганувчи бўлими.

Моносемия – бир маънолилиқ ҳодисаси.

Полисемия – кўп маънолилиқ ҳодисаси.

Калькалаб олиш – бошқа тилдаги сўзнинг морфемик таркибидан қисмма-қисм нусха кўчириш орқали сўз ясалиши, бу сўзда бошқа тил лексемаси маъносининг ифодаланиши.

Семантик калька – тилда азалдан мавжуд бўлган сўзга бошқа тил лексемасининг маъносини юклаш.

Натюрморт- тасвирий санъат тури

эвакуация- фавкулотда ҳолатда инсонларни бинодан чиқариш

компьютер- маълум амаллар бажарадиган механик қурилма

пульт- механик қурилмани масофадан бошқарадиган қурилма

актёр- сахнада роль ижро этадиган шахс

артист- санъаткор

импровизация- бадихағуйлик

кульминация- воқеаларнинг авж нуқтаси

фотомонтаж- фотосуратни монтаж қилиш

трагедия- адабий жанр

комедия- адабий жанр

декорация- сахна асарининг объектини ифодаловчи қурилма

бутафория- сахнада ишлатиш учун мўлжалланган буюмлар

костюм- бадий асар персонажларининг уст кийими

орликен- сахнадаги калта парда

кулис- сахна пардалари (1.2.3...)

микрофон- овоз кучайтирувчи мослама

колонка- овозни кучайтириб берувчи мослама

орган- чолғу асбоби

тембр- овоз жаранги

октава- мусиқий термин, ноталар оралиғи

сольфеджио- мусиқий термин

сопрано- аёллар овозининг тури

баритон- овоз тури

прожектор- ёритувчи ускуна

финал- воқеалар якуни

электр- энергия тури

роман- адабиётдаги жанр

фельетон- адабиётдаги жанр

палеонтология- тош даврини ўргатувчи фан

археология- тарих тўғрисидаги фан

эндокринология- тиббиёт термини

мезотерапия- тиббиёт термини

остеохондроз- тиббиёт термини

невралгия- тиббиёт термини

мифология- адабиётдаги жанр

монолог- (грекча *монос* — бир; *логос* — сўз) — асар қаҳрамонининг суҳбатдошига, ўзига, баъзан томошабинга қарата айтган сўзи, нутқи

диалог- икки кишининг суҳбати

дубляж- бир тилдаги бадий фильмни бошқа бир тилга таржима қилиб, уни бус-бутун сақлаб қолиш ва ўзга тилда гафдалантириш

каскадёр- актёрнинг ўрнига хавфли хатти-ҳаракатларни бажарадган инсон

алпинист- спортчи

фотоаппарат- сурагга оладиган қурилма

“БАДИЙ СЎЗ МАҲОРАТИ” ФАНИДАН

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Бадиий сўз санъатининг таъсирчанлик қудрати қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- А) Муаллиф асаридаги воқеликнинг фикр, муносабат олий мақсад ва сўз хатти-ҳаракати орқали жонли ифодаланиши. *
- Б) Матннинг равон, аниқ таъсирчан сўз хатти-ҳаракати уйғунлигида баёни.
- В) Ҳикоялаш жараёнида нутқий темпоритмик аниқ, изчил муносабат.
- Г) Тасаввур фикр, мушоҳада ва муносабат.

2. Бадиий сўз санъати ижро маҳоратининг вазифалари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- А) Тингловчиларни бадиий сўз санъатининг таъсирчанлик қудрати орқали миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш. *
- Б) Бадиий сўз санъатининг таъсирчанлик имкониятларини ижро маҳорати орқали тақдим қилиш.
- В) Воқеаликнинг ғоявий фалсафий асосларини амалий ижро орқали ифодалаш.
- Г) Тингловчиларга маънавий-маърифий, маданий таъсир ўтказиш.

3. Тасаввур ранг-баранглигини такомиллаштирувчи омиллар қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- А) Дикқат, хотира, эслаш.
- Б) Табиат манзаралари мавжудотлар олами, турли одамларнинг кўриниши, муҳташам иншоатлар, тасвирий санъат асарлари. *
- В) Театр спектакллари мутоала, фикр алмашиш.

4. Бадиий сўз санъатида нутқий характерлар яратишнинг ижодий жараёнлари қандай белгиланади?

- А) Турли инсонлар хулқ авторини кузатиш ўрганиш, муаллиф асарларидаги персонажларнинг фикрлаш, ҳамда хатти ҳаракат тарзини ўрганиш ва ўзлаштириш, фикр, мақсад, сўз хатти ҳаракати орқали. *

Б) Тасаввур, муносабат, жонли сўз, нутқ техникаси.

В) Матнларнинг ифодали амалий ижро жараёни.

Г) Нутқ техникаси, ифодали ўқиш.

5. Бадий сўз санъати ижрочилиги томошабинга қандай воситалар орқали тақдим қилинади.

А) Эстрада санъати, радио, телевидение, театр турли шоу дастурлари, адабий кечалар, юбилейлар. *

Б) Қўғирчоқ театри, нотиклик, тарғибот, ташвиқот.

В) Кино, дубляж санъати, маърузалар.

Г) Концертлар, турли маросимлар, одамлараро муомала.

6. Жонли сўзнинг таъсирчанлигини мустаҳкамловчи хусусиятлар қайси қаторда тўғри ифода этилган.

А) Сўзнинг аниқлиги, равонлиги, аниқ фикр ва муносабат билан уйғунлиги, мақсадли талқини, тасаввурнинг мустаҳкамлиги. *

Б) Нутқ техникасининг мустаҳкамлиги, табиийлиги, ўзгарувчанлиги.

В) Тасаввур, муносабат, мулоқот жараёнларининг фаоллиги.

Г) Хотира ва диққатнинг мукамаллиги.

7. Эстрадада бадий сўз ижрочилиги муддати қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) 1-5 дақиқача

Б) 10-15 дақиқача *

В) 20-25 дақиқача

Г) 30-35 дақиқача

8. Фельетон сўзнинг таҳлилий вазифаси қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) Сатирик ҳикоя.

Б) Тарихий воқеаларнинг сатирик юмористик баёни.

В) Жамиятга зид хатти-ҳаракатнинг салбий оқибатини фош қилувчи ҳужжатли лавҳа. *

Г) Инсонлардаги нуқсонларни фош қилувчи бадий асар.

9. Реплика тушунчаси қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- А) Саҳна асарлари, киносценарийларда персонажлар диалогининг якунловчи бўлаги. *
- Б) Қаҳрамоннинг ички кечинмаси.
- В) Спектаклни якунловчи сўзлар.
- Г) Спектаклни бошловчи сўзлар.

10. Ремарка нима?

- А) Ички монолог.
- Б) Жисмоний ҳаракат.
- В) Хонандалик.
- Г) Саҳна асарларида муаллифнинг воқеа ва вазиятни аниқловчи изоҳи. *

11. Эстрадада бадий сўз санъатининг асосий ижро хусусиятлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- А) Ҳаётдаги салбий нуқсонларнинг юмористик сатирик талқини. *
- Б) Воқеалар ёритилишидаги бўрттирувчи, муболағали талқини.
- В) Воқеалар талқинининг кулгили ифодалари.
- Г) Воқеалар баёнининг руҳий-эмоционал ижроси.

12. “Ўзинг эмас, сенинг исминг ғанимдир менга

Сен бошқасан. Сен Мантекки эмассан асло” сатрлари қайси асар қаҳрамонига тааллуқли?

- А) В.Шекспир “Отелло”. Дездемона.
- Б) В.Шекспир “Юлий Сезар”. Клеопатра.
- В) В.Шекспир “Ромео ва Жульетта”. Жульетта. *
- Г) В.Шекспир “Гамлет”. Гамлет.

13. Нутқнинг қайси бўлагига мантиқий урғу қўйилади?

- А) Эга ва кесим. *
- Б) Олмош ва аниқловчи.
- В) Кесим ва олмош.
- Г) Сифат ва эга.

14. Монолог нима?

А) Асар иштирокчисининг суҳбатдошига, ўзига, баъзан томошабинга қарата айтган сўзи, нутқи. *

Б) Икки кишининг суҳбати.

В) Уч кишининг суҳбати.

Г) Тўрт кишининг суҳбати.

15. “Саҳна нутқи” фанининг қайси қисмида тўғри талаффуз меъёрлари ўрганилади?

А) Дикция *

Б) Овоз ва нафас устида ишлаш. Нутқ техникаси.

В) Орфоэпия.

Г) Бадиий ўқиш.

16. “Тақлид қилиш” нима?

А) Овоз йўналтириш.

Б) Овозни ўхшатиш. *

В) Ифодали ўқиш

Г) Қиёсий нутқ

17. Меъёрий эшитиладиган сифатли овоз қандай хусусиятига эга бўлиш керак?

А) Табиий овоз.

Б) Куйлашдаги овоз.

В) Овоз пайлари таранглашуви ва эркинлашувининг мувофиқлашуви (кординациялаш). *

Г) Куйлашдан сўзга ўтиш жараёни.

18. Сўз устаси қайдай руҳий, гигиеник режимда бўлиши керак?

А) Саҳнага чиқишдан 30 минут олдин машқ қилади.

Б) Кун бўйи дам олиш вақтида режимда бўлиши керак.

В) Ҳар куни эрталаб гигиеник гимнастика ўтказиш керак. *

Г) Ухлаш вақтининг бир хилдалигига эришиш керак.

19. Артикуляция ва овоз жаранги фаоллигини мустаҳкамловчи машқлар қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- А) Оғизни очиб, овоз йўналтириш.
- Б) Оғизни кенг очиб, А – Э – О унлилари товушсиз талаффуз этилади.
- В) Артикуляция машқларини сонор товушлари талаффузи билан биргаликда олиб бориш.
- Г) Артикуляция ва овоз жаранги фаолияти машқларини биргаликда олиб бориш. *

20. Ички монолог хусусияти қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- А) Ижрочининг ички ҳолати.
- Б) Монологлар сўз хатти-ҳаракати.
- В) Монолог ёки сахна асаридаги персонажнинг ғояси
- Г) Ижрочининг сўз хатти-ҳаракатига эришишдаги руҳий, ҳиссий кечинмаси.*

21. Образли нутқ қандай шеърӣ жанрларда ифодаланган?

- А) Масал, эркин шеър.
- Б) Масал, оқ шеър. *
- В) Достон, қасида
- Г) Оқ шеър, эркин шеър.

22. Персонажлар ички кечинмасининг мусиқа ва нутқ мутаносиблигида ифодаланиши қайси театр турларига тааллуқли?

- А) Драматик театр.
- Б) Қўғирчоқ театри.
- В) Сатира театри.
- Г) Мусиқали театр. *

23. Сахна асарларининг яхлитлигида қандай ифода воситалари устувор ҳисобланади?

- А) Драматургия, режиссура, актёрлик санъати. Тасвирий санъат, сўз санъати, мусиқа. *
- Б) Мусиқа, сўз санъати, тасвирий санъат.
- В) Грим, актёрлар пластикаси, либослар.
- Г) Режиссёра, мусиқа, тасвирий санъат, сўз санъати.

24. «Сахна нутқи» предметининг асосий вазифаси:

- а) адабий матн замиридаги чуқур маънони, ғояни очиб ва уни эстетик баркамол, бадий етук талқин эта билиш, сўз ҳаракати орқали партнёр ва томошабинга таъсир қилиш усуллари шакллантириш; *
- б) ифодали ўқиш усуллари ўргатиш;
- в) монологлар ижрочилигини ўргатиш;
- г) талаффузни тузатиш;
- д) нутқ маданиятини шакллантириш.

25. Руҳий тиним ўринларини аниқлаш

- а) мақсад ва сўз ҳаракатидан келиб чиқадиган руҳий тиним; *
- б) сўз туркумлари орасига қўйиладиган тиним;
- в) эга ва кесим орасига тушадиган тиним;
- г) аниқловчи сўзлар орасидаги тиним;

26. Матн билан ишлаш асослари:

- а) мантикий таҳлил, асосий воқеа, олий мақсад, етакчи ҳаракат, ғоя, воқеа ривож чўққиси, ечимни аниқлаш орқали; *
- б) матнни ёд олиш орқали;
- в) ҳаётий қиёслаш орқали;
- г) урғу олувчи сўзларни белгилаш орқали;
- д) ижрочилик машқлари орқали.

27. Мавзу нимани англатади?

- а) муалиф томонидан танланиб, бадий образлар орқали талқин этилган ҳодисаларнинг умумий мажмуаси; *
- б) ижрочи талқин қилмоқчи бўлган воқеа йўналиши;
- в) адиб илгари сурмоқчи бўлган воқеа мазмуни;
- г) лозим бўлган ҳодисаларининг тасвир орқали талқин қилиниши;
- д) хотиралар ҳулосасидан мужассамланган воқеалар асоси.

28. Ғоя тушунчаси ҳақида:

- а) муаллифнинг асари орқали ўқувчиларга айтмоқчи бўлган асосий фикр мақсади; *
- б) турмуш воқеаларидан керакли ҳодисаларни англатиши;

- в) ҳаётий воқеалардан олинган чуқур таассурот натижасида айтилмоқчи бўлган маъно;
- г) воқеа мазмунидан келиб чиқадиган муаллифнинг олий мақсади;
- д) воқеаларни бирлаштириб турувчи асосий мақсад.

29. Тугун ҳақида тушунча:

- а) кейинги воқеалар ривожланишига тўртки берувчи дастлабки тўқнашув ва ҳодисаларнинг боғланиши; *
- б) ўқувчи учун жумбоқ бўлган воқеа;
- в) мақсаднинг англашмаган сирли англаниши;
- г) ҳаракатлар тизими олдидаги қарама-қаршиликлар;
- д) образларда ўқувчига англашмаган ички кечинмалар.

30. Кульминация ҳақида тушунча:

- а) воқеалар ривожининг шиддати, қарама-қаршилик билан тўқнашувининг юқори чўқиси ва ҳал қилувчи лаҳзаси; *
- б) олий мақсадни англашдаги кескин шиддатли ҳаракатлар тизими;
- в) воқеа ва ҳодисаларнинг ривожланган лаҳзаси;
- г) ҳаракатлар тизимининг ечимига ўтар лаҳзаси;
- д) асарнинг асосий ҳал қилувчи воқеаси.

31. Конфликт ҳақида тушунча:

- а) оқибати жиддий курашларга олиб келувчи қарама-қаршилик ҳаракатлари, баҳс-мунозара ва келишмовчиликлар; *
- б) манфаатдорлик дунёқараши, интилишларнинг ривожини;
- в) зиддиятга олиб келувчи омиллар;
- г) муваффақият орасидаги тўқнашув;
- д) курашларга олиб келувчи тўқнашув ечими.

32. Адабий монтаж тушунчаси:

- а) ижрочилик учун танланган асарни ижрочилик учун мослаш жараёнида ягона мақсад учун мувофиқлаштириш; *
- б) асардаги зарур қисмларнинг мантиқий ечими;
- в) адабий матн талқинидаги кучайтирувчи омиллар;

- г) муаллифнинг мақсадига мослашиш учун матнни қисқартириш;
- д) асарнинг ихчамлашиши учун ҳаракатлар билан бойитиш.

33. Олий мақсад ҳақида тушунча:

- а) муаллиф ва ижрочининг томошабинга тақдим қилмоқчи бўлган асосий фикри, ният ва хоҳиши; *
- б) томошабинга етказмоқчи бўлган зарурий маълумот;
- в) ижрочининг томошабинга қилмоқчи бўлган муҳим янгилиги;
- г) асарда илгари сурилган муҳим воқелик;
- д) асардаги воқеаларнинг мазмуни ва асосий ғояси.

34. Асосий воқеа тушунчаси:

- а) ҳар бир адабий асар ёки ундан олинган адабий матн бўлагининг вужудга келишига, унинг ёзилишига ва шаклланишига сабаб бўлган, туртки берган воқеа; *
- б) ижрочилик олий мақсади ва вазифасига сабаб бўлувчи қарама-қаршилиқ;
- в) адабий матндаги ҳаракат фаоллигига сабаб бўлувчи куч;
- г) ижрочининг эмоционал имкониятини уйғотувчи ҳаракат мезонлари;
- д) адабий парча манзарасидаги ёрқин тасвирлар тизими.

35. Вазифа ҳақида тушунча:

- а) асарда ижрочи бажариши шарт бўлган, унинг олдидаги тўсиқ, қарама-қаршилиқ ва уни ечишга ҳаракат ечими; *
- б) ҳаракатнинг мантиқий мунтазамлик бўлакларини олувчи йиғиндиси;
- в) ижодий ҳаракатлар занжирининг мантиқий бўлаги;
- г) воқеа ривожининг қарама-қаршилиқлар олдидаги мантиқий ечими;
- д) ижодкорнинг ижрочилик маҳоратидаги ҳаракат мезони.

36. Ҳаракат ҳақида тушунча:

- а) матн замиридаги руҳий интилиш, қарама-қаршилиқни ечишга туртки берувчи, бажаришга ундовчи вазифалар туркуми; *

- б) ички кечинмага туртки берувчи воқеанинг амалга оширилиши;
- в) сахнанинг асосий мағзини очиб берувчи вазифанинг амалга оширилиши;
- г) ижрочи хоҳиш-иродасининг етакловчи кучи;
- д) оддий мақсад йўлидаги мантиқий вазифалар тизими.

37. Етакчи ҳаракат ҳақида тушунча:

- а) ижрочи ёки асар қаҳрамонининг олий мақсадга эришмоғи йўлидаги асосий интилиши бажариши зарур ва муқаррар бўлган вазифалари, иродаси; *
- б) ижобий ёки салбий қаҳрамонларнинг ўзаро карама-қарши интилишлари, вазифаларининг амалга оширишга ундовчи хоҳишларининг фаолияти;
- в) санъат асарини озиқлантирувчи манба;
- г) ҳодисаларнинг мантиқий тўқнашувидан ҳосил бўладиган манба;
- д) адабий материал воқеасининг амалга оширилиши, зарур бўлган вазифаларнинг туширилиши.

38. Туб маъно ҳақида тушунча:

- а) қаҳрамоннинг дилидаги руҳий ҳолати, иродаси сўзда айтилмаган, аммо сўз замиридаги ички ҳаракат ифодаланган истаги; *
- б) нутқнинг оҳангдорлиги акс этган ҳолати;
- в) тингловчида ижрочилик асарига уйғотилган табиий, эстетик жозибадор туйғу;
- г) фаоллик муносабатини уйғотувчи омилларнинг сўздаги акси;
- д) ижодий характердаги эркинликка туртки берувчи сабаблар тизими.

39. Сукут (паузalar) нима?

- А) фикрнинг ривожланиши
- Б) сўз қидириш вақти
- В) бир фикрдан бошқасига ўтишдаги тўхталиш *
- Г) тиниш белгиларидан кейин тўхталиш

40. Сукут (пауза)ларнинг турлари.

- А) грамматик
- Б) мантикий
- В) рухий
- Г) мантикий, грамматик, рухий (психологик) *

41. Туб маъно тушунчаси нима?

- А) ижрочини мақсади
- Б) матндаги воқеалардан бири
- В) ижрочи кўнглидаги рухий ҳолат
- Г) асарнинг моҳияти *

42. Қофия нима?

- А) сўзлардаги бўғин
- Б) мисралардаги охангдошлик *
- В) сўзларнинг асл маъноси
- Г) сўзлардаги кўчма маъно

43. Фикр туғилиши нима?

- А) сўз билан боғлиқ ҳолат
- Б) сўзнинг хатти-ҳаракати
- В) ижрочининг истаги
- Г) ижрочининг ички ҳиссий уйғониши *

44. Муаллиф фикри.

- А) ижрочининг сўз хатти-ҳаракати
- Б) ижрочининг мақсади
- В) сўз хатти-ҳаракатига эришиш
- Г) муаллиф нима демоқчи *

45. Аруз жанридаги байт нима?

- А) арабча сўз бўлиб “устун”ни ифодалайди
- Б) шеърдаги мазмун
- В) мазмун ва шаклни боғлаган тугал мисра *
- Г) шеърдаги ҳижо.

46. Ғазал неча тур бўлади?

- А) рубой, чистон
- Б) уч турли: рубой, фард, қитъа
- В) икки турли: пароканда, воқеабанд *
- Г) мухаммас, мустаҳзод

47. Мусиқали театр нутқи нима?

- А) оҳангли нутқ
- Б) куйловчи нутқ
- В) регитатив
- Г) сахна ҳақиқатига эришилгандаги сўз хатти-ҳаракати. *

48. Бир актёр театри жанрининг таниқли вакили?

- А) Муҳсин Ҳамидов *
- Б) Амин Турдиев
- В) Наримон Латипов
- Г) Қудрат Хўжаев.

49. Масал қайси жанрга мансуб?

- А) драма, мелодрама
- Б) сатира, юмор *
- В) фожиа, драма
- Г) миниатюра, интермедия.

50. Ўзбекистон телевидениеси қошидаги телеминиатюри театри ташкилотчилари ким?

- А) Эргаш Каримов, Ҳасан Йўлдошев *
- Б) Ҳусан Шарипов, Садир Зиявутдинов
- В) Обид Асомов,
- Г) Мирза Холмедов, Валижон Шамсиев.

51. Аския жанри қандай жанр?

- А) фикр олишуви *
- Б) сўз олишуви
- В) бадиҳагўйлик
- Г) ҳикоялаш.

52. Нутқ билан муסיқа синтези нима?

- А) нутқ билан муסיқа уйғунлашуви *
- Б) нутқнинг устунлиги
- В) муסיқанинг нутқни инкор қилиши
- Г) муסיқа устунлиги.

53. Эстрадада шевадан қайси пайт фойдаланилади?

- А) шеър ўқиётганда
- Б) рубоий ўқиётганда
- В) нутқий характер яратганда *
- Г) ғазал ўқиётганда.

54. Ўзбек эстрадасида таниқли сўз устаси?

- А) Афзал Рафиқов
- Б) Ўткир Сидиқов *
- В) Исмоил Жалилов
- Г) Козим Қаяумов.

55. Қадимги даврда нотиклик санъатининг гуллаб, равнақ топган жойи?

- А) Миср
- Б) Оссурия
- В) Вавилон
- Г) Ҳиндистон
- Д) Греция *

56. Қадимги Юнонистонда сиёсий нутқи билан халқни курашга отлантирган нотик ким?

- А) Цицерон
- Б) Демосфен *
- В) Софистлар
- Г) Лисий
- Д) Тиберий Грак

57. Демосфен нутқининг асосий фазилати нимада?

- А) нутқнинг шакл гўзаллиги

- Б) нутқидаги ифодавийлик
- В) импровизацион нутқ
- Г) нутқнинг мазмундорлиги *
- Д) нутқнинг қисқа ва ихчамлиги

58. Қадимги Римда буюк сиёсий нотиқ ким?

- А) Кай Грак
- Б) Тиберий Грак
- В) Цицерон *
- Г) Лисий
- Д) Демосфен

59. Риторика мактаби дастлаб қайда очилган?

- А) Римда
- Б) Грецияда *
- В) Ҳиндистонда
- Г) Вавилонда
- Д) Ассирияда

60. “Кишини жамиятда энг олий даражада улуғловчи икки восита бор, бири ҳарбий саркардалик санъати, иккинчиси нотиқлик санъати”.

“Киши шоир бўлиб туғилади, нотиқ бўлиб етишади”. Бу иборалар қайси буюк нотиққа тегишли?

- А) Аристотель
- Б) Демосфен
- В) Цицерон *
- Г) Миробо
- Д) Робеспьер

61. Нотиқ қандай хислатларга эга бўлиши керак?

- А) нотиқ ўз нутқида фозил ва сўзига амал бўлиши керак *
- Б) нутқ тўла исботланиши керак
- В) нутқда аҳамиятсиз сўзлар бўлмаслиги керак.
- Г) нутқ материалга бой бўлиши керак.

Д) материални жойлаштира олиш керак.

62. Ўрта асрда қироатхонликка ва догматизм нотиклигига қарши ким бош қўтариб чиқди?

А) Цицерон

Б) Ян-гус *

В) Аристотель

Г) Мирабо

Д) Робеспьер

63. Қадимги Рим нотиклигининг асосий хислати

А) масаланинг ихчам талқини

Б) масаланинг кескин қўйилиши ва дилкаш бўлиши *

В) нутқнинг эмоционал туйғунлиги

Г) қироатхонлик

Д) мақтов нотиклиги

64. Санъат турлари орасида энг муҳими қайси?

А) кино санъати

Б) драма театри санъати

В) рассомлик санъати

Г) меъморчилик санъати

Д) нотиклик санъати *

65. Навоийнинг қайси асарларида воизлик санъати ҳақида кенг тушунча берилган?

А) “Хамса”

Б) “Мажолисун нафоис” *

В) “Маҳбубул-қулуб”

Г) “Лисопун-тайр”

Д) “Арбаин”

66. Воизлик санъатининг намоёндалари ҳақида А.Навоий қайси асарида баён этади?

А) “Арбаин”

- Б) “Хамса”
- В) “Махбубул-қулуб” *
- Г) “Лисонут-тайр”
- Д) “Мажолисун-нафоис”

67. Воизларда, гўяндаларда қандай нутқий фазилат устун турган?

- А) кишини сеҳрловчи овоз
- Б) эҳтирос билан сўзлаш
- В) қироат билан ўқиш *
- Г) ҳамдардлик ҳиссиёти билан ўқиш
- Д) нутқ орқали ёмон кайфият пайдо қилиш.

68. Қайси асарда нутқ одобига оид муаммолар кенг ёритилган?

- А) Саъди Шейрозий. “Бўстон ва Гулистон”
- Б) Махмуд Қошғарий. “Девони луғат-турк”
- В) Юсуф Хос Ҳожиб. “Қутадғу билиг” *
- Г) Калила ва димна
- Д) А.Навоий

69. Нотиқлик санъатида таянадиган биринчи босқич қайси?

- А) қироат билан ўқиш
- Б) ифодали ўқиш *
- В) бадиий ўқиш
- Г) мантиқли ўқиш
- Д) бадиий сўз

70. Яхши нотиқ ўз маърузасида нимага асосланиб иш кўради?

- А) маърузанинг ғоявий пишиқ бўлишига
- Б) илмий бўлишига қизиқиш
- В) ифодавийликка
- Г) сўзлар қурилмасининг тўғрилигига
- Д) бадиий сўзни санъат даражасига олиб чиқишга *

71. Нотиқлик ўз нутқий камчилигини йўқотишда нималарга таяниб иш кўради?

- А) сўзлаганда нафасни ишлата олиш
- Б) овозни чиниқтирувчи машқларга таянади
- В) талаффуз тозалиги устида машқ қилиш
- Г) нутқ техникаси машқларини мунтазам бажариш *
- Д) орфоэпик қонун-қоидаларини ўрганиш

72. Нотиқ-ижрочи қандай нафасдан фойдаланади?

- А) қисқа, ўпканинг юқори қисмига олинган нафасдан
- Б) кўкрак қисмига нафас олишдан
- В) корин қисмига нафас олишдан
- Г) диафрагмал нафас олишдан *
- Д) диафрагмал аралаш нафас олишдан

73. Бадий сўз санъаткори нималарга амал қилади?

- А) нутқ техникасига
- Б) сўзнинг мантиқига
- В) ички кечинмаларни сўзга кўчиришга *
- Г) сўз шаклини беэаб сўзлашга
- Д) эстетик таъсир этишга

74. Нутқдан ўзингиз роҳатланиб қолмай сўз ва оҳангларни сездирмасдан туриб, тингловчиларнинг қулоғига қўйиб қўйишингиз керак.

- А) К.С.Станиславский *
- Б) М.Уйғур
- В) Муқумий
- Г) Л.Толстой
- Д) Фирдавсий

75. А.Навоийнинг қўйидаги байти қайси асарга мансуб.

Дона у дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.

- А) “Хамса” *
- Б) “Маҳбубул қулуб”
- В) “Арбаин”

Г) “Назмул-жавохир”

Д) “Лисонут-тайр”

76. “Тил бамисоли бир пўлат ханжар бўлса, сўз унга қадалган инжулардир”. Қайси алломага тегишли ибора?

А) Бобур

Б) Шерозий

В) Навоий *

Г) Фуркат

Д) Фирдавсий

77. Сўз орқали тасаввурни уйғотишда нимадан фойдаланамиз?

А) мақоллардан

Б) шеърлардан

В) манзарали пейзажлардан *

Г) эртаклардан

Д) хикоя ўқишдан

78. Нутқнинг бадиий кўриниши нимада намоён бўлади?

А) сўзнинг шакл беагида

Б) мантиққа асосланиб сўзлашда

В) ички ҳиссиёт ва туйғу-кечинмаларни ифодалашда *

Г) овознинг баланд-пастлиги модуляциясидан фойдаланишда

Д) жусса ҳаракатини сўзга боғлашда

79. Эстрада санъатида қайси ижро жараёнлари сўз санъатининг таъсирлигини таъминлайди?

А) ҳиссий, эмоционал, руҳий ва жисмоний хатти-ҳаракат *

Б) ифодали, таъсирчан, декламация жараёни

В) руҳий, эмоционал, импровизация жараёни

Г) воқеани эслаш ва жонлантириш жараёни.

80. Масал устида ишлаш жараёни ижро маҳоратининг қайси қирраларини мустаҳкамлайди?

А) нутқий характерлар яратиш хусусияти *

Б) ифодали ўқиш ижро маҳорати

В) образ яратиш, нуткий характер билан бойитиш, муносабат, муаллиф
ғоясини ёрқин ифодалаш

Г) ижро жараёнида бадиий ифода имкониятини мустаҳкамлаш.

**81. Мумтоз адабиётнинг бадиий ижрочилик хусусияти қайси жанрда
кўпроқ ифодаланади?**

А) рубоий, ғазал, достон, ривоят *

Б) мувашшаҳ, қасида, туюқ, чистон

В) эртак, сажъ, лаф, айтишув, мусаддас

Г) мухаммас, мувашшаҳ, достон.

**82. Сатирик асарлар ижро маҳоратининг қайси қирраларини
мустаҳкамлайди?**

А) асардаги персонажларнинг образли ифодавий хусусияти *

Б) адабий матнинг ғоявий ечимига муносабат билдириш.

В) ифодали ўқиш иқтидорини шакллантиради

Г) нуткий характерга йўл очади.

**83. Мавжудотлар, ҳайвонот олами овози, нутқи қайси йўналишда татбиқ
қилинади?**

А) кўғирчоқ театри актёрлиги *

Б) муסיқали театр актёрлиги

В) эстрада театри актёрлиги

Г) драма театри актёрлиги

84. Аллегорик образлар овози қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) имитация, трансформация *

Б) ифодали ўқиш, тақлид

В) овоз йўналтириш, талаффуз устида ишлаш

Г) унли товушлар, санор товушлар устида ишлаш

**85. Бир актёр учун кўп образли овоз йўналтириш қайси театр турига
хос?**

А) муסיқали театр

Б) сатира театри

В) драма театри

Г) кўғирчоқ театри *

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Сиёсий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, сиёсат, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан – саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
10. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
11. И.А.Каримов. Миллий истиқлол: мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
12. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
13. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
14. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.-176 б.
15. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон, 2011.- 440 б.

Асосий адабиётлар:

1. Алимжанова З.Й., Тўлаганов А.Н. Саҳна нутқи. – Т.: Фан, 2005.
2. Носирова А. Жонли сўз санъати. – Т.: ТДСИ босмахонаси, 2003
3. Жуманов И. Саҳна нутқи . – Т.: Ўзбекистон миллий файласуфлар жамияти, 2007.
4. Ҳожиматова М. Саҳна нутқи. – Т.: Янги аср авлоди, 2011.
5. Холиқулова Г.Э. Саҳна нутқи (тарихий спектакллар мисолида). – Т.: ЎзДСИ, 2008.
6. Тўлаганов А. Саҳна нутқи. – Т.: Муסיқа, 2009.
7. Б.Сайфуллаев, Ж. Маматқосимов. Актёрлик маҳорати. –Т.:Фан ва технология, 2012.
8. К.С. Станиславский. Актёрнинг ўз устида ишлаши. Т.Хўжаев таржимаси. С.Муҳаммедов муҳаррирлигида. -Т.: Янги аср авлоди., 2010.
9. Носирова А. Саҳна нутқи. – Т., Фан, 2013.

Интернет маълумотлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-servise.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
4. Infocom. узелектрон журнали: www.infocom.uz
5. Ziyonet
6. <http://www.teatr.ru>
7. <http://www.uzbekteatr.skm.uz>
8. <http://www.teatr-stanislavsky.ru>
9. <http://www.teatr-estrada.ru>

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
------------	---

I боб. Бадиий сўз маҳоратида бадиий тафаккур ва сўз ижрочилиги

1.1. Театр, кино, ва телевидениеда бадиий сўз маҳорати.....	8
1.2. Бадиий сўз санъатининг ижтимоий ўрни, аҳамияти ва вазифалари..	27
1.3. Бадиий сўз ижрочилигининг ғоявий таъсирчанлик хусусиятлари.....	45

II боб. Бадиий сўзда ижрочилик маҳорати

2.1. Актёрлик санъатида сўз хатти-ҳаракати ва бадиий сўз.....	67
2.2. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати тарихи.....	91
2.3. Бадиий сўз ижрочилигида олий мақсад ва етакчи ҳаракат.....	98

III боб. Фикр, ғоя ва мақсад уйғунлигининг ифодавий фаоллиги

3.1. Бадиий сўз маҳоратида фикр ва жонли сўз таъсирчанлиги.....	114
3.2. Бадиий сўз маҳоратида талаффуз равлонлиги ва фаоллигини таъминловчи товушли бирикмалар.....	117
3.3. Овоз жарангини жонлантирувчи сонор товушли бирикмалар.....	124
3.4. Талаффузни жонлантирувчи, фаоллаштирувчи бирикмалар.....	126
3.5. Тасаввур эркинлиги, фаол ва пластик қудрати.....	128
3.6. Сўз санъатининг сир-синоати.....	131
3.7. Алфавит тартибида турли давлатлар номи талаффузи	133
3.8. Илтифот, иззат-икром, ҳурмат-эътибор билан чорлаш.....	135

IV боб. Сўз фалсафаси, ибрати ва ҳикматлари

4.1. Сўз санъатининг фалсафий қиммати, ибрати ва ҳикматлари.....	141
4.2. Бадиий сўз маҳоратида тасаввурнинг жонланиши, эслаш, фикрлашнинг ўзига хослиги ва амалий ифодавий жараёнлари	149

Хулоса.....	169
-------------	-----

Глоссарий.....	179
----------------	-----

Тест саволлари.....	183
---------------------	-----

Адабиётлар рўйхати.....	202
-------------------------	-----